

**АСРОР ПАРДАЕВ**

---

**БУХОРО ВА ХОРАЗМДАГИ  
ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШЛАР  
ФАОЛИЯТИ  
(1920 – 1924 ЙИЛЛАР)**

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АСРОР ПАРДАЕВ

**БУХОРО ВА ХОРАЗМДАГИ  
ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШЛАР  
ФАОЛИЯТИ  
(1920 – 1924 ЙИЛЛАР)**

Жангирилган  
Буҳорият мактаби  
заруратни таҳсилотга  
мажлиси шароитни  
сабзасан  
J. Абдуллоев  
15.06.2016-й

ТОШКЕНТ  
«YANGI NASHR»  
2015

Пардаев Асрор.

II25

Бухоро ва Хоразмдаги Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1920 – 1924 йиллар). Асрор Пардаев. – Тошкент: Yangi nashr, – 2015. 176 бет.

ББК 84(5Ў)

ISBN-978-9943-22-179-6

Маъсул мухаррир:  
тарих фанлари доктори Қ. Ражабов

Тақризчилар:  
тарих фанлари номзоди, доцент Г. Муминова,  
тарих фанлари номзоди Б. Пасилов

Мазкур монография Бухоро ва Хоразм Xалқ Совет Республикаларида фаолият кўрсатган Иқтисодий Кенгашлар фаолиятига багишланган. Китобда Бухоро ва Хоразм Xалқ Республикалари иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида ҳукumat раҳбарлари томонидан иқтисодиёт нозирликларининг ташкил этилиши, большевиклар сиёсий ҳокимиятни қўлга киритгач, Туркистон Иқтисодий Кенгashi намунасида Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашларининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолияти ёритилган. Шунингдек, Иқтисодий Кенгашларининг ҳар иккала республикада пахта як-каҳокимлигини ўрнатиш мақсадида ташкил этилган Рус-Бухоро ва Рус-Хоразм пахтачилик ширкатларининг фаолияти, Иқтисодий Кенгашларининг раислари ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгashi ташкил этилгандан сўнг, Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашларининг бевосита Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашига бўйсундирилиши янги далиллар орқали баён этилган.

Монография олий ўқув юртлари талабалари, тадқикотчилар, умуман Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

ISBN-978-9943-22-179-6



© Yangi nashr, 2015 й.

## КИРИШ

Истиклол йилларида Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги пойдеворини барпо этиш борасида пухта ва жиддий ишлар олиб борилди. Чунки, ўзбек халқи давлатчилигининг кўп минг йиллик тарихи Россия империяси томонидан зўрлик билан бошиб олиниши натижасида узилиб қолган эди. Фақат мустақиллик кўлга киритилгандан сўнг, халқаро муносабатларнинг тенг ҳукукли субъектига айланган Ўзбекистон Республикаси ўз янги давлатчилигини қуриш ва ривожлантиришга киришди. Бошқача қилиб айтганда, фақат истиқлолгина ўзбек халқига ўз ватанида ўзини эркин ҳис қилиш, чинакам миллий давлатчилигини шакллантириш имкониятини берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишдаги ёпик саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини агадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эди»<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар жараёни барча соҳаларни ўзида қамраб олган бўлиб, ижтимоий фанлар, жумладан тарих фани олдига муҳим вазифалар қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2015 йил 12 январда бўлиб ўтган биринчи ташкилий йиғилишидаги маъруzasida бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдирган: «Мустабид тузумдан бизга қандай оғир, қандайnochор мерос қолгани, халқимиз қанча азоб-уқубатлар тортганини ҳеч қачон унут-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008. – Б. 98.

маслигимиз керак. «Пахта иши» деган уйдирма ва бўхтонлар, Марказдан юборилган, ўзини «десантчилар» деб атаган ёвуз кучларнинг қонунни, адолатни, халқимизнинг шаъни ва ғурурини оёқости қилиб амалга оширган кирдикорлари ҳақидаги ҳақиқатни тұла очиб бериш лозим. Афсуски, тарихчиларимиз ва адибларимиз бу ҳақда кам ёзади. Айни пайтда биз бошимиздан кечирган кечаги күн, яқин тарихимизда рўй берган мана шу фожиали воқеаларни ҳам бугунги ва келажак авлодларимизнинг онгу шуурига етказиш ҳақида ҳам бош қотиришимиз зарур. Униб-ўсиб келаётган ёшларимизни тарих сабоқлари билан, тарих ҳақиқати билан қуроллантириш лозим»<sup>2</sup>.

Айнан совет ҳокимияти даврида Ўрта Осиё республикалари иқтисодиёти устидан назорат қилиш мақсадида Халқ Ҳўжалик Олий Кенгаши ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши каби ташқи-лотлар фаолият кўрсатган. Бугунги кунда Ўзбекистон тарихи фанидаги долзарб масалалардан бири Бухоро ва Хоразмдаги Иқтисодий Кенгашлар тарихини ўрганиш ҳисобланади. 1920 йилда БХСР ва ХХСР ташкил топгач, улар совет Россиясига иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бўйсундирилди. 1923 йилга келиб Туркистон АССР, БХСР ва ХХСРдаги иқтисодиётни янада марказлаштириш мақсадида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ташкил қилинди. Бу кенгашлар Ўрта Осиёдан Марказга хом ашё ва табиий бойликларни ташиб кетишида катта ҳисса қўшган.

1920 – 1924 йилларда Бухоро ва Хоразмдаги Иқтисодий Кенгашлар фаолияти шунинг учун ҳам муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этиб, бу жиҳатлар мавзунинг долзарблигини билдиради. Чунки БХСР ва ХХСРда 1920 – 1924 йилларда фаолият кўрсатган Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашлари мустақил тадқиқот обьекти сифатида илк маротаба тадқиқ қилинмоқда.

<sup>2</sup> Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг биринчи мажлиси тўғрисида ахборот // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг биринчи йигилишидаги маъруза // Халқ сўзи. 2015 йил 13 январь.

# I БОБ. БХСР ВА ХХСРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ҲАМДА УЛАРДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР

## 1. 1. Мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослиги

Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашлари фаолияти мавзусининг манбашунослиги масаласи анча мураккаб масала ҳисобланади. Мазкур мавзунинг манбашунослигини шартли рашидда қуйидаги гурухларга ажратиш мумкин: эълон қилинган ҳужжат ва материаллар тўпламлари, архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари, ўша даврда яшаган ҳамда фаолият кўрсатган давлат ва жамоат арбобларининг хотира ва эсдаликлари.

Биринчи гурухга мансуб манбаларга эълон қилинган ҳужжат ва материаллар тўпламлари киради. БХСР ва ХХСР тарихига оид ана шундай ҳужжатлар тўпламлари Тошкентда 1976 йили рус тилида эълон қилинди<sup>3</sup>. Мазкур тадқиқотда ушбу манбалардан унумли фойдаланилди.

Иккинчи гурух архив манбалари Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА) нинг совет даври тарихига оид 9, 18, 45, 46, 47, 48, 49, 51, 52, 53, 69, 71, 72, 73, 74, 75, 2027-фондлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ архивида сакланаётган Россия Федерацияси архивларига тегишли ҳужжатлар (РГАЭ ва РГАСПИ фондлари), Бухоро вилояти давлат архивининг 36-фонди, Хоразм вилояти давлат архивининг 132, 590, 4444- фондлари, Қашқадарё вилояти давлат архивининг 129-фонди ҳужжатларидан иборат. Архив ҳужжатларида БХСР ва ХХСРдаги партия, давлат ва жамоат идораларининг

<sup>3</sup> История Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.). Сборник документов. – Ташкент: «Фан», 1976. – 484 с.; История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.). Сборник документов. – Ташкент: «Фан», 1976. – 376 с.

хужжатлари, Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашларининг мажлис қарорлари ва тайёрлаган ҳисоботлари бор.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси МДАдаги Бухоро Инқилобий Қўмитаси (46-ф.), Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси (47-ф), Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси (48-ф.), Бухоро Иқтисодий Кенгаши (49-ф.), БХСР Ер ишлари нозирлиги (51-ф.), БХСР Савдо-саноат нозирлиги (53-ф.), Хоразм Иқтисодий Кенгаши (73-ф.), Хоразм Марказий Ижроия Қўмитаси (71-ф.), Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси (72-ф.), XXСР Ер ишлари нозирлиги (74-ф.), XXСР Савдо-саноат нозирлиги (75-ф.) фондларидағи хужжатларни алоҳида таъкидлаш керак бўлади.

Айниқса, Ўзбекистон МДАнинг 49-фондидағи хужжатларда Бухоро Иқтисодий Кенгашининг ташкил топиши, унинг вазифалари, қуий тармоқлари бўлган вилоят иқтисодий кенгашларининг фаолияти, Бухоро Иқтисодий Кенгашининг БХСРдаги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги қўрсатмаларига доир ҳужжатларни учратиш мумкин<sup>4</sup>.

Шу архивнинг 73-фондида Хоразм Иқтисодий Кенгашининг ташкил этилиш сабаблари, халқ ҳўжалигини тиқлашдаги жонбозликлари, Бутун Хоразм Марказий Ижроия Қўмитаси, XXСР Халқ Нозирлар Шўроси ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашига тайёрлаган ҳисоботлари, хусусан, асосий тармок бўлган пахтачилик соҳасидаги ислоҳотлар, яъни, Рус-Хоразм пахтачилик ширкатининг ташкил этилиши, фаолияти, сабаблари ҳақидаги маълумотларни кўриш мумкин<sup>5</sup>.

Шунингдек, 49 ва 73-фондлардаги Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашларининг Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашига 1923 – 1924 йиллар учун тайёрлаган ҳўжалик режалари ҳисоботларини алоҳида таъкидлаш керак<sup>6</sup>.

Хусусан, Ўзбекистон МДАнинг 2027-фондида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ташкил топиши, Ўрта Осиё респуб-

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА), 49-фонд, 1-рўйхат; 1-иш, 19 – 30-вараклар; 3-иш, 212 – 213-вараклар.

<sup>5</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 35 – 60-вараклар; 34-иш, 7 – 20-вараклар.

<sup>6</sup> ЎзР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 15-варак; 73 фонд, 1-рўйхат; 81-иш, 4 – 8-вараклар.

ликаларининг 1920 йиллардаги иқтисодий аҳволи, улар иқтисодиётидағи тафовутлар, Үрта Осиё республиклари иқтисодий кенгашларининг конференциялари материаллари, тартиби, республикаларни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш борасидаги таклифлар каби маълумотларни учратиш мумкин<sup>7</sup>. Шунингдек, унда Үрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашларига берган кўрсатмалари, мажлис қарорларига доир қимматли маълумотлар бор. Юқорида келтирилган фонdlардаги ҳужжатлар ўз моҳиятига кўра мавзу учун энг қимматли манбалар ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон МДАнинг 51 ва 74-фонdlарида БХСР ва XXСРдаги Ер ишлари нозирликларининг ташкил тоғини, уларнинг 1920 – 1924 йиллардаги фаолияти, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, амир ва хонга тегишли ерларнинг давлат тасарруфига олининиши борасидаги қарор ва фармийишларни кўриш мумкин. Бундан ташқари бу фонdlарда ҳам Иқтисодий Кенгашларнинг фаолиятига доир маълумотлар бор<sup>8</sup>. Шу архивнинг 53 ва 75-фонdlарида БХСР ва XXСРдаги Савдо-саноат халқ нозирлигининг ташкил этилиши ва фаолияти, иккала республикадаги саноат корхоналари, заводлар сони, товар ишлаб чиқариш, чет элга товар олиб чиқиш ва олиб келиш, Бухор ва Хоразм Иқтисодий Кенгашларининг уларга берган кўрсатмаларига доир ҳужжатларни учратиш мумкин<sup>9</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ архивида сакланаётган Россия Федерацияси архивларига тегишли ҳужжатлар тадқиқотни тайёрлашда мухим роль ўйнади. Россия давлат иқтисодий архиви (РГАЭ) фонdlаридан олинган Бухоро Иқтисодий Кенгashi (ф. 4372) ва Россия давлат ижтимоий-сиёсий тарихи (РГАСПИ) фонdlаридан олинган Хоразм Марказий Ижроия Қумитаси (ф. 5) ҳужжатларида Бухоро Иқтисо-

<sup>7</sup> ЎЗР МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 63 – 75-вараклар.

<sup>8</sup> ЎЗР МДА, 51-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 20 – 35-вараклар; 74-фонд, 1-рўйхат, 69-иш, 10 – 24-вараклар.

<sup>9</sup> ЎЗР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 84-иш, 90 – 98-вараклар; 75-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 65 – 76-вараклар.

дий Кенгаши ҳамда ХХСР ва БХСРдаги иқтисодий жараёнлар ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд.

Шунингдек, Бухоро вилояти давлат архивининг Бухоро Иқтисодий Кенгаши (36-ф.), Хоразм вилояти давлат архивининг Хоразм Иқтисодий Кенгаши (590-ф.), Рус-Хоразм пахтачилик кенгаши (4444-ф.), Қашқадарё вилояти давлат архивининг (129-ф.) фондларида ҳам муаммога доир маълумотлар бор. Бухоро вилояти давлат архивининг 36-фондида Бухоро Иқтисодий Кенгашининг ташкил топиши, мақсад ва вазифалари тўғрисида маълумотлар бор. Хоразм вилоят давлат архивининг 4444-фондида Рус-Хоразм пахтачилик ширкатининг фаолияти ёритилган, 590-фондда эса Хоразм Иқтисодий Кенгашининг ташкил топиши, унинг тузилиши, мақсад ва вазифалари кўрсатилган. Қашқадарё вилоят давлат архивининг 129-фондида Беҳбудий туманидаги вакф ерларига оид қимматли маълумотлар берилган.

Учинчи гуруҳга даврий матбуот материаллари киради. «Туркестанская правда»<sup>10</sup>, «Бухоро ахбори»<sup>11</sup>, «Озод Бухоро»<sup>12</sup>, «Инқилоб қуёши»<sup>13</sup> газеталари ҳамда «Экономическая жизнь», «Народное хозяйство Средней Азии»<sup>14</sup> журналлари ҳамда «Бюллетень Первой Экономической конференции Среднеазиатских Республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской)»<sup>15</sup> сингари нашрларда Ўрта Осиё республикалари, хусусан, Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий аҳвол, Иқтисодий Кенгашларнинг республикалардаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳада олиб борган сиёсати, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашларига берган кўрсатмалари тўғрисидаги мақолалар чоп этилган. Айниқса, «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталарида БХСРдаги иқтисодий ислоҳотлар, Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашларининг ўзаро

<sup>10</sup> В Бухаре // Туркестанская правда. 6 февраля 1924 г.

<sup>11</sup> Ер таҳсими // Бухоро ахбори. 1921 йил 18 январь, № 20.

<sup>12</sup> Пахтакор дехқонларга енгиллик // Озод Бухоро. 1924 йил 2 февраль, № 43.

<sup>13</sup> Пахтачилик ишлари // Инқилоб қуёши. 1922 йил 5 апрель, № 20.

<sup>14</sup> В Восточной Бухаре // Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 2, 3. – С. 65.

<sup>15</sup> Бюллетень Первой Экономической конференции Среднеазиатских Республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). – Ташкент, 1923. № 1, 2, 3, 4.

муносабатлари, Бухоро Иқтисодий Кенгашининг мажлис қарорлари батафсил келтирилган. Хуллас, ушбу газета ва журнallар Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашларининг фаолиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Тўргинчи гурух манбалари ўша давр тарихий воқеаларининг жонли гувоҳи ва иштирокчиси бўлган давлат ва жамоат арбоблари Файзулла Хўжаев<sup>16</sup>, Абдулқодир Мухитдинов<sup>17</sup>, Садрндин Айний<sup>18</sup>, Полвонниёз Юсупов<sup>19</sup>, Амир Сайид Олимхон<sup>20</sup>, Мунаввар Кори Абдурашидхонов<sup>21</sup> мақолалари ва хотиралари, шунингдек, Мухаммад Али Балжувоний<sup>22</sup>, Мирзо Салимбек<sup>23</sup>, Сайид Мансур Олимий<sup>24</sup> каби маҳаллий тарихчиларнинг асарлари бўлиб, уларда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг XX аср бошларидағи ҳаёти, республика тузуми даридаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан бирга БХСР ва ХХСР даги иқтисодий ўзгаришлар ҳамда ушбу республикаларда фаолият кўрсатган Иқтисодий Кенгашлар фаолиятига ҳам қисман тўхталиб ўтилган. Шунингдек, Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг хотираларида<sup>25</sup> ушбу муаммонинг баъзи жиҳатлари ёритилган. Валидий ўз хотираларида ХХСР, БХСР ва ундаги раҳбар ходимлар Файзулла Хўжаев, Абдулқодир Мухитдинов, Бекжон Раҳмонов ва бошқалар тўғрисида тўхталиб ўтган.

<sup>16</sup> Хўжаев Ф. Бухоро инкилобининг тарихига оид материаллар. – Тошкент: Ўздавнапр, 1926.

<sup>17</sup> Мухитдинов А. По Восточной Бухаре //Народное хозяйство Средней Азии. 1924, № 2 – 3. – С. 64 – 73.

<sup>18</sup> Айний С. Бухоро инкилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари мөркабий нашриёти, 1926.

<sup>19</sup> Юсупов П. Ёш хиваликлар тарихи (Хотиралар). – Урганч: «Хоразм», 1999. – 488 б.

<sup>20</sup> Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Форсийдан А. Ирисов таржимаси. – Тошкент: «Фан», 1991. – 32 б.

<sup>21</sup> Мунаввар Кори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан инваҳалар). Нашрга тайёрловичи С. Холбоев. – Тошкент: «Шарқ», 2001. – 128 б.

<sup>22</sup> Мухаммад Али Балжувоний. Тарихи нофей (Фойдали тарих). Таржимон ва нашрга тайёрловичи: Ш. Воҳидов, З. Чориев. – Тошкент: Академия, 2001. – 122 б.

<sup>23</sup> Мирзо Салимбек. Тарих-и Салимий. Перевод из персидского Н. Норкулов. – Ташкент: Академия, 2009. – 330 б.

<sup>24</sup> Сайид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. Форс тилидан таржимон X. Тўрсев. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2004. – 128 б.

<sup>25</sup> A. Zeki Velidi Togan. Hatiralar (2-nashri). – Ankara, 1999. – 629 s.

Мавзу тарихшунослиги оз даражада ишланган бўлиб, мавжуд адабиётлар икки даврга бўлинади:

1. Совет ҳокимияти йилларидағи тарихий китоблар, рисолалар, мақолалар ва диссертациялар (1920 – 1991 йиллар).

2. Мустақиллик даврида амалга оширилган тадқиқотлар.

Ўз навбатида биринчи давр тадқиқотларини бир нечта гурхга ажратиш мумкин. Биринчи гурхга оид тадқиқотлар совет ҳокимияти минтақада барқарор бўлиб турган йилларда яратилган О. Эшонов<sup>26</sup>, М. Иркаев<sup>27</sup>, Г. Ҳайдаров<sup>28</sup>, И. Погорельский<sup>29</sup>, К. Муҳаммадбердиев<sup>30</sup>, Ҳ. Ҳамдамов<sup>31</sup>, Б. Искандаров<sup>32</sup>, И. Алимов<sup>33</sup>, Н. Ибодов<sup>34</sup> ва бошқаларнинг асарлари бўлиб, уларда мазкур муаммонинг баъзи жиҳатлари ёритилган.

Хуқуқшунос олим О. Эшонов ўз асарларида Бухорода 1920 – 1924 йиллардаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий курилиш соҳалари, шунингдек, Бухорода совет ҳокимияти нинг ўрнатилиши ва Марказнинг олиб борган сиёсати ҳақида, БХСРнинг маъмурий бирликларга бўлиниши тўгрисида гапириб, Бухоро Иқтисодий Кенгашининг ташкил этилиши ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтган. Олим архив материаллари, даврий матбуотда чоп этилган мақолалардан фойдаланганлигига қара-

<sup>26</sup> Ишанов А. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.).

– Ташкент: Изд. АН Уз ССР, 1955. – 180 с.; Ўша муаллиф. Победа Народной Советской Революции в Бухаре. – Ташкент: Изд. АН Уз ССР, 1967. – 56 с.; Ўша муаллиф. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: «Узбекистан», 1969. – 392 с.

<sup>27</sup> Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане. – Душанбе: 1963. – 160 с.

<sup>28</sup> Ҳайдаров Г. Борьба за установление и упрочение Советской власти в Северном Таджикистане (1917 – 1923 гг.). – Ленинабад: Ирфон, 1966. – 184 с.

<sup>29</sup> Погорельский И. История Хивинской революции и Хоразмской Народной Советской Республики (1917 – 1924 гг.). – Ленинград: Изд. ЛГУ, 1984. – 228 с.

<sup>30</sup> Муҳамедбердиев К. История Хорезмской революции. – Ташкент: «Фан», 1986. – 232 с.

<sup>31</sup> Ҳамдамов Ҳ. Хива хонлигининг агдарилиши ва Хоразм Совет Халқ Республикасининг тузилиши. – Тошкент: Ўздавнашр, 1960. – 192 б.

<sup>32</sup> Искандаров Б. И. Борьба за установление Советской власти в Таджикистане (1920 – 1922). – Душанбе: Дониш, 1986. – 168 с.

<sup>33</sup> Алимов И. Аграрные преобразование в Хорезме и Бухаре (1920 – 1924). – Ташкент: «Узбекистан», 1970. – 80 с.; Ўша муаллиф. Узбекское землевладение на пути к социализму. – Ташкент: «Узбекистан», 1974. – 240 с.

<sup>34</sup> Ибодов Н. Ўзбекистон халқ ҳўжалигини бошқариш органлари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1969. – 60 б.

масдан, ўз караш ва хулосаларини ўша давр учун одат бўлган коммунистик мафкура таъсирида баён этган.

Бундан ташқари М. Иркаев, Г. Ҳайдаров ва Б. Искандаров каби олимлар Тоҷикистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши учун олиб борилган курашлар тарихи борасида тўхталиб ўтишаркан, ўша даврда Тоҷикистон БХСР ҳудудига кирганилиги ва бу ерда ўтказилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар бевосита БХСРга баглиқлигини кўрсатишган. Лекин бу асарларда ҳам совет ҳокимиятининг олиб борган сиёсати большевистик мафкура асосида ёзилган.

И. Погорельский, К. Муҳаммадбердиев ва Х. Ҳамдамовларнинг тадқиқотларида эса Хива ҳонлигининг советлар томонидан ағдарилиши ва у ерда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, Хоразм ҳалқининг совет ҳокимиятига қарши кураши ва 1920 – 1924 йиллардаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларда олиб борилган тадбирлар кенг ёритиб берилган. Лекин бу тадқиқотлар ҳам айнан коммунистик кўрсатма асосида ёритилиб, большевиклар юритган сиёсат ижобий баҳоланганд. Айнан ушбу асарларда ҳам Хоразм Иқтисодий Кенгаши ҳақида кисқача тўхталиб ўтилган.

Иқтисодчи олим Н. Ибодовнинг тадқиқоти Туркистон Иқтисодий Кенгаши ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашлари фаолиятига бағишлиланган бўлса-да, бу асарда БХСР ва XXСРдаги Иқтисодий Кенгашларнинг фаолияти тўғрисида жуда кисқача маълумот берилган. Асарда Туркистон ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашларининг ташкил топиши, Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий конференциялари тўғрисида маълумотлар бериб ўтилган. Лекин, Н. Ибодовнинг тадқиқоти ҳам юқоридаги изланишлар сингари коммунистик мафкура асосида ёритилган.

Совет даврида яратилган иккинчи гуруҳ тадқиқотларига Тошкент, Душанбе, Ашхобод, Москва ва бошқа шаҳарларда тарихчи олимлар томонидан яратилган колектив монографиялар, турли энциклопедиялар ҳамда Ўзбекистон ва Тоҷикистон тарихига оид фундаментал тадқиқотлар киради<sup>35</sup>. Бу асарлар

<sup>35</sup> История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик. – Москва: Наука, 1971. – 256 с.; Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Т. III (1917 – 1937 йй.).

да Бухоро ва Хоразмдаги Иқтисодий Кенгашлар фаолиятига БХСР ва ХХСР тарихини ёритишда муаммонинг кичик бир жиҳати сифатида қаралган ҳамда айрим умумий фикрлар айтиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, муаммо тарихшунослиги бир қатор жиддий асарлар билан бойиди. Иккинчи даврда, яъни мустақиллик йилларида яратилган китоблар ўргасида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» (2-китоб)<sup>36</sup>, Туркистоннинг XX аср бошларига оид йирик монография<sup>37</sup> ҳамда «Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши» монографияси<sup>38</sup> муҳим ўрин тутади. Шунингдек, «Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йй.)» дарслиги ва бошқа дарсликларда<sup>39</sup> бу муаммонинг айрим жиҳатларига тўхтаб ўтилган.

Шунингдек, Ф. Қосимов<sup>40</sup>, Қ. Ражабов<sup>41</sup>, Ш. Ҳайитов<sup>42</sup>, У.

---

– Тошкент: «Фан», 1971; Таджикская Советская Социалистическая Республика. Энциклопедия. – Душанбе, 1974; Узбекская Советская Социалистическая Республика. Энциклопедия. – Ташкент, 1981 ва б.

<sup>36</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий мухаррир Жўраев М. – Тошкент: «Шарқ», 2000. – 688 б.

<sup>37</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р. Я. Раджапова. – Ташкент: «Шарқ», 2000. – 672 с.

<sup>38</sup> Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Масъул мухаррир Д. Алимова. – Тошкент: «Шарқ», 2001. – 464 б.

<sup>39</sup> Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991). 10-синф учун дарслик. Масъул мухаррир Д. Алимова. – Тошкент: «Шарқ», 2000. – 416-бет; Ўзбекистон тарихи (Олий ўкув юртларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик). Р. Х. Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2003. – 675 б.

<sup>40</sup> Қосимов Ф. Бухоро республикаси тарихшунослиги. – Бухоро, 1996. – 70 б.

<sup>41</sup> Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917 – 1935 йй.). – Тошкент: «Ўзбекистон», 2000; Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917 – 1924 йй.). – Тошкент: «Университет», 2002; Ражабов Қ. Бухорога кизил армия босқини ва унга қарши курши: тарих ҳақиқати (1920 – 1924 йй.). – Тошкент: «Матианашин», 2002. – 144-бет; Ўша муаллиф. Файзула Хўжаев. – Тошкент: «Abu matbuot-konsalb», 2011. – 48-бет; Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Ҳўжа. – Тошкент: «Abu matbuot-konsalb», 2011. – 36 б. ва б.

<sup>42</sup> Ҳайитов Ш., Баодридинов С., Раҳмонов Қ. Бухоро Ҳалиқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маъданий ҳаёт. – Бухоро: «Бухоро» пансиюти, 2005. – 154 б.

Рашидов<sup>43</sup>, С. Холбоев<sup>44</sup>, И. Алимов<sup>45</sup>, М. Маткаримов<sup>46</sup> ва бошқа тарихчи олимларнинг тадқиқотларида БХСР ва ХХСР тарихига оид муҳим маълумотлар мавжуд. Улар томонидан яратилган асарларда БХСР ва ХХСРдаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳада олиб борилган тадбирлар холисона ёритиб берилган. Уларнинг тадқиқотларида БХСРдаги 1920 – 1924 йиллардаги иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар ёритилиб, советлар даврининг кўплаб номаълум саҳифалари ва сохталаштирилган тарихи очиб берилган. Бу асарлар ушбу тадқиқотни ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, М. Ҳайдаров ўзининг номзодлик диссертациясида совет ҳокимиятининг Туркистондаги марказлаштириш сиёсати тўғрисида тўхталиб ўтган, у Ўрта Осиё республикалари Иқтисодий Кенгашлари тўғрисида ҳам маълумот беради<sup>47</sup>. И. Ҳайдаров ўзининг тадқиқотларида Ўзбекистондаги Иқтисодий Кенгашлар фаолиятини ёритган<sup>48</sup>. Ш. Саидов ўзининг номзодлик диссертациясида ХХСРнинг ташқи муносабатлари ва савдо алоқаларини ўрганди<sup>49</sup>. К. Раҳмонов ўзининг номзодлик диссертациясида «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталарининг БХСР тарихини ўрганишдаги манба сифатидаги

<sup>43</sup> Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920 – 1924 й.). – Бухоро: «Бухоро» нашириёти, 2003. – 100 б.

<sup>44</sup> Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси (тарихи, тақдири, таҳлили). – Тошкент: «Фан», 2008. – 180 б.

<sup>45</sup> Алимов И. Ўзбекистонда вакф мулкларининг тугатилиши тарихи (1917 – 1929 й.). – Тошкент: «Фан», 2009. – 224 б.

<sup>46</sup> Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993. – 86 б.

<sup>47</sup> Ҳайдаров М. Централизаторская политика советской власти в Туркестане и её последствие (1917 – 1924 гг.). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – 32 с.

<sup>48</sup> Ҳайдаров И. Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917 – 1934 й.). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2007. – 28-бет; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917 – 1934 й.). – Тошкент: «Abu matbuot-konsalt», 2008. – 152 б.

<sup>49</sup> Саидов Ш. Внешние отношения и торговые связи Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.). Автореферат дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2003. – 23 с.

ўрнини тадқиқ этди<sup>50</sup>. Д. Мұмінов Үрта Бухоро ва Шарқий Бухорода қизил армияга қарши қуролли ҳаракатни тасвирлаш жарайёнида БХСРдаги иқтисодий ҳолат түгрисидаги айрим маълумотларни келтириб үтган<sup>51</sup>. О. Құшжонов ва Н. Полвоновлар эса ўзларининг тадқиқотларида Хоразмдаги сиёсий партиялар тарихини ёритиб берган<sup>52</sup>.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан сўнг тарихчи олимлар учун холисона фикр билдириш имконияти туғилди. Бир қатор йирик олимлар томонидан нашрга тайёрланган монографиялар, фундаментал тадқиқотлар, дарслик ва бошқа китобларда совет даврининг ҳаққоний тарихи ёритиб берилган.

Бу соҳада И. Ҳайдаровнинг Ўзбекистондаги Иқтисодий Кенгашлар фаолиятига доир тадқиқоти муҳим аҳамият касб этади. Лекин бу тадқиқотда ҳам Бухоро ва Хоразмдаги Иқтисодий Кенгашлар фаолияти деярли ёритилмаган.

Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашлари фаолияти түгрисида хорижий тарихшуносликда маълумотлар жуда оз берилган. Фақат ўз даврида муҳожириликка жўнаб кетишга мажбур бўлган бошқирд тараққийпарвари Аҳмад Закий Валидий Тўғон<sup>53</sup> ҳамда Боймирза Ҳайитнинг<sup>54</sup> айрим асарларида муаммонинг баъзи жиҳатлари кўрсатилган.

<sup>50</sup> Раҳмонов К. «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари – Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси. Тарих фанлари номзоди... диссертация автореферати. – Тошкент, 2009. – 29 б.

<sup>51</sup> Мұмінов Д. Үрта Бухоро ва Шарқий Бухорода қизил армияга қарши қуролли ҳаракат (1920 – 1926 йй.) Тарих фанлари номзоди... диссертация автореферати. – Тошкент, 2010. – 30 б.

<sup>52</sup> Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900 – 1924 йй.). Тарих фанлари номзоди... диссертация автореферати. – Тошкент, 2005. – 31-бет; Құшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи чораги). – Тошкент: «Abu matbuot-konsalt», 2007. – 388 б. ва б.

<sup>53</sup> A. Zeki Velidi Togan. Bugunki Turkili (Turkistan) va Yakin tarihi. – Istanbul, 1942 – 1947.

<sup>54</sup> Baymirza Hayit. Turkistan Davletlerinin Milli Mugadeleleri. – Ankara, 1995. – 447 s.

Юқоридаги тарихий адабиётлар таҳлилидан шундай хуло-сага келишимиз мумкинки, совет даврида ёзилган адабиётларда муаммога ёндашув большевистик мафкура кўрсатмаси ва таъсири асосида ёритилган ва бу масалалар ўзининг ечимини тўлиқ топмаган.

Мустақиллик йилларида яратилган адабиётларда ҳам БХСР ва ХХСРдаги Иқтисодий Кенгашлар фаолияти тарихи деярли ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда БХСР ва ХХСРдаги Иқтисодий Кенгашлар фаолияти тарихини холис ва тўлақонли асосда ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашлари фаолиятини ёритишда манбаларнинг ўрни жуда катта. Хусусан, архив ҳужжатлари ва даврий матбуот материаллари мазкур муаммони ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Мазкур материаллар орқали БХСР ва ХХСРдаги иқтисодий жараёнлар ҳамда Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашлари фаолиятини холисона ёритишга ҳаракат килинди.

## **1. 2. Бухоро Ҳалқ Совет Республикасининг тузилиши ва иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари**

XX аср бошларида Россия империясига қарам бўлган Бухоро амирлиги маъмурий жиҳатдан бекликларга, бекликлар эса амлокликларга бўлинган. Амирлик аҳолиси 3 млн кишини ташкил қиласди. Аҳоли деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган .

Россияда 1917 йилда бўлган Февраль инқилоби ва октябрь тўнтириши, Туркистон ўлкаси ва Хива хонлигига большевиклар олиб борган сиёсат Бухоро амирлигига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Бунинг асосий сабаби, амирликда юз бераётган ижтимоий-сиёсий зиддиятлар эди. Мисол тариқа-

сида, Ёш бухороликларнинг мамлакатда ислоҳотлар ўтказиш талаби билан чиқиши натижасида амир Олимхон 1917 йил 7 апрелда манифест эълон қилди<sup>55</sup>. Лекин кейинчалик уламолар талаби билан намойишга чиққан Ёш бухороликлар руҳонийлар ва мадраса муллаваччалари томонидан тошбурон қилинди, Файзулла Хўжаев ва унинг айрим сафдошлари зўрға Когон шаҳрига қочиб, омон қолдилар<sup>56</sup>.

Шу тариқа Бухоро жадидларининг Бухоро амирлигига демократик ислоҳотлар ўтказиш учун қилган ҳаракати ноҳушшлиқ билан тугади. Ундан сўнг, 1918 йил марта Туркистон ўлкаси раиси Ф. Колесовнинг Бухорога босқини барбод бўлиши натижасида жадидлар яна қувгин остига олиниб, Самарқанд ва Термизга кетишга мажбур бўлишди.

Шундай шароитда амир Олимхон ва большевиклар бир-бирiga қарши зимдан урушга тайёргарлик кўра бошлишди. 1919 йил бошларига келиб амир сарбозлари сони 25 минг нафарга етди. Шу билан биргаликда амир Олимхон Афғонистон билан ҳарбий-иктисодий битим тузишга муваффак бўлди<sup>57</sup>.

Туркистон Мухторияти хукумати қонга ботирилиб, Хива хонлиги тугатилгандан сўнг, большевиклар 1920 йилнинг августан ойи охириларида Бухоро амирлигига бостириб кирди. 1920 йил 2 сентябрда амир таҳтдан агдарилди. Пойтаҳт босиб олингач, ҳокимият Муваққат Бутун Бухоро Инқилобий Кўмитаси ихтиёрига ўтди. Инқилобий Кўмита таркибиға Аҳмаджон Абдусаидов (раис), Файзулла Хўжаев, Муинжон Аминов, Олимжон Акчурин, Абдулҳамид Орипов, Собир Юсупов, Мукаммил Бурҳонов, Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Муҳаммаджон Кўлмуҳамедовлар киритилди<sup>58</sup>.

<sup>55</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар. – Тошкент: «Фан», 1976. Т. 3. – Б. 108.

<sup>56</sup> Ҳолбоев С. Бухоро амирлиги олтин хазинаси. – Тошкент: «Фан», 2008. – Б. 24.

<sup>57</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р. Раджапова. – Ташкент: «Шарқ», 2000. – С. 316.

<sup>58</sup> Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар // Файзулла Хўжаев. 100. – Тошкент: «Фан», 1997. – Б. 173.

Инқилобий Қўмита ўша куниёқ манифест эълон қилди. Аслида бу манифест большевиклар томонидан олдиндан тайёрлаб кўйилганди. Унда жумладан, мустақил Бухоро давлатининг тузилганлиги, шунингдек, амирликдаги мавжуд ерлар давлат срларига айлантирилиши, солиқларнинг тартибга солиниши, ерлар эса ерсиз ва кам ерли деҳқонларга бўлиб берилиб, уларнинг меҳнат қуроллари билан таъминланиши, суд ишларини тартибга солиш, таълим тизимини янгилаш, ўлим жазосини бекор қилиш, инсон ҳуқуqlари ҳимоя қилиниши ёзилганди<sup>59</sup>.

Бутун Россия МИК ва РСФСР ХҚСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссиясининг 1920 йил 10 сентябрдаги қарори билан РСФСР ҳукумати ва РКП(б) МК нинг Бухоро Ҳалқ Совет Республикасидаги вакили этиб Туркистон комиссияси раисининг ўринбосари В. В. Куйбишев тайинланди.

В. Куйбишев БХСР ҳукумати бошлиғи Файзулла Хўжаевга ишонч ёрлиғини топширди, унда «РСФСРнинг асосий талаби Бухоро давлати мустақиллигини хурмат қилиш, барча рус фуқаролари ва ташкилотларини ҳам Бухоро мустақиллигини хурмат қилишга ундашдан иборат» эканлиги таъкидланган эди. Амалда эса В. В. Куйбишев Бухородаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган барча ислоҳотларга очиқдан-очиқ аралашиб, совет андозасини ўрнатишга ҳарарат қилди<sup>60</sup>.

1920 йил 14 сентябрда Эски Бухорода Бухоро Ҳалқ Нозирлар Шўроси, Инқилобий Қўмита ва Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети (БКП МК)нинг умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро Инқилобий Қўмитаси (Марказий Ревком) тузилди. Раис Абдулқодир Мухитдинов бўлиб, уларнинг ҳаммаси коммунистлар эди. Шунингдек, 11 кишидан иборат ҳукумат – Бухоро Ҳалқ Нозирлар Шўроси тузилди. Ҳукумат раиси этиб Файзулла Хўжаев сайланди<sup>61</sup>.

<sup>59</sup> История Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.). Сборник документов. – Ташкент: «Фан», 1976. – С. 37 – 38.

<sup>60</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2- китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: «Шарқ», 2000. – Б. 232.

<sup>61</sup> Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. – Тошкент: «Маънавият», 2002. – Б. 13 – 14.

1920 йил октябрь ойида амирнинг ёзги саройи Ситорай Моҳи Хосада Бутун Бухоро халқ вакилларининг 1 қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси тузилганлиги эълон қилинди. Шу тариқа Бухорода большевиклар ёрдамида жадидлар сиёсий ҳокимиятни қўлга киритди. Совет ҳокимиятининг галдаги вазифаси мамлакат иқтисодиёти устидан ҳам ҳукмронликни қўлга киритиш эди.

1920 йилнинг кузида БХСРда маъмурий-худудий бўлиниш ўтказилиб, у вилоятлар, туманлар, кентлар ва қишлоқларга ажратилди. Бироқ республикадаги мавжуд ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга биноан маъмурий-худудий бўлиниш ўзгариб турган. 1922 йил августда БХСР Бухоро, Кармана, Қарши, Шаҳрисабз, Шеробод, Карки, Чоржўй вилоятларига бўлинган. 1923 йил БХСРнинг маъмурий-худудий бўлинишига ўзгартириш киритилиб, у 8 та вилоят (Бухоро, Кармана, Нурова, Чоржўй, Қарши, Шаҳрисабз, Шеробод, Карки), 28 та туман ва Шарқий Бухорога бўлинган. 1924 йил 1 октябрдаги маъмурий-худудий бўлинишга кўра, вилоятлар ўрнида округлар ташкил қилинди. Округлар ўз навбатида 15 та вилоят, 48 та туман, 195 та кент ва кўплаб қишлоқларга бўлинди<sup>62</sup>.

Большевиклар ҳокимият тепасига келган дастлабки кунданоқ иқтисодий ислоҳотларни «социалистик» қолипда олиб боришга ҳаракат қилди. 1920 йил 11 октябрда Бутун Бухоро Инқилобий Қўмитаси озиқ-овқат развёрсткасини ўтказиш тўғрисида қарор чиқарди. Унга кўра Шарқий Бухородан ташқари бутун республикадан 1908000 пуд\* фалла, 852 минг пуд арпа, 321 минг пуд жўхори, 1160000 пуд кишиши, 338 минг бог беда йигилиши керак эди<sup>63</sup>.

<sup>62</sup> Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли / Узбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Тошкент: «Шарқ», 2001. –Б. 194 – 195

\* Пуд – оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, 16,38 кг га teng.

<sup>63</sup> История Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924гг.)... – С. 347.

Лекин озиқ-овқат развёрсткасига синфий жиҳатдан ёндашилмаганлиги учун 1921 йил 20 январдаги Бухоро Инқилобий қўмитаси қарори билан у қайта қабул қилинган. Унга кўра озиқ-овқат развёрсткаси кам ерли ва ерсиз хўжаликларга нисбатан эмас, иқтисодий жиҳатдан бой хўжаликлардан олинган<sup>64</sup>.

Бухорога қизил армиянинг босқини ва истиқлолчилик ҳаракатлари даврида иқтисодий ҳаёт издан чиқди. Буни қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин:

1) ҳарбий ҳаракатлар натижасида ташқи савдода, яъни чет элга маҳсулот чиқариш жуда камайиб кетган. Четга сотилган хом ашё арzon нархда сотилганлиги учун ишлаб чиқарувчиларга зарар келтирган;

2) республикадан чет элга хом ашё сотиш камайганлиги учун четдан маҳсулот кириб келиши тўхтаб қолган. Республикада темир, газмол, йигирилган ип, ёғоч маҳсулотлари етишмаган. Кўй гўшти ва гуруч танқислиги яққол сезилган;

3) чет элдан маҳсулот кириб келиши тўхтаб қолганлиги натижасида ички истеъмол товарлари ишлаб чиқариш камайиб кетган. Масалан, темир камлиги натижасида қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш камайиб кетган ёки қўй гўшти танқислиги натижасида аҳоли от ва мол гўшти истеъмол қилишга мажбур бўлган. Оқибатда иш ҳайвонлари ва қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари камайиб, қишлоқ хўжалигига катта зарар етказган;

4) қоракўл тери ва жун маҳсулотлари етиширадиган чорвардорлар ўзларининг маҳсулотларини арzon нархда сотиши натижасида чорвачиликка ҳам зарар келтирган;

5) тўхтовсиз равишда қоғоз пулларнинг муомалага чиқарилиши республикада пулнинг қадрсизланишини юзага келтирган;

<sup>64</sup> Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920 – 1924 йй.) – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2009. – Б. 57.

б) ташқи савдо балансининг камайиши контрабанда (яъни яширинча чегарадан мол олиб чиқиб кетиш ва олиб келиш – *муаллиф*) нинг кўпайишига олиб келган. Масалан, БХСР худудида 1 дона қоракўл тери баҳоси 2 афғон рупияси турса, афғон савдогарлари чайковчилардан уни 8 – 9 рупияга сотиб олган. Натижада тайёр маҳсулот жуда қиммат нарҳда олиб келинган<sup>65</sup>.

БХСР иқтисодиётини юксалтириш мақсадида ҳукумат хўжалик соҳасида 1921 йил иқтисодий қонун қабул қилди<sup>66</sup>. Мазкур қонунда Бухоро Халқ Совет Республикаси қўйидаги хўжалик вазифаларини амалга оширишни ўзининг биринчи вазифаси деб белгилаган:

а) туз, алебастр, оҳак, тош ва бошқа қурилиш материаллари, қаттиқ ва суюқ минерал ёқилғи ва мойлар, саноат аҳамиятига эга бўлган металлар (темир, кўрғошин, қалайи ва шу кабиларни – *муаллиф*) қазиб чиқариш<sup>67</sup>;

б) қайта ишлаш саноатида пахта, зигирпоя толаси, жунни қайта ишлаш, пахта тозалаш заводлари, тўқув-йигирув фабрикалари, пилла қурти уруғи ва пиллакашлик корхоналари, дехқончилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари: тегирмонлар, жувозкашлик корхоналари, ёғ олиш, совунгарлик ва шам тайёрлаш корхоналари, кўнчилик ва косибчилик, жун тўкиш, намат босиш ва гилам тўкиш корхоналари, металл буюмлар ва асбоблар ясадиган устахоналар, ғишт, кулолчилик хумдонлари ва идиш ясаш корхоналари, матбаачилик ва шу кабилар<sup>68</sup>;

в) дехқончилиқда давлатнинг фойдаланмасдан ётган ерларини ўзлаштириш ва сугориш, мавжуд сугориш тармоқларини таъмирлаш, ўрмонзорлар ва саноат боғлари ташкил этиш, курилишибоп ёғоч ва ўтин тайёрлаш;

<sup>65</sup> ЎзР МДА, 46- фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 51 – 52-вараклар.

<sup>66</sup> ЎзР МДА, 46- фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 60-варак.

<sup>67</sup> ЎзР МДА, 46- фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 65-варак.

<sup>68</sup> ЎзР МДА, 46- фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 66-варак.

г) чорвачиликда йилқиларни, қорамолларни ва майдада шохли молларни, тұяларни ҳам құлда боқиб, мавжуд яйловлардан фойдаланған ҳолда күпайтириш;

д) транспорт тизимида алоқа йүллари қуриш ва шундай йүллардан ҳар хил юқ ташиш воситаларини, автомобиллар, әкипажлар ва шу кабиларни сақлаш, транспорт назорати, йұловчи ва товар бекатлари ҳамда омборларни очиш, дарё транспорти (пароходлар, баржалар, қайиқлар – *муалиф*) ни қуриш ва улардан фойдаланиш<sup>69</sup>. Юқоридаги вазифаларни бажариш ва уларни пул билан таъминлаш учун маҳсус комиссия тузилган.

Деңқон хұжаликларининг хонавайрон бўлиши натижасида аграр тармоқдаги ишлаб чиқариш даражаси 1922 йилда 1918 йилга нисбатан деңқончиликда 40% га, чорвачиликда 53% га тушиб қолди, экин майдонлари деярли 2 баравар, қорақұл тери етишириш 20 баравар, пахта етишириш 20 бараварга қисқарди. Ана шу даврда ҳунармандчилек маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 50% га, савдо-сотик айланмаси 75% га тушиб қолди<sup>70</sup>.

БХСР иқтисодиётининг бу ҳолга тушишига сабаб мамлакат саноати ва қишлоқ хұжалигига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш камайиб кетгандығы зди.

1920 йил ноябрда РСФСР ва БХСР ўртасида иқтисодий шартнома имзоланди. Унга күра амирға тегишли ва амирлик давридаги барча мулклар Бухоро Ҳалқ Нозирлар Шурроси ихтиёрига үтди. Улар ичидә заводлар, фабрика ва бошқалар ҳам киради. Темирйул, телеграф ва ҳарбий аҳамияттаға зга объектлар РСФСРга тегишли деб топилди<sup>71</sup>.

БХСР қишлоқ хұжалигига ҳал қилиниши керак бўлган асосий муаммолардан бири ер масаласи зди. Чунки амирлик вақтида ерлар давлат, вақф ва хусусий ерларга бўлиниб, Бухорода ҳукумат алмашғач, ўша даврдаги ер қонунчилигига муҳим масалалардан бири бўлиб қолди.

<sup>69</sup> ЎзР МДА, 46- фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 66-варак.

<sup>70</sup> Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: «Узбекистан», 1969. – С. 327.

<sup>71</sup> Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика... – С. 327.

Большевиклар БХСРдаги иқтисодий ислоҳотларни коммунистик мафкура асосида олиб бориш мақсадида 1920 йил сентябрдаги манифестда амир ва унга тегишли ерлар давлат ихтиёрига ўтказилган эди. Ерларни ёппасига давлат тасарруфига олиш ва большевикча андозадаги аграр ислоҳот ўтказиш Марказнинг асосий мақсадларидан бири эди. Лекин Ёш бухороликлар ер масаласига бозор муносабатларига таянган ҳолда ёндашиш тарафдори эди. 1920 йил 21 ноябрда Бутун Бухоро Марказий Инқилобий Кўмитаси раиси А. Муҳитдинов томонидан имзоланган Бухоро Республикасининг Ер тўғрисидаги қонунига кўра, амир ва унинг яқинларига тегишли барча ерлар халқ мулки деб эълон қилинди<sup>72</sup>.

Қонунда ерлар мусодара қилиниб, ерсиз ва кам ерли деҳконларга бўлиб берилиши кўзда тутилганди. Бироқ, БКП МКнинг изчил фикрловчи раҳбарлари томонидан ер тўғрисидаги масалага бундай ёндошиш кескин танқид қилинди.

Умуман олганда, ерлардан фойдаланиш, уни тақсимлаш БХСР Ер ишлари нозирлигига юклатилган. Ер ишлари нозирлиги 1920 йил сентябрда ташкил қилиниб, 6 та бўлимдан иборат бўлган. Булар қуйидагилар: а) сув хўжалиги, б) ер ишлари, в) қишлоқ хўжалиги, г) чорвачилик, д) молия, е) хўжалик бўлимлари<sup>73</sup>.

Сув хўжалиги бўлимининг вазифаси республикадаги ирригация тармоқларини яхшилаш, канал ва ариқлар сувидан фойдаланишни тўғри йўлга қўйишдан иборат бўлган. Ер ишлари бўлимининг вазифаларига мамлакатдаги ерларнинг умумий миқдорини аниқлаш, ер масаласига оид шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш, ўрмонлардан тўғри фойдаланиш киритилган<sup>74</sup>.

Қишлоқ хўжалиги бўлимининг вазифалари аҳолига агрономлик ёрдамларини бериш, аҳолини қишлоқ хўжалик

<sup>72</sup> Узбекистоннинг янги тарихи. 2- китоб. Узбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: «Шарқ», 2000. – Б. 235.

<sup>73</sup> ЎзР МДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 282-иш, 2-вараг.

<sup>74</sup> ЎзР МДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 282-иш, 2-варакнинг оркаси.

асбоб-ускуналари билан таъминлаш, бодорчилик, полизчиклик ва узумчилик соҳаларини ривожлантиришдан иборат бўлган. Чорвачилик бўлими вазифаларига маҳаллий от зотлари ва қоракўл қўйларини кўпайтириш, щунингдек, қишлоқ хўжалик иш ҳайвонларининг сифатини яхшилаш, давлат отхоналари ва мол фермаларини қуриш, сутчиликни ривожлантириш кирган ва ҳоказо.

Демак, бундан кўриниб турибдики, Ер ишлари нозирлиги қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг барча соҳаларида ислоҳотларни, ерлардан тўғри фойдаланиш, чорвачилик ва сув хўжалиги фаолиятини ривожлантириш ва тўғри йўлга қўйиш билан шуғулланган.

1921 йил 2 февралда Бухоро Марказий Инқилобий Кўмитаси Ер тўғрисидаги янги қонун қабул қилди. 1921 йил сентябрдаги Бутун Бухоро халқ вакилларининг II қурултойида ер ислоҳоти ҳақида масала муҳокама қилинди. А. Муҳитдинов қурултойда ерга бўлган хусусий мулкчиликни ёқлаб чиққан<sup>75</sup>.

Лекин шунга қарамасдан ер ва ердан фойдаланиш большевиклар диққат марказида бўлган. Оқибатда ер тўғрисидаги қонун 1923 йил октябрда бўлиб ўтган Советларнинг Умумбухоро IV қурултойида ҳам янгидан қабул қилинди. Унга кўра барча ерлар ишчи-дехқонлар давлатининг мулки, деб эълон қилинди<sup>76</sup>.

БХСРдаги аграр масалаларда вақф ерлар масаласи алоҳида аҳамият касб этган. Амирлик даврида вақф ерлари ижаарачиларга берилиб, даромаднинг 1/10 қисми давлат хазинасига, 3/10 қисми ижаарачиларга берилган. 1920 йил сентябрда Вақф бошқармаси ташкил қилиниб, бошқарма бошлиги этиб Муҳитдин Рафоат тайинланади<sup>77</sup>. Расмий маълумотларга кўра, 1921 августга қадар фақат Бухоро шаҳрининг ўзида 208 та масжид, 215 та мадрасага қарашли вақф ерлари рўйхатга олинган эди.

<sup>75</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2- китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: «Шарқ», 2000. – Б. 236.

<sup>76</sup> Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши тарихи (1917 – 1929 йй.). – Тошкент: «Фан», 2009. – Б. 136.

<sup>77</sup> Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши тарихи (1917 – 1929 йй.)... – Б. 132.

1921 йилдаги маълумотларга кўра, БХСРда 278,5 минг десятина\* вақф ерлар мавжуд бўлиб бундан ташқари диний муассалар ихтиёрида 2110 та савдо дўкони, 134 та мол-мулк, 210 та уй-жой, 28 та тегирмон ва 50 та бозор мавжуд эди<sup>78</sup>.

1920 – 1922 йилларда эса вақфчи дехқонлардан солиқ олинмаган. Курултойда бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида маҳсус комиссия тузилади. Комиссия таркибиға Муса Сайджонов, Мухиддин Рафик ва Касинискийлар киритилган<sup>79</sup>.

1922 йилда А. Фитрат томонидан 19 моддадан иборат вақф ишлари ҳақида лойиҳа ишлаб чиқилди. Унга кўра вақф мулкларини қаровсиз қолдирмаслик, уларни ҳукумат солиқларидан озод қилиш, улардан фақат ушр солиги олиш, Маориф нозирлиги ҳузурида вақф мудириятини ташкил қилиш кўзда тутилган эди<sup>80</sup>.

1923 йил 5 октябрда Бутун Бухоро вақф қурултойи бўлиб ўтди. Курултойда бундан бўён вақфлардан тушаётган даромадлар мактаб ва мадрасалар қуриш, осори-атиқа ва тарихий биноларни саклаш, таржима ва нашриёт ишларига сарфланадиган бўлди<sup>81</sup>.

Мамлакат қишлоқ ҳўжалигининг асосий тармоғи дехқончилик (пахтачилик, донли экинлар ва полизчилик), чорвачилик, қорақўлчилик ва ипакчилик бўлган. Айниқса, пахта экиладиган майдонларни кўпайтиришга жуда катта эътибор берилган.

Совет ҳукумати БХСРда пахтачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берди. Маълумки, Бухоро қадимдан хорижга пахта, қорақўл тери, ипак ва жун маҳсулотлари чиқариб

\* Десятина – рус огирилик ўлчов бирлиги бўлиб 1,09 гектарга тенг.

<sup>78</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2- китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... – Б. 235 – 236.

<sup>79</sup> Ҳайитов Ш., Бадридинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий хаёт (1920 – 1924 йй.). – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2005. – Б. 22.

<sup>80</sup> Ҳайитов Ш., Бадридинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий хаёт (1920 – 1924 йй.)... – Б. 19.

<sup>81</sup> Ҳайитов Ш., Бадридинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий хаёт (1920 – 1924 йй.)... – Б. 21 – 22.

келган. Амирлик Россия империясига карам бўлган даврда Бухоро пахта етиштиришда Фарғона водийсидан кейин 2-ўринда турган.

БХСРда пахтачиликни юксалтириш мақсадида 1921 йил 20 апрелда Бухоро Инқилобий Қўмитаси ўз ерларида пахта экадиган дехқонларга имтиёзлар бериш тўғрисида қарор чиқарган. Унга кўра 1 таноб ерга пахта эккан дехқонга давлат томонидан қўйидагича ёрдам кўрсатилган:

- 1) 1 пуд уруғлик чигит;
- 2) 1 пуд ёғ оладиган чиғит;
- 3) 3 фунт\* керосин;
- 4) 2,5 аршин газмол.

Пахта экиш мавсуми тугағач, дехқонлар июнь ойида қўшимча равишда ҳар бир таноб ерга 3 фунт керосин, 2,5 аршин газмол ва америка навли пахта учун 3 минг рубл олишган<sup>82</sup>.

Бундан ташқари, ҳар бир таноб ерга америка навли пахта эккан дехқонга 5 минг рубл, маҳаллий ғўза эккан дехқонга 4 минг рубл ёрдам берилган.

Юқоридаги пул ва маҳсулотларни дехқонлар жойлардаги амин ва оқсоқоллардан олишган. Ҳосил йигиб олингач, барча пахта давлат ихтиёрига топширилган. Биргина пахта экиш мавсумида жойларга уруғ етказиб бериш турлича микдорда бўлган. Масалан, Кармана туманига маҳаллий ғўза уруғидан 820 пуд 20 фунт, америка навли уруғдан 18 пуд; Султон Рабод туманига маҳаллий ғўза уруги 201 пуд 20 фунт, америка навли уруғ 9 пуд; Янгиқўрғон туманига мағаллий ғўза уруғи 100 пуд, америка навли уруг 16 пуд етказиб берилган. Умумий микдорда 2155 таноб пахта екилган ерга қўйидагича ёрдам берилган: 2155 пуд уруғлик чигит, 5387 аршин газмол, 160 пуд 17 фунт керосин, қўшимча равишда яна 8. 663. 000 рубл пул берилган<sup>83</sup>.

1920 йил ноябрда БХСР Савдо ва ишлаб чиқариш нозирлиги хузурида «Бухоро тўқувчилиги» бўлими очилган. Бўлимнинг вазифаси республикадаги пахта саноатини тиклаш, пахтани

\*Фунт – инглиз оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, 453,5 граммга тенг.

<sup>82</sup>ЎЗР МДА 47-фонд, 1-рўйхат, 80-иши, 142-варак.

<sup>83</sup>Экономическая жизнь // Известия Бух ЦИК ( Новая Бухара), № 35. 1921 г.

дәхқонлардан сотиб олиш, дәхқонларга маҳсулот билан ёрдам бериш ҳисобланган. Бўлимнинг жойларда 12 та пахта қабул килиш пунктлари бўлган. Булар Хатирчи, Кармана, Янгиқўргон, Фиждувон, Вобкент, Лақлақа, Эски Бухоро, Когон, Қоракўл, Чоржўй, Карки, Термиздаги пунктлар эди. Бу пунктлар томонидан қуидагича хом ашё сотиб олинган; маҳаллий гўза 240 минг пуд, америка навли пахта 67 минг пуд. Бундан ташқари собик Бухоро амирлигидан 700 вагон (яъни 370 минг пуд) пахта мусодара қилинган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1921 йилда БХСРда пахта экиладиган ерлар миқдори 30 минг танобни ташкил қилган<sup>84</sup>.

Биргина пахта экиш мавсумида жойларга уруғ етказиб бериш борасида РСФСР Бош Пахта қўмитаси, Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида бўлгани каби, БХСРда ҳам пахтага давлат монополиясини ўрнатиш ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини аста-секинлик билан сиқиб чиқаришга қаратилган изчил сиёсатни олиб борди. Пахта экишни юксалтириш мақсадида БХСР ва РСФСР ўртасида 1922 йил 19 июлда шартнома имзоланди. Шартномага мувофиқ, совет Россияси Бухорога 50 млрд рубл миқдорида қарз берди. Ажратилган қарз биринчи навбатда, пахта майдонларини кўпайтириш, олий навли уруғлик чигитни етказиб бериш, ирригация тизимини юксалтириш ва пахтакор дәхқонларга имтиёз ва кредитлар учун мўлжалланди.

Умуман олганда, большевиклар, БХСРда пахта майдонларини кенгайтириш орқали, Марказнинг пахта хом ашёсига бўлган эҳтиёжини Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикалари хисобига тўлдиришни мақсад қилган. Шу мақсадда йилдан-йилга БХСРда пахта экиладиган майдонлар кўпайтириб борилган. Жумладан, 1923 йилга келиб, пахта экиладиган умумий ерлар 80 минг танобни ташкил қилган. Ундан 7,6 млн пуд пахта ҳосили олинган.

Амирликда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун сунъий суғориш иншоотлари муҳим ўрин тутар эди. БХСРни сув

<sup>84</sup> Ҳайитов Ш., Бафридинов С., Раҳмонов К. Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси: иктисолиёт, ижтимоий сиёсат, маданий хаёт (1920 – 1924 йй.)... – Б. 10.

билан таъминлаш кўп жиҳатдан ТАССР билан муносабатларга боғлиқ эди. ТАССРнинг «Самарқанд сув идораси» Россия империяси мустамлакаси даврида тузилган шартнома асосида иш кўрарди. Республикада кишлок хўжалигини ривожлантиришга сув таңкислигидан ташқари бошқа омиллар ҳам салбий таъсир кўрсатган. Масалан, амирлик даврида Биринчи жаҳон уруши (1914 – 1918 йй.) туфайли кишлок хўжалиги ривожига птур кетиб, дехқончиликда ҳосилдорлик жуда пасайиб кетди. Бундан ташқари, ҳукумат алмашгандан кейинги дастлабки 2 – 3 йил қизил армиянинг Бухоро ҳудудига бостириб кирган даврида ҳам кишлок хўжалигига жиддий зарар келтирган.

Хўжаликнинг яна бошқа тармоқларидан бири чорвачилик асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланарди. Лекин Бухородаги воқеалар чорвачиликка ҳам таъсир этмасдан қолмади. Уруш йилларида қўйларнинг қириб юборилиши; ички урушлар туфайли коракўл териларини хорижга (Россия ва Германия) чиқаришнинг кескин қисқариши; давлат томонидан юқори бож тизимининг жорий қилиниши чорвачиликка ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шу мақсадда ҳукумат чорвачиликни юксалтириш мақсадида бир талай ишлар олиб борди. Чунки чорвачилик маҳсулотлари, биринчи навбатда коракўл тери, жун ва ичак маҳсулотлари чет элга экспорт килинса, йирик шохли қорамоллар кишлок хўжалигига аскотган. Шунингдек, йилқичиликка ҳам эътибор берилиб, 1921 йил 1 июнда Ер ишлари нозирлигининг қарорига кўра давлат йилқичилик фермаси ташкил килинган. Бу муассаса собиқ амир ва хусусий шахсларнинг отларини сотиб олиш оркали ташкил қилинган. Унга С. В. Шалос раис, Пилоцкий ёрдамчи қилиб тайинланган. Сотиб олинган отларга бозор нархида қатъий қиймат белгиланиб, нақд пул ва 25% маҳсулот берилган<sup>85</sup>. 1922 йил 27 декабрда Бутун Бухоро халқ вакилларининг III қурултойидаги қарорга кўра, иш ҳайвонлари ва уларни аҳолига етказиб бериш учун 5 мили танга маблаг ажратилган<sup>86</sup>.

<sup>85</sup> ЎЗР МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 33-иш, 66-варак.

<sup>86</sup> ЎЗР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 429-иш, 14- варак.

Хукумат олиб борган иқтисодий ислоҳотлар натижасида чорва сони ҳам ошиб борган. 1923 йил республикадаги умумий чорва сони 2. 570. 000 бошни ташкил қилган. Республика хукумати чорвачиликни юксалтириш мақсадида 1924 йил 30 марта чорва моллари эгаларини барча турдаги солиқ ва үйгимлардан озод қилишга қарор қилди<sup>87</sup>. Шунингдек, 1924 йил Россия ва БХСР ҳамкорлигига 2 млн рубл маблагга эга бўлган экспорт бўйича ширкат ташкил қилинди. Юқоридаги ҳолатлар, албатта, Бухоро чорвачилигининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Большевикларнинг Бухорода олиб борган босқинчилик сиёсати энди ривожланаётган саноатни ҳам издан чиқарди. 1921 йил 1 июнданги маълумотларга кўра, БХСРда 4 та ёғ заводи, 9 та гишт заводи, 5 та тери заводи, 3 та ичак, сопол, қизилмия илдизи заводлари, 4 та ун тегирмони, 2 та қоз фабрикаси, меҳаника устахонаси, электростанция ва оҳак корхонаси мавжуд бўлиб, уларда 5 мингга яқин ишчи ишлар эди. Бухоро хукумати саноатни тиклаш муаммоларини ҳал қиласр экан ишламаётган фабрикаларни ишга тушириш мақсадида хусусий сармояни жалб қилиш, яроқсизларини эса ҳисобга олишга эътибор берди. 1923 йилда 32 та саноат корхонаси давлат тасарруфига олинди, лекин бу корхоналарнинг фақат 6 таси ишлар эди, холос, қолганлари яроқсиз эди<sup>88</sup>.

Бухорода транспорт ва алоқа тизими ҳам вайрон бўлган эди. Темир йўлнинг умумий узунлиги 533 верст\*ни ташкил қиласр эди. Амударё орқали ўтадиган 900 верстлик сув йўли Ғарбий ва Шарқий Бухорони, шунингдек, Бухоро ва Хивани бир-бирига боғларди. Амударё флотилиясида 400 та кайиқ мавжуд бўлиб, уларнинг умумий юқ сиғими 600 минг пудни ташкил қиласр эди. 1924 йилга келиб 40 та кичик қайиқ сузар эди ва уларнинг умумий юқ сиғими 30 минг пудни ташкил қилган. БХСРнинг ички

<sup>87</sup> Ҳўжаев Ф. Ганланган асарлар. I том... – Б. 274.

<sup>88</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р. Раджапова. – Ташкент: «Шарқ», 2000. – С. 595 – 596.

\* Верст – рус узунлик улчови бўлиб, 1. 0668 км га тенг.

районларини боғловчи 90 минг верстлик карвон йўли мавжуд бўлиб, шундан 2 минг верстда аравалар қатнар, қолган 88 минг верстда түя асосий транспорт воситаси ҳисобланарди<sup>89</sup>.

1923 йил охирида БХСР алоқа тизимида битта радиостанция, Эски Бухорода телеграф бўлими ва олтига станция мавжуд эди. Ҳукумат янги телеграф линияси ва таъмир ишлари учун 100 минг сўм ажратди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, большевиклар Ёш бухороликлар ёрдамида БХСРда сиёсий ҳокимиятни қўлга киришиди. Ёш бухороликлар Ф. Ҳўжаев бошчилигида коммунистик партия сафига ўтказилгач, республикада коммунистик партияning яккаҳокимлиги ўрнатилди. Ундан сўнг, иқтисодий соҳада ҳукмронликни ўрнатиш ва вайрон бўлган иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида бир катор ислоҳотлар ўтказди. Жумладан, «Ер тўғрисида»ги қонун қабул қилинди, ундан сўнг барча ерлар давлат ихтиёрига ўтказилди ва назорат остига олинди. Қишлоқ ҳўжалигининг асоси бўлган дехқончилик ва чорвачилик соҳасида ҳам ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, пахтачиликни юксалтириш, чорвачиликни ривожлантириш, дехқонларга имтиёзли ёрдам бериш каби тадбирлар республика қишлоқ ҳўжалигининг ривожланишига олиб келди. Пахтачиликни ривожлантириш орқали Марказнинг пахта хом ашёсига бўлган талабини Ўрта Осиё республикалари орқали кондириш асосий вазифа эди. Шу максадда ирригация тизими ривожлантирилди, пахтакор дехқонларга моддий ёрдам берилди, уруғлик чигит етказиб берилди.

Чорвачилик таназзулга учраганлиги учун бу соҳага ҳам катта эътибор қаратилди. Чунки, чорвачилик ҳўжаликни ривожлантириш, дехқонларни иш ҳайвонлари билан таъминлаш ва савдони ривожлантиришга хизмат қилган. Натижада мамлакатда чорва сони йилдан-йилга кўпайиб борган ва бу мамлакат ҳўжалигини ривожлантирувчи асосий тармоқлардан бирига айланган.

<sup>89</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р. Раджапова... – Б. 597.

Мамлакат ҳудудида кизил армиянинг харбий ҳаракатлари натижасида мавжуд саноат корхонлари ва ҳунармандчилик издан чиққан эди. 1921 – 1924 йиллардаги олиб борилган чора-тадбирлар натижасида саноат корхонлари ва пахта заводлари қайтадан ишга туширилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, темир йул, транспорт, алоқа йўллари қайта таъмирланаб ишга туширилди. Бу соҳаларни ривожлантиришдан мақсад республикани замонавий даражага кўтариш эди.

Бироқ Марказ аввалбошданоқ мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда турли кўрсатмаларни республикага юборган маҳсус вакиллари орқали бериб турди. Натижада, мамлакат иқтисодиёти Марказ манфаатлари учун хизмат қилишга мослаштирилди. Ташқи сиёсатда ҳам республика ҳукумати большевиклар кўрсатмаси асосида иш олиб бориши керак эди. Хуллас, БХСР ҳукумати мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда олиб борилган тадбирларда Марказ билан хисоблашишга мажбур бўлди.

### **1. 3. Хивада хонлик тузумининг агдариб ташланиши ва XXСРдаги иқтисодий ўзгаришлар**

Петроградда 1917 йил Февралда инқилоб юз бериб, император Николай II таҳтдан агдарилганда Хива хони Асфандиёрхон (Исфандиёрхон) Ялтада дам олаётган эди. Хон Тошкент-Чоржўй-Хива йўналишида пойттахтга қайтиб келди<sup>90</sup>.

Туркистон ва Бухородаги зиёлилар каби Ёш хиваликлар ҳам, мамлакатда ислоҳотлар ўтказиш талаби билан чиқишиди. 1917 йил 4 апрелдаги митинг натижасида Асфандиёрхон 5 апрель куни манифест эълон қилди<sup>91</sup>.

Лекин кейинчалик 1917 йил июнь ойида Муваққат ҳукумати

<sup>90</sup> Кўшижонов О., Полвонов Н. Хоразмда ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи ярми). – Тошкент: «Абу матбуот-консалт», 2007. – Б. 286.

<sup>91</sup> Юсупов И.Ҳ. Ёш хиваликлар (Хотиралар). – Урганч: «Хоразм», 1999. – Б. 79.

нинг Хивадаги вакили генерал М. Мирбадалов раҳбарлигига хон Ёш хиваликларни ҳибсга олди. Шунингдек, Хивада 25 июлда комиссар лавозими жорий этилиб, Ёш хиваликлар қатғон қилина бошланди. Шу тариқа Ёш хиваликларнинг тинч йўл билан ислоҳотлар ўтказиш учун уриниши ўз самарасини бермади.

Бунинг устига мамлакатдаги сиёсий вазиятдан чўчиган Асфандиёрхон туркманлар сардори Жунаидхонга<sup>92</sup> мамлакатни биргалашиб бошқаришни таклиф килади. Амалда, Жунаидхон Асфандиёрхонни ўлдириб, Сайд Абдуллани қўғирчоқ хон қилиб таҳтга ўтқазди, ўзи эса мутлақ ҳокимга айланди.

Большевиклар Туркистанда сиёсий ҳокимиятни қўлга киритгач, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигидаги мавжуд тузумни ағдариб ташлашга зимдан тайёрлана бошлашди. Натижада, 1919 йил 25 декабря Хива хонлигига кўшин киритилиб, 1920 йил 2 февралда Хива хони Сайд Абдуллахон таҳтдан воз кечди<sup>93</sup>.

Ўша куни асосан Ёш хиваликлардан иборат Муваққат Инқилобий Қўмита тузилди ( қўмита раиси – Мулла Жуманиёз Султонмуродов<sup>94</sup>). Ушбу қўмита икки ой давомида ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи ҳокимият вазифасини бажарган.

1920 йил 7 апрелда Хоразм Инқилобий Қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда РСФСР хукуматининг маҳсус вакили Бройдо нутқ сўзлаб, Россия хукумати Хоразм халқига қўлдан келганча ёрдам беришини ва бундан кейин республикада тузилиши керак бўлган нозирликлар ва уларнинг фаолияти тўғрисида гапирди. Жумладан, маданият ва маориф, ҳарбий, халқ хўжалиги, молия, давлат назорати, адлия ва ташқи ишлар нозирликларини ташкил қилиш, шунингдек, хон ва унинг амалдорларига тегишли бўлган ерлар ва бойлиқ-

<sup>92</sup> Жунаидхоннинг асли исеми Курбон Мамед Сардор бўлган. У Хоразмдаги истиклолчилик харакатининг етакчиси.

<sup>93</sup> Юсупов П.Х. Ёш хиваликлар (Хотиралар)... – Б. 199 – 200.

<sup>94</sup> Ражабов К. Хоразм Халқ Совет Республикаси // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. Т. 9. – Тошкент: ЎзМЭ нашриёти, 2005. – Б. 483.

ларни мусодара қилиш тақлифи билан чиқди<sup>95</sup>. Ўша куни хон ва унинг амалдорларига тегишли мол-мулк мусодара қилинди, вакф мулклари эса ХХСР Маданият ва маориф нозирлиги тасарруфига ўтказилди<sup>96</sup>.

1920 йил 23 апрелда Бутун Хоразм халқ вакилларининг I қурултойида Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилди. Халқ Нозирлар Шўроси раиси этиб Полвонниёз Ҳожи Юсупов сайланди<sup>97</sup>.

1920 йил апрелда сабиқ Хива хонлигига мавжуд бўлган 20 та беклик ва 2 та ноиблик тугатилиб, унинг ўрнида қуидағи 22 та туман ташкил қилинди: Дарғонота, Питнак, Ҳазорасп, Бешариқ, Хонқа, Янги Урганч, Гурлан, Қипчоқ, Манғит, Қиличбой, Моноқ, Тошҳовуз, Порсу, Ҳўжайли, Кўҳна Урганч, Қўнгирот, Хива, Иляли, Фозовот, Шовот, Хитой, Қўшқўпир. Бу маъмурий бўлинниш ХХСР нинг дастлабки конституциясида ўз аксини топган эди. 1923 йили Хоразм Республикасининг маъмурий-худудий бўлиннишига жиддий ўзгаришлар киритилди. Ўша йилнинг октябрида қабул қилинган янги Конституцияга кўра, ХХСР худуди 4 та вилоят (Ҳазорасп, Янги Урганч, Тошҳовуз, Ҳўжайли) ва 26 та тумандан (Дарғонота, Питнак, Ҳазорасп, Бешариқ, Хонқа, Янги Урганч, Тошқўпир (Қўшқўпир), Фозовот, Шоҳобод, Қипчоқ, Манғит, Қиличбой, Моноқ, Тошҳовуз, Порсу, Ҳўжайли, Кўҳна Урганч, Қиёт, Қўнгирот, Иляли, Кўкчага, Янги Алла, Тахтабозор, Шовот, Хитой, Хива) иборат бўлган<sup>98</sup>.

<sup>95</sup> Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Узбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ архиви (Российской государственной архив социально-политической истории, ф. 5, оп. 1, д. 2912, лл. 5 – 6).

<sup>96</sup> Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Узбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ архиви (Российской государственной архив социально-политической истории, ф. 5, оп. 1, д. 2912, лл. 2 – 3).

<sup>97</sup> Юсупов П. Х. Ёш хиваликлар (Хотиралар)... . – Б. 217 – 218.

<sup>98</sup> Ражабов К. Бухоро ва Хоразм Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли // Узбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент: «Шарқ», 2001. – Б. 190 – 191.

Бироқ, сиёсий ҳокимиятга давлат тұнтариши билан келган большевиклар дастлабки кунлардан оқ Ёш хиваликларни қаттық исканжага ола бошлади. Большевиклар сиёсатидан норози бұлған давлат ва жамоат арбоблари бирин-кетин йүқ қилинди. Мисол учун, 1920 йил 13 июня содир бұлған халқ норозилиги натижасыда Иброхим Охун, Рафик Охун, Сайджон Қори, Мулла Мұхаммадниәз Бадирхонли, Мұхаммадамин Охун ва бошқалар намойиш раҳбарлари сифатида отиб ташланди. Ұша йили сентябрда ХХСР Нозирлар Шўроси раисининг иккинчи мувини Қўшмамедхон бошлиқ туркман раҳбарлари ҳам отиб ташланди<sup>99</sup>.

1921 йил 6 марта қизил аскарлар ёрдамида Полвонниёз Ҳожи Юсупов ҳукумати ағдариб ташланди. Сентябрда ХХСР МИҚ раиси Оллоберганов ўз вазифасыдан олиб ташланди ва ўлимга маҳкум қилинди. Шу каби Хоразм халқининг истиқболи учун курашган кўпгина ватанпарварлар ҳокимиятдан четлаштирилди.

Большевиклар бу билан чекланиб қолмай, мамлакат иқтисодий мустақиллигини ҳам ўз назоратига олиш учун зўр бериб ҳаракат қила бошлашди. Шу мақсадда 1920 йил 13 сентябрда РСФСР ва ХХСР ўртасыда 24 моддадан иборат Иттифоқ шартномаси ҳамда 15 моддадан иборат иқтисодий битим тузилди<sup>100</sup>.

Ушбу битимга кўра, ХХСР ўзининг ички истеъмоли учун ортиқча барча хом ашёсини, ХХСР иқтисодиётининг асоси бұлған пахта ва пахта маҳсулотларини, мўйна, гилам, тери, жун, уруғликларнинг барча-барчасини РСФСР ихтиёрига бериши керак эди. Бундан ташқари, бошқа давлатлар билан эркин савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилганди. Хоразмнинг иқтисодиёти Россия эҳтиёжига мослаштирилганди.

ХХСР иқтисодиётининг асосини дәхқончилик, чорвачилик, маҳаллий ҳунармандчилик, қисман саноат соҳаси ташкил қи-

<sup>99</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврила... – Б. – 215.

<sup>100</sup> ЎзР МДА, 69-фонд. 1-рўйхат. 2-иши. 1-варак ва унинг орқаси.

ларди. Дәққончиликда асосий ўринни пахтачилик, чорвачиликда гүшт, тери ва жун етиштириш ташкил қилган. Мавжуд саноат корхоналари хом ашёга дастлабки ишлов бериш билан кифояланган. Хоразм Республикасида ҳам БХСРдаги каби асосий муаммо ер-сув масаласи эди.

Шунинг учун 1920 йил 23 апрелда бўлган Бутун Хоразм ҳалқ вакилларининг I қурултойида чиқарилган қарорга кўра, хон ва унинг амалдорлари, шунингдек, хоннинг қариндошлирига тегишли мол-мулк мусодара қилинди. Натижада мусодара қилинган ерлардан 10 минг десятинаси ерсиз ва кам ерли дәққонларга бўлиб берилди<sup>101</sup>.

Умуман олганда, Хоразмдаги дәққончилик учун яроқли ерлар 400. 000 таноб (166. 000 десятина)ни ташкил қилган<sup>102</sup>. Шундан 150. 000 таноб ерга жўхори, 60. 000 таноб ерга буғдой, 100. 000 таноб ерга пахта, 60. 000 таноб ерга шоли ва 30. 000 таноб ерга бошқа экинлар экилган<sup>103</sup>.

1921 йилдаги маълумотларга кўра, XXСРда 1 танобдан 3 танобгача ери бўлган хўжаликлар 40 % ни, 3 танобдан 5 танобгача ери бўлганлар 25 % ни, 5 танобдан 10 танобгача ери бўлган хўжаликлар 25 % ни, 10 танобдан 20 танобгача ери бўлган хўжаликлар 10 % ни ташкил қилган<sup>104</sup>.

Ёш хиваликлар ҳукумати большевиклар кўрсатмаси асосида республикадаги ерларнинг барчасини аста-секинлик билан национализация қилиб, дәққонларга бўлиб берган. Масалан, 1922 – 1923 йилларда жами 40. 000 таноб ер дәққонларга бўлиб берилди<sup>105</sup>.

Мамлакатдаги ерларнинг катта қисми вақфларга тегишли бўлган. Вакф мулклари одатда масжид ва мадрасаларга қа-

<sup>101</sup> Погорельский И. В. Истории Хивинской Революции в Хорезмской Народной Советской Республики (1917 – 1924 гг.). – Ленинград: 1984. – С. 123.

<sup>102</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики. Сборник документов. – Ташкент: «Фан», 1976. – С. 101.

<sup>103</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 101.

<sup>104</sup> Погорельский И. В. Истории Хивинской Революции в Хорезмской Народной Советской Республики (1917 – 1924 гг.). – Ленинград: 1984. – С. 121.

<sup>105</sup> История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик. – Москва: Наука, 1971. – С. 145.

рашили бўлиб, уларга экин майдонларидан ташқари, карвон-сарой, тегирмонлар, бозор ва бошқалар кирган. Шунинг учун ҳам большевиклар вакфларга тегишли ерларни иложи борича тезроқ давлат назоратига олиш чораларини кўришган.

Вакф тўғрисидаги масала 1920 йил 30 апрелда бўлган Бутун Хоразм халқ вакилларининг I қурултойида<sup>106</sup> ва 1921 йил 23 майда бўлган Бутун Хоразм халқ вакилларининг II қурултойида<sup>107</sup> кўриб чиқилган. Ҳар иккала қурултой қарорларига кўра вакф мулклари дахлсиз деб эълон қилинган ва вакф мулклари XXСР Маориф нозирлиги ихтиёрига берилган.

Вакф мулкларининг дахлсизлигини таъминлашда ўша вақтдаги ҳукумат раҳбарларининг хизмати катта. Мисол учун, Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси раиси П. Юсупов Нозирлар Шўроси мажлисларининг бирида шундай деган: «Мен хаёт өканман, вакфлар дахлсиз бўлиб қолади ва улардан келган даромад шариат асосида масжид, мадраса ва муллаларни таъминлашга сарфланади»<sup>108</sup>.

Лекин большевиклар вақф мулкларини тугатишга зўр бериб уринишган. Сабаби, вакфларга тегишли ерларнинг катта миқдори суғориладиган ерлар ҳисобланган. Масалан, 1922 йил маълумотларига кўра, XXСРда вакф ерлар миқдори 471438 танобни ташкил қилган<sup>109</sup>. 1924 йилдаги маълумотларга кўра, вакф ерлари 126. 000 танобни ташкил қилган<sup>110</sup>.

Бу миқдор ўша вақтдаги унумдор ерларнинг тўртдан бир кисми эди. 1923 йил 17 – 20 октябрда Бутун Хоразм халқ вакилларининг IV қурултойида XXСР Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантирилди. Қурултойда вақф ерлари умумхалқ мулки деб эълон қилинди.

Қурултойнинг вақф тўғрисидаги қарори халқ норозилигипи уйғотди. Натижада, 1924 йил 12 апрелдаги Бутун Хоразм

<sup>106</sup> Алимов И. Ўзбекистонда вакф мулкларининг тугатилиши (1917 – 1929 йй.). – Тошкент: «Фан», 2009. – Б. 85.

<sup>107</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 103.

<sup>108</sup> Алимов И. Ўзбекистонда вакф мулкларининг тугатилиши (1917 – 1929 йй.)... – Б. 84.

<sup>109</sup> Алимов И. Ўзбекистонда вакф мулкларининг тугатилиши (1917 – 1929 йй.)... – Б. 91.

<sup>110</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 305.

Марказий Ижроия Кўмитасининг II сессиясида вакф мулклари қайта тикланди ва улар Маориф нозирлиги хузуридаги вакф бўлими томонидан назорат қилинадиган бўлди<sup>111</sup>.

Хоразмда дехкончилик кадимдан сунъий сугоришга асосланган бўлиб, халқ азал-азалдан ҳашар йўли билан сугориш тармоқларини бунёд қилган ва тозалаш ишларида ҳам бевосита қатнашган. Амударё бўйлаб минглаб чиғирларнинг барпо этилиши натижасида жуда кўп жойларга сув чиқарилган. Сугориш тизимини тозалаш ва таъмирлаш ишларига 1920 йилда 50 минг одам иштирок этган бўлса, 1921 йилга келиб бу ишларга 60 минг одам сафарбар этилган<sup>112</sup>.

1921 йил 23 майдаги Бутун Хоразм халқ вакилларининг II курултойида Ер ишлари нозирлиги хузурида Ҳожибой Аминатдинов раислигида Марказий сув бошқармаси тузилди<sup>113</sup>. Бошқарманинг ваколатига, XXСРдаги сугориш тизими, унинг экин ерларига тўғри тақсимланишини назорат қилиш, ариқ ва каналларни тозалаш, аҳолини ҳар йилги қазув ишларига сафарбар этиш кирган.

1922 йилги маълумотларга кўра, 2 млн десятина ерни суғорадиган ёп ва каналлар қазу – ҳашар йўли билан тозаланган. Шунинг билан бирга сугориш системасини машиналаштириш масаласи кўриб чиқилган<sup>114</sup>.

Умуман олганда, Хоразмда сугориш тизими икки қисмга бўлиниб, каналлар орқали сугориладиган шимолий ва Амударё орқали сув ичувчи жанубий қисмларга бўлинган<sup>115</sup>. Сугориш вакти апрелдан-октябрь ойигача бўлиб, колган вактларда сув дарёга йигилган. Баҳорғи юмушларга магистрал каналларни тозалаш, дарё ўзанларини таъмирлаш, кузги юмушларга эса дамба ва тўғонларни тозалаш ишлари кирган<sup>116</sup>.

<sup>111</sup> Алимов И. Ўзбекистонда вакф мулкларининг тугагилини (1917 – 1929 йй.)... – Б. 112.

<sup>112</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости... – С. 360.

<sup>113</sup> 50 лет Хорезмской Народной Советской Республики. – Тошкент: «Фан», 1972. – С. 192.

<sup>114</sup> «Инқилюб қуёши», 1922 йил 5 апрель.

<sup>115</sup> ЎЗР МДА. 73- фонд. 1- рўйхат, 8-иши, 4-варак.

<sup>116</sup> ЎЗР МДА. 2027- фонд. 1- рўйхат, 26-иши, 4-варак.

1922 йилдаги ариқларни тозалаш ишларига 1921 йилга нисбатан күп одам иштирок этганлиги учун, ҳашар ишлари 10 кун олдин тугаган. Масалан, 1922 йил мартгача Хоразмдан Хўжайлигача бўлган худудда 120 км ариқ ва каналлар тозаланиб, таъмирланган. Дамбаларни таъмираш учун 4500 нафар одам иштирок этган<sup>117</sup>.

Хоразм дехқончилигидаги азалдан асосий эътибор буғдой, шоли, пахта экинларига қаратилган бўлиб, большевиклар ҳокимият тепасига келгандан сўнг пахтчилик мухим ўрин тута бошлади. Бундан кўзланган асосий мақсад Туркистон АССР, БХСР ва XXСРда пахтчиликни ривожлантириш орқали Россиянинг пахтага бўлган эҳтиёжини Ўрта Осиё республикалари орқали тўла таъминлаш эди.

1921 йил XXСРда 10 минг десятина ерга пахта экиш мўлжалланган бўлиб, бунга РСФСР, Туркистон АССР орқали уруғлик етказиб беришни ўз зиммасига олган. Лекин бунинг учун XXСР ҳукумати барча 10 минг десятина ердаги пахта ҳосилини ТАССРга бериши керак эди<sup>118</sup>. Бунинг эвазига Туркистон ҳукумати ҳар 50 пуд пахта ҳом ашёсига қуйидагича маҳсулот берган: 2 кетмон, 90 аршин газмол, 6 игна, 40 фунт керосин, 80 қути гугурт, 60 фунт туз, 7 – 8 пуд пахта уруғлиги ва ҳоказо<sup>119</sup>.

1922 йил 25 июлдаги РСФСР нинг Хоразмдаги маҳсус вакили ва Хоразм Иқтисодий Кенгаши ўртасидаги келишувга кўра Хоразм Иқтисодий Кенгаши барча эски пахта ҳосилини Ташқи савдо нозирлиги ихтиёрига топшириши ва нозирлик пахта ҳосилини Москвага жўнатиши керак эди. Шунга кўра, 1921 йилги ҳосилдан 200 минг пуд пахта зудлик билан Марказга жўнатилган<sup>120</sup>.

Демак, кўриниб турибдики, большевиклар пахта толасини бутунлай Марказга ташиб кетишга, ундан сўнг республика ҳалқ хўжалигини пахтчиликка қаратишга ҳаракат килиш-

<sup>117</sup> 50 лет Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 194.

<sup>118</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 80.

<sup>119</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 81.

<sup>120</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 116.

ган. Шу мақсадда бошқа дәхқончилик әқинлари ўрнига йидан-йилга құпроқ пахта әкілган.

1922 йил 20 декабрдаги Хоразм Марказий Ижроия Құмасининг қарорига күра республикада етиштирилған пахтани дәхқонлардан сотиб олиш ишлари Савдо ва ишлаб чиқарыш нозирлиги зиммасига юқлатылған, нозирлик эса пахтани фақат Россияга сотған<sup>121</sup>.

Пахта хом ашёсіні етиштириш, пахта әкин майдонларига америка навли пахта әкиш, әкин майдонларини сугоришни машиналаштириш, пахта эккан дәхқонларға қулайлик яратиш (масалан, пул, уруғлик, озиқ-овқат маҳсулотлари бериш – *муаллиф*) мамлакат халқ хұжалигини юксалтиришга ёрдам берған. Лекин, пахтацилық ва пахта хом ашёсі фақат Марказ манфаати учун хизмат қылған.

Қишлоқ хұжалигини 1917 йилдан олдинга даражага етказиш ва дәхқонларға іктисодий ёрдам бериш мақсадида 1921 – 1922 йилларда ерсиз ва кам ерли дәхқонларға 6160 ботмон уруғлик чигит, 759 ботмон гуруч, 90 млн сүм пул, шунингдек, арава ва отлар берилған. Хоразм Республикаси дәхқонларига ёрдам бериш учун, қишлоқ хұжалик маҳсулотларига саноат маҳсулотларини айирбошлайдыган кооперациялар мұхим ахамияттаға эга бўлған. Шунингдек, 1922 йили умумий капитали 3 млрд сүмни ташкил қылған кредит банкининг очилиши ҳам қишлоқ хұжалигининг юксалишига ёрдам берган<sup>122</sup>.

Кооперациялар дәхқонларға хар бир 50 пуд пахта ҳосили учун уруғлик, керосин, кетмөн ва 50 минг сүм берган<sup>123</sup>. Умумий хисобда 1921 – 1922 йилги 4000 десятина ердаги пахта ҳосили учун 198. 400. 000 сүм пул, 357120 аршин газмол, 3968 фунт керосин, 317440 кути гугурт, 23808 ғалтак ип, 5952 пуд туз, 7936 дона кетмөн, 11904 дона ошланмаган тери ажратылған<sup>124</sup>. Бирок дәхқонлар фақат 97 млн сүм, 95987 аршин газ-

<sup>121</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 176.

<sup>122</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 165 – 166.

<sup>123</sup> ҮЗР МДА, 73-фонд. 1-рүйхат, 20-иши, 33-варап.

<sup>124</sup> ҮЗР МДА, 73-фонд. 1-рүйхат, 20-иши, 33- варап.

майдон, 1549 фунт керосин, 100000 кути гугурт, 6650 та ғалтак-  
шы олишган, қолган маҳсулотлар ўрнига чойнак ва пиёлалар  
тарбатидаган<sup>125</sup>.

1922 йилдаги маълумотларга кўра, умумий экин майдон-  
иридан пахта экиладиган майдон 10 % ни, жўхори 23 % ни,  
бугдой 17 % ни ташкил қиласкан<sup>126</sup>. Кўрилган чора-тадбирлар  
натижасида ХХСРдаги пахта экиладиган майдонлар микдори  
йилдан-йилга кўпайиб борган. Масалан, 1921 – 1922 йилларда  
пахта экиладиган майдон 4000 десятинани ташкил қиласкан бўл-  
са, 1923 – 1924 йилларда 18. 000 десятина ерга пахта экилган.  
Гаштирилган пахта ҳосили 1922 йили 250. 000 пудни ташкил  
қиласкан бўлса, 1924 йили 800. 000 пуд бўлган<sup>127</sup>.

Хоразм иқтисодиётида иккиласамчи ўринни эгаллаган саноат  
соҳасини маҳаллий ҳунармандчилик ва аввал қурилган саноат  
корхоналари ташкил қиласкан. Республикадаги мавжуд саноат  
корхоналари большевиклар босқини вақтида вайрон этилган  
эди. Натижада чет элга саноат маҳсулотлари чиқариш камайиб  
кетди. ХХСРдаги мавжуд саноат корхоналарини тиклашдан  
Ёш хиваликлар хукумати ҳам, большевиклар ҳам манфаатдор  
эди. Биринчидан, саноат корхоналари тикланса, у мамлакат  
иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатган, иккинчидан, аграр  
мамлакатдан индустрисал мамлакатга айланиш учун замин тай-  
ёрланган. Шунинг учун ҳам Ёш хиваликлар мамлакат саноати-  
нинг ривожланишидан манфаатдор эдилар.

Большевиклар эса, саноат корхоналарини тиклаш орқали  
(хусусан, пахта заводларини) пахта хом ашёсини ва ҳунар-  
мандчилик маҳсулотларини мамлакатдан олиб чиқиб кетишни  
мўлжаллаган. 1920 йил сентябрь-октябрь ойларида ҳунарманд-  
чилик устахоналари ва Россия капиталистларига тегишли кор-  
хоналар национализация қилинган<sup>128</sup>. 1920 йилда ХХСРда 11

<sup>125</sup> ЎзР МДА, 73-фонд. 1-рўйхат, 20-инш, 34 -варак.

<sup>126</sup> Погорельский И. В. Истории Хивинской Революции в Хорезмской Народной Со-  
ветской Республики (1917 – 1924 гг.). – Ленинград: 1984. – С. 164.

<sup>127</sup> Узбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб... – Б. 224.

<sup>128</sup> Узбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб... – Б. 225.

та пахта тозалаш ва 3 та ёғ заводи рўйхатга олинган. Шундан 3 та пахта заводи ярокли бўлган<sup>129</sup>.

Пахтачиликка эътибор кучайиши натижасида мавжуд пахта тозалаш ва бошқа саноат корхоналарини таъмирлаш йўлга кўйилган. Натижада, 1923 йилга келиб 6 та пахта тозалаш заводи, 4 та тери заводи, 10 та ғишт заводи ва ёғ заводлари тикланиб, ишга туширилган<sup>130</sup>.

Хунармандчилик устахоналари ҳудудий бўлиб, Қўнғирот жун маҳсулотлари ва балиқчилик, Иляли ва Тошқовуз гиламлар, Урганч ва Хонқа тери, Хива темир, кийим-кечак, кулолчилик, Питнак коракўл маҳсулотлари етказиб берган<sup>131</sup>. Лекин бу маҳсулотларнинг ҳаммаси XXСР иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун эмас, балки Марказ эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилган.

Республика иқтисодиётида солик тизими алоҳида ўрин касб этган. Чунки, соликлардан мамлакат бюджетига жуда катта фойда тушган. Хонлик давридаги асосий солик турлари солғут ва закот солиқлари ҳисобланган.

Большевиклар республикада солик соҳасида синфий ёндашувни амалга ошириб, соликнинг асосий оғирлигини савдо-гарлар, судхўрлар ва йирик ер эгалари зиммасига юклашган. Жумладан, 1921 йил 21 июнданги Хоразм ҳукуматининг декретига кўра ягона озик-овқат солиги жорий қилинди<sup>132</sup>. Унга кўра, 10 таноб ерга эга бўлганлар 2 сўм 50 тийин, 10 танобдан кўп ерга эга бўлганлар 3 сўмдан кўп солик тўлаган<sup>133</sup>. Натижада давлат хазинасига 1920 – 1921 йилларда 100 млн сўм маблағ тушган.

Чорвадорлардан олинадиган закот солиги пул билан тўланниб, ҳар бир қўйга Хоразм пул бирлигига 100 минг сўм, от ва тuya 500 минг сўм, йирик шохли қорамол 500 минг сўм баҳоланган<sup>134</sup>. Агар 5 та қўйи, 2 та туси, 2 та оти, 2 та сигири, 2

<sup>129</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 104.

<sup>130</sup> Узбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб... – Б. 225.

<sup>131</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 182 – 183.

<sup>132</sup> 50 лет Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 161.

<sup>133</sup> ЎзР МДА. 71-фонд. 1-рўйхат, 45-инч, 86-варак.

<sup>134</sup> 50 лет Хорезмской Народной Советской Республики... – С. 162.

ти эшаги бўлса, унда хўжаликлар соликдан озод этилган. Чунки, закот солиги 1/40 % миқдорида олинган. Чорва молварига юқори нарх қўйишдан асосий мақсад, хўжаликлар закот солигини тўламаслик учун ўз чорваларини сотишган ёки мажбурий равиша давлатга топширишган. 1923 йил июнда саноат соҳасидаги соликлар бир тизимга солиниб, ягона солик тизими жорий қилинди<sup>135</sup>. Бунинг натижасида, бир томондан, ХХСР худудига қуруқлик ва сув орқали ўтган транспорт тизими билан озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни олиб келиш қулий бўлган, иккинчи томондан, большевиклар учун, республика худудидан хом ашё ва табиий бойликларни ташиб кетишни осонлаштирган.

Шу мақсадда транспорт тизимини яхшилаш борасидаги биринчи қадам 1921 йил 24 сентябрда РСФСР, БХСР ва ХХСР республикалари ўргасида шартнома имзоланиши бўлган. Бу шартномага кўра, Амударё флотилиясидаги 1 та шатакчи пароход, 2 та нефт баржаси, 2 та юк баржаси ва 1 та юк пароходи ХХСР ихтиёрига берилди<sup>136</sup>.

1922 йил 10 декабрда Хоразм Марказий Ижроия Кўмитаси Хива ва Чоржуй йўналишида самолёт линиясини ташкил этиш тўғрисида қарор чиқарган<sup>137</sup>. 1922 йил 16 декабря эса, Хива шаҳрида аэродром қуриш учун З таноб ер ажратиш тўғрисида қарор чиқарилган<sup>138</sup>. Натижада Хива шаҳрида З таноб ерга дастлабки аэродром қурилган.

Кўриниб турибдики, транспорт соҳасини ривожлантиришдан иқтисодий соҳа ҳам, сиёсий ва ҳарбий мақсадлар ҳам кўзланган. Чунки ҳаво ва сув транспортини ривожлантириш орқали большевиклар асосан хом ашё ва табиий бойликларни республикадан Марказга кўпроқ олиб кетишни мўлжаллашган. Республиkanинг мустақиллик белгиси ва иқтисодиётнинг муҳим таянчларидан бири бу миллий валюта ҳисобланади. Шу

<sup>135</sup> Узбекистон давлатчилиги тарихи очерклари... – Б. 198.

<sup>136</sup> УзР МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 31-варак.

<sup>137</sup> УзР МДА, 71-фонд, 1- рўйхат, 25-иш, 300-варак.

<sup>138</sup> УзР МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 299-варак.

мақсадда, Хоразм Республикаси 1920 йил 11 апрелдап ўзининг қоғоз, ипак ва мис пулларини чиқара бошлади<sup>139</sup>.

1920 йил майда 300.000 сўм, июнда 2.050.000, июлда 4.865.000, августда 8.270.000, сентябрда 9.514.000, октябрда 10.078.000, ноябрда 18.420.000, декабрда 21.626.000 сўм пул зарб қилинган. 1921 йил январда 17.511.000, февралда 24.046.000, марта 10.210.000, апрелда 271.650.000 сўм пул зарб қилинган<sup>140</sup>. Бундан ташқари мамлакатда Жунаидхон томонидан ва РСФСРнинг 1919 йилда зарб қилинган совет пуллари ҳам бу даврда муомалада бўлганлиги учун Хоразм миллий валютаси анча қадрсизланган.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига, 1917 йил Петроградда бўлган Февраль инқилобидан сўнг, ислоҳот ўтказиш талаби билан чиққан янги сиёсий кучлар сифатида Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлар ҳаракати намоён бўлди. Натижада, большевикларнинг аввалдан ишлаб чиққан режасига кўра қуролли қўзголон ёрдамида 1920 йил февраль ва сентябрь ойларида ХХСР ва БХСР ташкил топди. Иккала республикада ҳукумат раҳбарлари Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлардан сайланса-да, республикалардаги сиёсий ва иқтисодий масалаларда РСФСРнинг мухтор вакиллари доимий иш олиб борган ва асосий кўрсатмаларни бериб турган. Натижада, демократик давлат тузишга уринган ҳукумат раҳбарлари ўз вазифасидан четлатилди. Бу ҳолат, хусусан, ХХСРда бир неча марта юз берди. Сиёсий ислоҳотлар билан биргаликда мамлакатда 1921 йилда дастабки маъмурий тузилиш ўтказилди. Лекин бу маъмурий тузилишлар вақти-вақти билан ўзгариб турди. Оқибатда, большевиклар тазиёки натижасида 1923 йил октябрда ХХСРнинг номи ХССР, 1924 йил сентябрда БХСРнинг номи БССР деб ўзгартирилди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда эса коммунистик мафкура асосида иш олиб борилиб, биринчи навбатда,

<sup>139</sup> Узбекистон давлатчилиги тарихи очерклари... – Б. 191.

<sup>140</sup> ЎзР МДА, 71-фонд, 1- рўйхат, 25-иш, 109-варак.

мұлқиilik муносабатларига чек қўйилди. Иккала республика билан РСФСР ўртасида савдо ва иқтисодий шартномалар тузилиб, амирлик ва хонлик ҳудудидаги подшо Россиясига тегишли мулклар давлат ихтиёрига ўтказилди. Ерлар, завод ва фабрикалар барча-барчаси давлат тасарруфига олиниб, қаттик назорат ўрнатилди. Аммо, темир йўл, почта ва телеграф сингари ҳарбий аҳамиятга тегишли бўлган обьектлар РСФСР ихтиёрида қолдирилди.

Лекин ҳукумат раҳбарлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун қўлдан келганча миллий манфаатлардан келиб чиқкан ҳолда иш олиб боришга харакат қилишди. Большевиклар билан миллий раҳбар кадрлар ўртасидаги мажаролардан бири бу вакф ерларига муносабат масаласи эди. Марказ вакф ерларининг давлат назоратига олинишидан манфаатдор эди. Чунки вакф мулклари диний муассасаларнинг, шунингдек, диний уламоларнинг даромад манбай ҳисобланган. Вакф мулкларини мусодара қилишдан кўзланган асосий мақсадлардан яна бири «кислом» одатлари ва шариат қоидаларига зарба бериш эди. Шунингдек, вакф мулклари хусусий мулқчиликни ҳам белгилаб берган. Охир-оқибатда вакф ерлари Маориф нозирлиги тасарруфига ўтказилди.

Кишлок хўжалигидаги асосий эътибор пахтачиликка қаратилган бўлиб, асосан америка навли пахтани экишга кўпроқ ерлар ажратила бошланди. Натижада, бошқа қишлок хўжалик экинлари экиш йилдан-йилга камайиб кетди. Чорвачиликда асосий эътибор иш ҳайвонларини етказиб беришга қаратилиши натижасида аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига эҳтиёжи ортиб борди, шунингдек, коракўл тери еткизиб бериш камайиб кетди.

Пахта экинларини кўпайтиришдан мақсад Марказ саноатини пахта хом ашёси билан тўлиқ таъминлаш эди. Россиядан саноат маҳсулотларининг кўплаб олиб келиниши натижасида маҳаллий ҳунармандчилик инқизозга юз тутди. Мавжуд саноат

корхоналарининг барчаси пахта саноати учун хизмат қиласди. Ташқи савдони республикалар, аввал фақат РСФСР, сўнгра эса СССР воситачилигида олиб боришга мажбур эди, шунингдек, солик соҳасидаги ислоҳотларда миллий манфаатлар ҳисобга олинмади.

Маҳаллий ҳунармандчиликка зарба беришдан мақсад ҳам хусусий мулкчиликни йўқотиб, социалистик андозадаги жамиятга ўтиш эди. Натижада, иккала республикадаги иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг барча-барча соҳаларида большевиклар манфаатини кўзлаб ишлар амалга оширилди, бу кейинчалик, Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгандан сўнг ҳам давом этди.

## **II БОБ. БУХОРО ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИННИНГ ФАОЛИЯТИ**

### **2. 1. Бухоро Иқтисодий Кенгашининг ташкил топиши ва вазифалари**

БХСРда сиёсий ҳокимиятни Ёш бухороликлар қўлига олиб берган большевиклар олдида турган навбатдаги вазифа республика иқтисодиётини ҳам Марказдан туриб бошқариш, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда совет андозасидан фойдаланиш, ҳом ашё ва табиий бойликларнинг Бухородан Марказга ташиб кетилишини таъминлашдан иборат эди. Бухорода демократик давлат тузишга кўмаклашиш ниқоби остида келган большевиклар бу ердаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётга аралашиб, уни Россия манфаатларига буриб юборишига ҳаракат қилди.

Совет ҳокимиятининг асосий мақсади хусусий мулкчиликни йўқотишга, хўжалик ҳаётининг барча соҳаларида, хусусан, ҳалқ хўжалигида раҳбарликни ниҳоятда марказлаштиришга қаратилган эди. Марказ эса, Бухорода юзага келган танг вазиятдан фойдаланиб, унинг иқтисодиётини ўз манфаатига бўйсундириб, хусусан, хўжаликнинг асоси бўлган барча ерларни ёппасига национализация қилиш сиёсатини олиб борди. Большевикларнинг мақсади Россия ва Туркистонда бўлгани каби БХСРда ҳам аввал ҳарбий коммунизм сиёсати, ундан сўнг янги иқтисодий сиёсатга ўтиш ва шу билан аҳолисининг аксарият қисми қишлоқларда яшайдиган мамлакатда социализмнинг иқтисодий негизини яратишга қаратилган эди<sup>141</sup>.

Шубҳасиз, БХСРда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар большевикларни қониқтирунган эди, айниқса Ф. Хўжаев бошчилигидаги хукуматнинг реал мустақилликни қўлга киритишга интилиши Марказ вакилларини ташвишга соларди. Натижада БХСР устидан сиёсий ва иқтисодий назоратни кучайтириш йўли танланди.

<sup>141</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2- китоб... – Б. 235.

Совет ҳукумати инқирозли аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир тўғри йўли иқтисодиётни бир жойдан – Марказдан туриб бошқариш ва тақсимотни бир жойдан амалга ошириш керак деган масалани ўртага ташлади. Шунинг учун мамлакат иқтисодиёти устидан назоратни кучайтириш мақсадида БХСРда ҳам, Туркистон АССР тажрибасидан келиб чиқиб, Иқтисодий Кенгаши ташкил қилинди.

Маълумки, Туркистон Иқтисодий Кенгаши 1921 йил февралда ташкил этилган бўлиб, у қуйидаги таркибий қисмлардан таркиб топган: 1. Котибият. 2. Туркистон режа қўмитаси. 3. Тақсимот комиссариати. 4. Илмий институт. 5. Нашриёт.

Туркистон Иқтисодий Кенгашига қуйидаги вазифалар юклатилган:

а) барча иқтисодий комиссарликлар фаолиятини бошқариш;

б) РСФСР Мехнат ва Мудофаа кенгаши директивалари ва топширикларининг ТАССР халқ комиссарликлари ва РСФСР халқ комиссарликлари вакиллари томонидан бажарилишини кузатиш;

в) халқ хўжалиги қурилишида совет ҳукуматининг барча идоралари ишини мувофиқлаштириш;

г) РСФСРнинг ягона халқ хўжалик режаси асосида Туркистон АССРнинг умумий режасини ишлаб чиқиши билан биргалиқда Туркистон Иқтисодий Кенгаши ва РСФСРнинг тегишли идоралари томонидан ишлаб чиқилган дастур ва режаларини мувофиқлаштириш<sup>142</sup>.

Туркистон Иқтисодий Кенгаши раиси Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланиб, Халқ Комиссарлари Совети раисининг биринчи ўринbosари ҳисобланарди. Туркистон Иқтисодий Кенгаши раиси этиб Н. А. Паскуцкий, ўринbosарлар қилиб эса А. Асаткин ва Шерғозиевлар тайинланди. Туркистон Иқтисодий Кенгаши таркибий тузилмасини Туркистон АССР таркибидағи вилоятлар: Фаргона, Самарқанд,

<sup>142</sup> Ҳайдаров И. Ўзбекистонда иқтисодий кенгашлар фаолияти (1917 – 1934). – Тошкент: «Abu matbuot-konsalt», 2008. – Б. 25.

Сирдарё, Туркман, Еттисув ва Амударё вилоят иқтисодий кенгашлари ташкил қилган<sup>143</sup>.

Бухоро Иқтисодий Кенгаши 1921 йил 12 марта ўз фаолиятини бошлаган<sup>144</sup>. Кенгаш раиси этиб таникли арбоб Мухитдин Мансуров тайинланган. М. Мансуров таникли давлат арбоби Абдулкодир Мухитдиновнинг отаси бўлган. 1921 йил 9 майда Бухоро Иқтисодий Кенгаши қайта тузилиб, қуйидаги бўлимлардан иборат бўлган<sup>145</sup>: 1) бошқарув; 2) ишлаб чиқариш; 3) савдо; 4) озиқ-овқат; 5) пахтачилик; 6) транспорт; 7) ҳарбий; 8) молиявий<sup>146</sup>.

Бошқарув бўлими раис, унинг икки ўринбосари ва беш нафар аъзолардан иборат бўлган. Юқорида кайд этилган бўлимлар орқали Бухоро Иқтисодий Кенгаши мамлакат иқтисодиёти устидан тўлиқ назоратни ўз қўлига олган.

Бухоро Иқтисодий Кенгаши ташаббуси билан 1921 йил 20 ноябрда РСФСР Савдо халқ комиссарлигининг Ўрта Осиёдаги вакили Николай Давидович Залсманов ва БХСР Савдо ва ишлаб чиқариш нозири Мирзо Абдулкодир Мухитдинов ўртасида савдо битими тузилган<sup>147</sup>. Битимга мувофиқ, Бухоро хукумати Фарбий Европа бозорларига РСФСР воситачилигига 200 минг дона қоракўл тери сотган. РСФСР хукумати қоракўл тери учун 200 минг сўм олтин пулда аванс берган, шунингдек, БХСР хукумати учун керакли бўлган бошқа маҳсулотларни етказиб беришни ўз зиммасига олган.

Бухоро Иқтисодий Кенгаши аҳолидан пахта хом ашёсими сотиб олиш учун ташкил этилган «Бухтекстил» фабрикаси устидан ҳам умумий назорат ўрнатган. Фабриканинг пахта қабул қиласидаги пунктлари Хатирчи, Калла, Кармана, Янгиқўрғон, Фиждувон, Вобкент, Эски Бухоро, Лақлақа, Когон,

<sup>143</sup> Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917 – 1924 йй.). – Тошкент: «Университет», 2002. – Б. 94 – 95.

<sup>144</sup> ЎзР МДА. 53-фонд, 2- рўйхат, 16-иш, 25-варак.

<sup>145</sup> ЎзР МДА. 53-фонд, 2- рўйхат, 10-иш, 60-варак.

<sup>146</sup> ЎзР МДА. 53-фонд, 2- рўйхат, 10-иш, 60-варак.

<sup>147</sup> ЎзР МДА. 53-фонд, 2- рўйхат, 16-иш, 102-варак.

Чоржүй, Карки, Термиз ва Шерободда очилган. Ушбу пунктлар 1921 йилда аҳолидан маҳаллий пахта хом ашёсини 225. 000 пуд, америка навли пахта хом ашёсини 57. 000 пуд, жами 282. 000 пуд пахта ҳосилини қабул қиласкан<sup>148</sup>.

Демак, кўриниб турибдики, Бухоро Иқтисодий Кенгаши БХСРдаги иқтисодий ислоҳотларда асосий қўрсатмаларни Марказ манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширган. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг тараққиёти учун ҳам айрим ишларни қиласкан.

Лекин большевиклар бу билан қаноатланмасдан, Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётини умумийлаштириш ва улар иқтисодиёти устидан умумий назоратни ўрнатиш мақсадида 1923 йил 5 – 9 марта Тошкентда Туркистон, Бухоро, Хоразм Республикаларининг биринчи иқтисодий конференциясини чақирган. Мазкур конференциянинг 1923 йил 9 марта даги охирги мажлисида учта республикани иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиниб, Тошкентда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгashi (СЭС) ташкил қилинди<sup>149</sup>.

1923 йил 30 июнда БХСР ҳукумати Туркистон, Бухоро, Хоразм Республикаларининг биринчи иқтисодий конференцияси (1923 йил 5 – 9 март) қарорларидан келиб чиқиб, Бухоро Мехнат ва мудофаа кенгашини Бухоро Иқтисодий Кенгашига қайта айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳақда БХСР ҳукумати қарорида шундай дейилади: «1923 йил 5 – 9 марта даги Ўрта Осиё республикалари иқтисодий конференцияси қарорига кўра БХСР Халқ Нозирлар Шўроси хузурида Бухоро Иқтисодий Кенгashi қайта ташкил қилинсин»<sup>150</sup>.

Бухоро Иқтисодий Кенгашининг умумий мақсад ва вазифалариға қуйидагилар кирган:

1. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгashi қарорига кўра, Бухоро Иқтисодий Кенгashi Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси хузурида

<sup>148</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 2-рўйхат, 17-иш, 69-варак.

<sup>149</sup> Ражабов К., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917 – 1924 йй.)... – Б. 74.

<sup>150</sup> ЎзР МДА. 2027-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 63-варак.

халқ хұжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар устидан умумий наурагат үрнатувчи олий орган ҳисобланади<sup>151</sup>.

2. Бухоро Иқтисодий Кенгаши БХСРнинг Олий хұжалик органи бўлиб, ўз фаолияти тўғрисида Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси ва Бухоро Марказий Ижроия Кўмитасига ҳисбот беради.

3. Бухоро Иқтисодий Кенгаши қарорларининг бажарилиши БХСРдаги барча муассасаларга тегишли бўлиб, уларнинг бажарилиши Халқ Нозирлар Шўроси ва Марказий Ижроия Кўмитасига томонидан назорат қилинади.

4. Бухоро Иқтисодий Кенгаши БХСР ҳудудида ягона хұжалик режаларини тадбиқ этишда, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши қарорлари ва БХСР билан СССР, ТАССР ва XXСР ўртасида тузилган шартнома ва келишувлар асосида амалга оширади<sup>152</sup>.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши қарорлари маҳаллий шароитга тўғри келмаса, Бухоро Иқтисодий Кенгаши, Халқ Нозирлар Шўроси ва Марказий Ижроия Кўмитаси билан келишган ҳолда, унинг ижросини тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлган.

Кўриниб турибдики, Бухоро Иқтисодий Кенгаши Халқ Нозирлар Шўроси ҳузуридага Олий хұжалик органи ҳисобланиб, БХСР ҳудудида ўтказиладиган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳал қилувчи овозга эга бўлган. Албатта, бу ислоҳотлар Марказ ва унинг Ўрта Осиёдаги таянчи бўлган Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши кўрсатмаларига мувофиқ олиб борилган. Мисол тариқасида, 1923 йил 24 ноябрда Бухоро Иқтисодий Кенгашининг навбатдаги мажлисида кўрилган масалалардан бири вақф бошқармасининг молиявий фаолиятини текшириш борасида тўхталиб ўтилган. Мажлис қўйидагича қарор чиқарган: Раҳмат Рафиқов, Қори Йўлдош Пўлатов ва Мусажоновларни вақф бошқармаси чиқимларини текшириш, кейинги молиявий ишлар лойиҳасини кўриб чиқиш, ҳар қандай сабабларга кўра вақф бошқармаларига марказ ёки жойларда

<sup>151</sup> ЎзР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 13-варак.

<sup>152</sup> ЎзР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 13-варак.

кассаларга эга бўлмаслик, барча маблағларни марказий банкда сақлаш топширилган. Чунки вақф ерлари бошқаруви Маориф нозирлигига юклатилган эди. Советлар вакфлардан тушадиган фойдани ўз назоратларига олишни мўлжаллаган.

Бухоро Иқтисодий Кенгашининг тузилиши қўйидагича бўлган<sup>153</sup>:

а) Бухоро Иқтисодий Кенгашига раис раҳбарлик қилган, у ўз навбатида Марказий Ижроия Қўмитаси кўрсатмасига кўра Халқ Нозирлар Шўроси раисининг ўринbosари ҳисобланган;

б) Халқ Нозирлар Шўроси кўрсатмасига кўра, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг вакили раис ўринbosари бўлган;

в) Халқ Нозирлар Шўроси кўрсатмасига кўра, Давлат режа қўмитасидан бир вакил унга кирган.

Бухоро Иқтисодий Кенгаш қўйидаги бўлимлардан ташкил топган:

1. Савдо ва ишлаб чиқариш қўмитаси.
2. Ер ишлари қўмитаси.
3. Ички ишлар қўмитаси.
4. Давлат назорат қўмитаси.
5. Молия қўмитаси<sup>154</sup>.

Шунингдек, СССР халқ комиссарликларининг жойлардаги вакиллари ўз ваколат доирасига кўра Иқтисодий Кенгаш мажлисида қатнашиш, маслаҳат кенгashi таркибиغا кириш хуқукига эга бўлган. 1923 йили Бухоро Иқтисодий Кенгашининг раиси Абдулқодир Мухитдинов<sup>155</sup>, 1924 йилда Гайсинский бўлган. 1922 йил сентябрдан 1923 йил январгача Бухоро Иқтисодий Кенгashi ўрнида Мехнат ва Мудофаа Кенгashi ташкил қилиниб, унда А. Фитрат раис вазифасини бажарган. Бухоро Иқтисодий Кенгашининг раиси, унинг ўринbosари, Давлат режа қўмитаси ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгashi вакиллари биргалиқда Иқтисодий Кенгаш Ҳайъатини ташкил қилган.

<sup>153</sup> ЎзР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 14-варак.

<sup>154</sup> История Бухарской Народной Советской Республики... – С. 374.

<sup>155</sup> Бухоро вилоят давлат архиви (Бухоро ВДА), 36-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 131-варак.

Үшбу ҳайъат кундалик ва фавқулодда масалаларни ҳал қилиш хукуқига эга бўлган.

Бухоро Иқтисодий Кенгаши хўжалик ва маъмурий-бошқарув соҳаларидағи ислоҳотларда иқтисодиёт нозирликлари ва бошқармалар, кези келганда, бошқа нозирликлар, ҳатто давлат иazorати, ички ишлар нозирлиги фаолиятидан ҳам фойдаланган. Жумладан, 1923 йил 1 январдан иш бошлаган Рус-Бухоро пахтачилик ширкати<sup>156</sup> ҳам Бухоро Иқтисодий Кенгашига ҳисобот бериб турган.

Рус-Бухоро пахтачилик ширкати БХСРдаги пахтачиликни юксалтириш мақсадида ташкил қилинган бўлиб, биринчи навбатда пахта экишни тўғри йўлга қўйиш, уни дехқонлардан сотиб олиш, хом ашёни Марказга етказиб бериш, пахтакор дехқонларга агрономлик ёрдамини бериш, уруғликни саралаш, сувдан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш, ирригация тизимиши яхшилашдан иборат бўлган. Умуман олганда, БХСРдаги пахтачилик устидан Марказнинг умумий назоратини ўрнатиш бўлган.

Ширкат муассислари Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси ва РСФСР Бош пахта қўмитаси ҳисобланган. Ширкатнинг асосий маблағи бир ярим миллион олтин рублда бўлиб, 10 та пайчилик ширкатига бўлинган. Маблагнинг 750 минг рубли Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси ва 750 минг рубли РСФСР Бош пахта қўмитаси фондидан ажратилган<sup>157</sup>.

Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси ширкатга БХСР ҳудудидаги барча пахта тозалаш ва ёғ заводларини беш йил муддатга ишлатиш учун берган. Муддат тугагач, ширкат заводларни тўлиқ таъмирлаши ва яроқли ҳолда Бухоро ҳукуматига топшириши керак бўлган.

Ширкат бошқаруvida 4 та директор бўлиб, Бухоро Халқ Нозирлар Шўросидан ва РСФСР Бош пахта қўмитасидан иккитадан номзод белгиланган. Раис этиб А. С. Гуревич, ўринбосар

<sup>156</sup> ЎзР МДА, 75-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 1-варак.

<sup>157</sup> ЎзР МДА, 75-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 1-варак.

этис Ратнер тайинланган (иккаласи ҳам РСФСР Бөш пахта құмитаси вакили)<sup>158</sup>.

Ширкатнинг бутун фаолиятига раислар ва үринбосарлар раҳбарлик қилған бўлиб, мажлислар бир ойда бир марта, ширкатнинг барча аъзолари иштирокида бўлиб ўтган. Ширкат ташкил топгач, ташкилотчилар маблагнинг учдан бир қисми ни дарҳол ажратиши керак бўлган, қолган қисми низом бўйича ажратилган. Ширкат низомини маҳсус комиссия ширкат фаолият бошлагандан сўнг икки ҳафта ичида ишлаб чиқиши керак бўлган.

Ширкат фаолиятига тўхтадиган бўлсак, 1923 йил 20 октябрда бўлган навбатдаги ширкат мажлисида ўша йилнинг 1 февралидан то 15 октябригача қилинган ишлар борасида ҳисобот берилган. Унга кўра, биринчи навбатда, ўтган йилги сотилмай қолган пахта ҳосили ширкат томонидан сотиб олинган, уруглик ажратилган ва нон танқис ҳудудларга нон тарқатиш йўлга қўйилган.

Экин ишлари тугагач, ширкат идораси статистик маълумотларга таяниб, экин майдонларининг 1923 – 1924 йилги режасини кўриб чиққан. Мўлжалланган ҳосилнинг миқдоридан келиб чиқиб, ширкат учта заводни таъмирлаши ва Қоракўл станциясида битта янги пахта тозалаш заводи қуриши керак бўлган<sup>159</sup>.

1923 – 1924 йилги хўжалик режасига кўра, БХСРдаги умумий пахта экиладиган майдон 80. 000 танобни ташкил қилган. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар бир танобдан 20 пуд пахта ҳосили олинган, шундан умумий ҳосил миқдори 1. 600. 000 пудни ташкил қилган. Ундан ташқари дехқонларнинг қўлида ўтган йилги сотилмай қолган 200. 000 пуд пахта ва бошқа ташкилот ва муассасалар томонидан сотиб олинган ва қайта ишланмаган ҳосил 200. 000 пуд пахтани ташкил қилган<sup>160</sup>. Шундай қилиб, 1923 – 1924 хўжалик йилида 2 миллион пуд пахта ҳосили оли-

<sup>158</sup> ҮзР МДА, 75-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 1-варак.

<sup>159</sup> ҮзР МДА, 75-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 1- варакнинг оркаси.

<sup>160</sup> ҮзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 40-варак.

ниб, ундан 500 минг пуд тола олиш мүлжалланган. Юқоридағи толани олиш учун 6 та пахта тозалаш заводи керак бўлган. Ширкат тасарруфида 4 та пахта тозалаш заводи бўлиб, БХСР ишлаб чиқариш бўлими тасарруфидаги 2 та завод ҳам тола олишда ширкатга ёрдам берган<sup>161</sup>.

1923 йил 15 октябргача ширкат ўтган йилги маҳаллий пахта ҳосилидан 71. 682 пуд, бу йилги пахта ҳосилидан 71. 274 пуд, америка навли пахта ҳосилидан 1634 пуд харид қилинган. Бундан ташқари ўтган йилги толадан 30. 533 пуд, бу йилги толадан 1500 пуд, америка навли пахта толасидан 500 пуд, қўлда ишланган пахта толасидан 104 пуд харид қилинган. Сотиб олинган ҳосилдан 52. 192 пуд пахта толаси дарҳол Москвага жўнатилган ва ҳар бир пудга 3 рублдан хақ тўланган<sup>162</sup>.

Рус-Бухоро нахтичилик ширкати БХСРда пахтадан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун аввало америка навли пахта стиштиришни кўпайтириш чораларини кўриб чиқсан, чунки америка навли пахта маҳаллий пахтадан ўзининг сифати билан ажralиб турган. БХСРда доимий равишда америка навли пахта етиштириш учун аввало сувдан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш керак эди. Бунинг учун биринчи навбатда Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги Зарафшон дарёсининг сувини тўғри тақсимлаш ва магистрал каналларни таъмиглаш керак бўлган, чунки Самарқанддан олинган сувлар кўзланган манзилга етиб бормаган.

Ширкат америка навли пахта экиладиган майдонларни кўпайтириш учун қуидаги тадбирларни амалга ошириши керак эди:

а) Бухоро ва Самарқанд ўртасидаги сув масаласини ҳал қилини, ўз навбатида БХСР худудидаги барча ирригация тизимиши таъмилаш;

б) ТАССРдан ўrnak олиб, америка навли пахта эккан дәққонларни солиқлардан озод қилиш;

<sup>161</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 40- варак.

<sup>162</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 48а-иш, 35-варак.

в) ТАССР ҳукумати билан энг сифатли америка навли пахта уруғини етказиб бериш борасида битим тузиш ва уругни 1924 йил февраль ойининг бошларига қадар етказишни таъминлаш<sup>163</sup>.

Мавжуд режага кўра, туманларнинг имкониятларини ҳисобга олиб, америка навли уруг куйидагича тақсимланган:

- |                            |                            |
|----------------------------|----------------------------|
| 1) Зирабулукқа 5 минг пуд, | 6) Чоржўйга 5 минг пуд,    |
| 2) Карманага 4 минг пуд,   | 7) Каркига 1 минг пуд,     |
| 3) Когонга 2 минг пуд,     | 8) Зиёвуддинга 4 минг пуд, |
| 4) Қизилтепага 3 минг пуд, | 9) Шахрисабзга 1 минг пуд, |
| 5) Термизга 2 минг пуд,    | 10) Саройга 1 минг пуд.    |

Ҳаммаси бўлиб, 27 минг пуд уруғ жўнатилиб, 28 – 30 минг таноб ерга пахта уруғи (чигит) экиш ҳисобга олинса, 400 минг пуд пахта хом ашёси олиш кўзда тутилган<sup>164</sup>.

Шу тариқа америка навли пахта етиштиришни кўпайтириш орқали Марказ пахта хом ашёсига бўлган талабни республикалар ҳисобидан қондиришни мўлжаллаган.

Ширкат ўз навбатида бўш ётган ерларни ўзлаштириш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширган. Жумладан, 1923 – 1924 йилги режада Чоржўй, Фороб ва Кармана туманларидағи қаровсиз ётган минг десятина ерга экин экиш кўзда тутилган. Карманадан 14 верст узокликда Зарафшон дарёси бўйида хусусий тадбиркорлар томонидан сув чиқарувчи иншоот курилган бўлиб, у 1400 таноб ерни сугорган. Кейинчалик у қаровсиз қолиши натижасида ишдан чиққан. Ширкат иншоотни таъмирлашни ўз зиммасига олган, натижада ўша ҳудудлардаги дехконларга бир қатор енгилликлар яратилган.

Амударё бўйидаги Чоржўй ва Фороб туманлари ҳудудида жуда кўп ўзлаштирилмаган ерлар мавжуд бўлиб, у ерга сув чиқариш бирмунча осон бўлган. Ширкат бу ерларда ариқлар қазиб сув чиқарган, натижада янги очилган ерлар чорикорлар-

<sup>163</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 48а-иш, 38-варак.

<sup>164</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 48а-иш, 38-варак.

га фойдаланишга топширилган. Бу ерларга күпроқ пахта экилган<sup>165</sup>.

Бундан ташқари пахтакорларни америка навли пахта экишга жалб қилиш мақсадида уларга Қишлоқ хўжалик банки орқали имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилган. Шунингдек, ширкат ирригация тизимини яхшилаш мақсадида насослар орқали пахта экин майдонларини суғоришни йўлга қўйиши керак эди. 1924 йил 30 августда бўлган ширкатнинг навбатдаги мажлисида пахтачилик туманларидағи дәҳқонларга нон фонди орқали пахта мавсумида арzon нон билан таъминлаш масаласи кўрилган. Бу иш ширкатнинг савдо бўлими зиммасига юклатилиб, 1 рубл 20 тийиндан ғалла етказиб бериш кўзда тутилган. Чунки пахта мавсумида галланинг нархи ошиб кетган. Ундан кейинги масала дәҳқонларга ёғ ва ун каби маҳсулотлар етказиб бериш учун арzon нархларда савдо қилувчи дўконлар очиш кўзда тутилган<sup>166</sup>.

1924 йил 15 майда Бухоро Савдо ва саноат нозирлигидан Абдусатторов билан Рус-Бухоро пахтачилик ширкатидан Моисей Гейлиг ўртасида шартнома имзоланган. Шартномага кўра, Савдо ва саноат нозирлиги Рус-Бухоро пахтачилик ширкатига Эски Бухорода Имом дарвозаси ёнидаги 2-Давлат тери заводини 5 йил муддатга имтиёзли шартларга ижарага бериш кўзда тутилган. Ижара муддатини узайтириш учун муддат туғашидан 6 ой олдин ширкат нозирликка ариза билан мурожаат қилиши керак эди. Ширкат ҳар йили нозирликка 5 минг рубл ижара ҳақи тўлаган<sup>167</sup>.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, Рус-Бухоро пахтачилик ширкати БХСРдаги пахтачиликни юксалтириш, уни Марказ манфаатларига бўйсундириш, етиштирилган барча пахта хом ашёсини Марказга етказиб бериши керак эди, унинг бажарилишини Бухоро Иқтисодий Кенгаши назорат қилиб турган. Бухоро Иқтисодий Кенгаши режа ва ҳисоб-китоб

<sup>165</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 48а-иши, 39-варак.

<sup>166</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 52-иши, 151-варак.

<sup>167</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 48а-иши, 103-варак.

материаларини ишлаб чикиш учун ўз хузурида Давлат режа қўмитасини тузган. Давлат режа қўмитаси Бухоро Иқтисодий Кенгаши кўрсатмасига кўра фаолият олиб борган.

Бухоро Иқтисодий Кенгаши Ўрта Осиё республикалари иқтисодий конференцияси қарорига кўра, жойларда хўжалик бўлимлари ижроия қўмиталари, иқтисодий нозирликлар ва иқтисодий кенгаш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш, раҳбарлик қилиш учун вилоят иқтисодий кенгашларини ташкил қилган<sup>168</sup>.

Бу масала 1923 йил 15 августдаги Бухоро Иқтисодий Кенгашининг навбатдаги мажлисида қўрилган. Унда вилоят иқтисодий кенгашларининг тузилиши, таркиби, мақсад ва вазифалари белгилаб берилган. Иқтисодий Кенгаш таркиби беш кишидан иборат бўлган ва улар қўйидаги вазифаларни бажарган: 1) вилоят ижроия комитетининг раиси ёки унинг ўринбосари – кенгаш раиси сифатида; 2) вилоят партия қўмитасидан вакил; 3) молия инспекциясидан вакил; 4) Давлат режа қўмитасидан вакил; 5) ҳал қилувчи овозга эга бўлган вилоят статистика бўлимидан вакил – у ўз навбатида техник инспектор вазифасини бажарган<sup>169</sup>.

Вилоят иқтисодий кенгашлари вазифасига қўйидагилар кирган:

1) барча маҳаллий идораларнинг ҳар ярим ойлик ҳисоботларини тўплаш, уларнинг фаолиятини текшириш;

2) идоралардан олинган маълумотларни ҳар ойнинг 8-кунига қадар қўйидаги тартибда Бухоро Иқтисодий Кенгашига жўнатиш:

- а) вилоятдаги барча идоралар ишчи-ходимларининг рўйхати;
- б) умумдавлат солик ва йигимларнинг ҳисоботи;
- в) аҳолидан йигиб олинган соликлар миқдори;
- г) вилоятдаги маҳаллий идоралар томонидан ишлатилган пул маблағлари;

<sup>168</sup> ЎзР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 14-варак.

<sup>169</sup> ЎзР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 115-варак.

д) вилоят ва туманларда фаолият кўрсатувчи кредит ширкатлари;

е) вилоят қишлоқ хўжалиги ҳақида умумий маълумот, яъни ўтган ойдаги ҳосил йиғими борасидаги қилинган ишлар, зарур озиқ-овқатларнинг нархи, ерларни ижарага бериш ҳақидаги битимлар, мавжуд ишчи кучи ҳақида, аҳолининг чорва моллари билан таъминланганлиги, иш ҳайвонларининг нархи, уларнинг касалланиши ва унинг олдини олишга қарши чора-тадбирлар;

ж) ўтган ойдаги ирригация тизимининг ҳолати ва экинларни сув билан таъминлаш;

з) вилоятдаги давлатга қарашли ёки шахсий корхоналар сони (кимга қарашли, қайси ҳудудда ёки нима ишлаб чиқаради);

и) бозорлар тўғрисида умумий маълумот, қайси бозорларда савдо ҳар куни бўлади, қайси маҳсулотга талаб катта, қайси маҳсулот сотилмайди ва унинг сабаблари;

к) аҳолининг ҳозирги эҳтиёжи, порахўрлик ҳақидаги аризалар;

л) умуман олганда, вилоят хўжалик ҳаётига доир барча маълумотлар<sup>170</sup>.

Демак, вилоят иқтисодий кенгашларини тузишдан асосий мақсад республика қуий бўғинларидаги барча соҳаларда бошқарувни қўлга олиш бўлган. Шунинг учун ҳам вилоят иқтисодий кенгашлари раислари ўз ваколатларидан келиб чиқиб хўжалик ҳаётидаги барча соҳалар борасида маълумотларни Бухоро Иқтисодий Кенгашига етказиб турган.

Тақдим этилган маълумотлар учун вилоят иқтисодий кенгashi раиси жавобгарликни ўз бўйнига олади. Вилоят иқтисодий кенгashi яна Бухоро Иқтисодий Кенгашига ярим йиллик хисоботни қуийдаги тартибда тақдим этиши керак бўлган:

I. Қишлоқ хўжалигида:

1) экин майдонларининг миқдори: а) солиқ идоралари маълумотига кўра; б) бошқа манбалар (масалан, сув хўжалиги маълумотига кўра);

<sup>170</sup> ЎЗР МДА, 49- фонд. 1-рўйхат, 5-иш, 102-варак ва унинг оркаси.

2) вакф ерларининг майдони, жойлашган ҳудуди, даромади;  
3) чорва миқдори (майда ва йирик шохли қорамоллар, отлар, туялар ва ҳ. к.)<sup>171</sup>.

## II. Саноат ишлаб чиқариш соҳасида:

1) мавжуд корхоналар сони, қайси давлат органи тасарруфида, жойлашган ҳудуди, асбоб-ускуналари, ижарага берилганилиги ва ҳ. к;

2) шахсий корхоналари сони: а) йирик фабрика ва заводлар; б) майда корхоналар; в) ҳунармандчилик артеллари<sup>172</sup>.

## III. Савдо соҳасида:

бозорларнинг жойлашган ҳудуди, сони ва бозор кунлари ҳақида;

а) солик идоралари маълумотига кўра;

б) бошқа манбалардан.

## IV. Молия ва солик соҳасида:

барча турдаги давлат ва маҳаллий солик ҳамда йигимларнинг ярим йиллик ҳисоботи;

а) туманларда; б) вилоятларда (смета бўйича)<sup>173</sup>.

## V. Бошқарув идоралари соҳасида:

вилоят ва туман ижроия қўмиталари таркиби;

а) раҳбар ходимларнинг партияга аъзо ёки аъзо эмаслиги; б) идора ходимларининг сони (лавозими бўйича); в) милиционерлар сони (отлиқ ва пиёдалар)<sup>174</sup>.

## VI. Соглиқни сақлаш соҳасида:

а) туманлардаги даволаш муассасаларининг сони ва жойлашган ўрни, врачлар сони, асбоб-ускуналар, каравотлар сони;  
б) вилоятдаги касалликлар ва рақаси, касалхонадаги беморлар сони ва бошқалар.

## VII. Суд соҳасида:

суд идораларининг сони ва жойлашуви, ҳалқ судлари, қозиликлар, терговчилар, прокурорлар.

<sup>171</sup> УзР МДА, 49- фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 104-варак.

<sup>172</sup> УзР МДА, 49- фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 104-варак.

<sup>173</sup> УзР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 105-варакнинг оркаси.

<sup>174</sup> УзР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 115-варакнинг оркаси.

### VIII. Халқ таълими соҳасида:

туманлардаги мактаблар сони (бошлангич ва ўрта мақтаблар). Бундан ташқари ҳар бир миллат мактаблари сони, масалан, ўзбек, тожик, туркман мактаблари ва ҳ. к.

Шунингдек, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб кетиши ва келиши (қаерга ва нима сабабдан) ҳамда вилоятнинг ҳозирги хўжалик ва молиявий аҳволи ҳақида маълумотлар<sup>175</sup>.

Тақдим этилган ярим йиллик ҳисобот бўйича жавобгар шахс вилоят иқтисодий кенгаши раиси ҳисобланади. Ҳисобот жорий йилнинг 1 ноябригача берилиши кўзда тутилган.

Кўриниб турибдики, вилоят иқтисодий кенгашлари ҳам Бухоро Халқ Совет Республикаси хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги ислоҳотларни амалга оширишда энг қуи орган ҳисобланган. Вилоят иқтисодий кенгаши ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, барча тўпланган маълумотларни Бухоро Иқтисодий Кенгашига тақдим этган. Бундан ташқари, Бухоро Иқтисодий Кенгаши вилоят иқтисодий кенгашлари каби маҳаллий идоралар устидан умумий назоратни ўз қўлига олган. Мисол тариқасида, 1924 йил ёзида Бухоро Иқтисодий Кенгаши вилоят, туман ижроия қўмиталари раисларига мурожаат қилиб, ушр ва закот солиқлари йигимини ўз вақтида тугатишни талаб қилган ҳамда унинг назоратини вилоят иқтисодий кенгашларига юклатилиши тўғрисида қарор чиқарган<sup>176</sup>.

Кармана вилоят иқтисодий кенгашининг Бухоро Иқтисодий Кенгашига 1924 йил 15 августда юборган ҳисоботини кўриб чиқадиган бўлсак, умумий экин экиладиган ерлардан пахта майдонлари 20%, ғалла экиладиган майдонлар 35%, моллар учун ем-хашак экилган майдонлар 15% бўлиб, қолган 35% майдонга кунжут, жўхори ва бошқа экинлар экилган<sup>177</sup>. Вилоятда хунармандчилик турларидан газмол тўкиш, кулолчилик ва темирчилик билан шуғулланилган.

<sup>175</sup> ЎзР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 103-варак.

<sup>176</sup> ЎзР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 11-варак.

<sup>177</sup> Бухоро ВДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 107-иш, 1-варак.

Бухоро савдо-тижорат бўлими томонидан 3334 та қоракўлери, 2440 пуд жун, 2500 дона тери тўпланган. Кармана вилояти иқтисодий кенгаши ташкил этилгунга қадар бозорлардан фойдаланганлик учун бир ойда 1200 сўм тушган, кейин эса 3200 сўм йигилган, Хатирчи ва Зиёвуддин туманларидағи бозорлардан олдин 2400 сўм тушган, кейин эса 3730 сўм йигилган<sup>178</sup>.

Вилоятда битта пахта тозалаш заводи мавжуд бўлиб, у Давлат пахта қўмитасига бўйсунган, почта-телеграф алоқаси вилоятда мавжуд бўлмаган, фақат ҳарбий телеграф линияси бўлган. Кармана вилоятидаги хабарлар марказга (пойтахт Бухорога) қийинчилик билан етиб келган<sup>179</sup>.

Чоржўйдаги вилоят иқтисодий кенгаши 1922 йил 25 октябрда ташкил этилган бўлиб, 1923 йилдаги маълумотларга кўра, вилоятда 318700 таноб ер бўлган. Шундан 17000 таноб ер бодорчиликка ажратилган, яроқсиз ерлар 15400 танобни ташкил қилган, галла экилган ерлар 99000 таноб, арпа 18000 таноб, тариқ 42000 таноб, жўхори 38000 таноб, мош 10000 таноб, кунгабоқар 21000 таноб, пахта 1300 таноб, гуруч 23000 таноб, полиз экинлари 33000 таноб ва бошқа экинлар 12000 танобни ташкил қилган<sup>180</sup>.

Чорва сони эса Чоржўй вилоятида қуйидагича бўлган: туялар 5800, корамол 25600, коракўл қўйлар 17400, қозоқи қўйлар 13800, эчкilar 42000 бош бўлиб, умумий сони 408. 800 бош чорва моллари бўлган<sup>181</sup>.

Пахтачиликни юксалтириш мақсадида Чоржўй вилоят иқтисодий кенгаши томонидан 12 та қишлоқ хўжалик кредит ширкатлари ташкил қилиш мўлжалланган. Бунинг учун давлат томонидан 601000 сўм ажратилган<sup>182</sup>.

<sup>178</sup> Бухоро ВДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 107-иш, 2-варак.

<sup>179</sup> Бухоро ВДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 107-иш, 3-варак.

<sup>180</sup> Бухоро ВДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 108-иш, 134-варак.

<sup>181</sup> Бухоро ВДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 108-иш, 134-варак.

<sup>182</sup> Бухоро ВДА 36- фонд, 1-рўйхат, 108- иш, 135-варак.

Умуман олганда, БХСР вилоятларида чорва қуидаги тақсимланган:

а) Шарқий Бухорода отлар 8500 бош, туялар 500 бош, қорамол 42600 бош, қозоқи қўйлар 88000 бош, эчкилар 32000 бош, эшаклар 2800 та, жами 174. 400 бош;

б) Ғузорда отлар 12400 бош, туялар 400 бош, қорамол 38200 бош, қоракўл қўйлар 18000 бош, қозоқи қўйлар 140000 бош, эчкилар 86000 бош, эшаклар 8100 та, жами 303.100 бош<sup>183</sup>;

в) Кўлобда отлар 11700 бош, туялар 1100 бош, қорамол 25600 бош, қоракўл қўйлар 17400, қозоқи қўйлар 13800, эчкилар 42000 бош, эшаклар 15400 та, жами 127. 000 бош;

г) Шерободда отлар 2800 бош, туялар 1200 бош, қорамол 4300 бош, қоракўл қўйлар 21000 бош, қозоқи қўйлар 16000 бош, эчкилар 23000 бош, эшаклар 3500 та, жами 71800 бош<sup>184</sup>;

д) Зарафшонда отлар 4300 бош, туялар 4900 бош, қорамол 70.000 бош, қоракўл қўйлар 293.000 бош, қозоқи қўйлар 128.000 бош, эчкилар 36.000 бош, эшаклар 44.800 та, жами 581.000 бош;

е) Қашқадарёда отлар 5100 бош, туялар 4300 бош, қорамол 24. 600 бош, қоракўл қўйлар 337.000 бош, қозоқи қўйлар 219.000 бош, эчкилар 68.000 бош, эшаклар 13.500 та, жами 671.500 бош бўлган<sup>185</sup>.

Бухоро Иқтисодий Кенгаши ҳузурида Халқ Нозирлар Шўроси тасдиқлаган ижтимоий-суғурта қўмитаси ва фавқулодда ҳолатлар учун олий тариф қўмитаси ташкил қилинган.

<sup>183</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ архиви (Российской государственной архив экономики, ф. 4372, оп. 15, д. 460, л. 113).

<sup>184</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ архиви (Российской государственной архив экономики, ф. 4372, оп. 15, д. 460, л. 113).

<sup>185</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ архиви (Российской государственной архив экономики, ф. 4372, оп. 15, д. 460, л. 113).

Шунингдек, Бухоро Иқтисодий Кенгаши мамлакатда хўжалик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда Халқ Нозирлар Шўроси ҳузуридаги Иқтисодиёт, Ички ишлар ва Давлат режа қўмитаси нозирликлари фаолиятидан фойдаланган. Бундан ташқари, Бухоро Иқтисодий Кенгаши иш ўринларини тасдиқлаган, фавқулодда пул маблаглари эса Бухоро Иқтисодий Кенгашининг алоҳида маблағларидан ажратилган.

Бухоро Иқтисодий Кенгаши ўз муҳрига эга бўлган<sup>186</sup>. Бухоро Иқтисодий Кенгашининг вазифалари куйидагилардан иборат бўлган<sup>187</sup>:

а) БХСРдаги ягона молиявий хўжалик режаларини кўриб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш;

б) хўжалик қурилиши борасида ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш жараённида барча нозирликлар ҳамда идоралар устидан раҳбарлик қилиш;

в) БХСРнинг хўжалик режаларини ишлаб чиқишида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши, Бухоро Марказий Ижроия Кўмитаси, Халқ Нозирлар Шўроси қарорларига мос равишда уни олиб бориш ва Марказ ҳамда жойларда ислоҳотлар ўтказишни кузатиш ва назорат қилиш;

г) БХСРдаги барча идораларнинг халқ хўжалик соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш, бундан ташқари моддий ресурслардан керакли мақсадларда ва қонуний асосда фойдаланиш<sup>188</sup>;

д) Бухоро Иқтисодий Кенгаши, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши қарорларига мос равишда БХСРнинг хўжалик режаларини ишлаб чиқиш, уни республиканинг жойлардаги иқтисодий кенгашлар режалари билан мувофиқлаштириш<sup>189</sup>;

е) Бухоро Иқтисодий Кенгаши СССР ва БХСР ўртасидағи қарор ва келишувларни бажариш жараёнидаги муаммолар юзасидан Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашига тўғридан-тўғри

<sup>186</sup> ЎзР МДА. 49-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 15-варак.

<sup>187</sup> ЎзР МДА. 49-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 19-варак.

<sup>188</sup> ЎзР МДА. 49-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 19-варак.

<sup>189</sup> ЎзР МДА. 49-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 23-варак.

мурожаат қилиши ва бу ҳақда БХСР Халқ Нозирлар Шўроси ва Марказий Ижроия Кўмитасига билдириши керак бўлган;

ж) БХСРнинг марказ ва жойлардаги органлари ҳамда РСФСР маҳаллий органларининг Бухородаги хўжалик режаларининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

з) Халқ Нозирлар Шўроси ва Марказий Ижроия Кўмитаси ҳамда Ўрта Осиё Иктиносий Кенгаши қизиқтирган масалалар бўйича қонун доирасидаги режа ва келишувларни тузишда ташаббус кўрсатиш ва бу режаларни Халқ Нозирлар Шўроси ва Марказий Ижроия Кўмитасига тасдиқлаш учун тақдим этиш;

и) БХСР худудидаги акциядорлик жамиятларининг низомларини тасдиқлаш<sup>190</sup>;

к) Халқ Нозирлар Шўроси ва вилоят иктиносий кенгашлари ўртасида зиддиятли муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг қарорларини вактинча тўхтатиш хукукига эга бўлган.

Бухоро Иктиносий Кенгаши мақсад ва вазифаларига кўра куйидаги хукуқларга эга бўлган<sup>191</sup>:

а) маҳаллий нозирликлар, идоралар ва бошқармаларга, хўжалик соҳаларига мувофик режа ишлаб чиқишни тайинлаш ва тасдиқлаш;

б) керакли вақтда БХСРнинг хўжалик режаларига тахминий ўзгаришлар киритиш, моддий ресурслар, ишчи кучи ва пул маблағларини қайтадан тасдиқлаш;

в) хўжалик соҳасидаги фаолиятидан келиб чиқиб қарор ва фармойишлар бериш;

г) БХСРнинг хўжалик бўлимлари ва давлат назорати республика мудофааси нозирликлари билан тафтиш қилиш<sup>192</sup>;

д) барча турдаги мол-мулкларни хатга олиш, мусодара қилиш, давлат ерлари ва бошқа турдаги мулкларни ижарага бериш режасини ишлаб чиқиш;

<sup>190</sup> ЎзР МДА, 49-фонд. 1-рўйхат, 1-иш, 24-варак.

<sup>191</sup> ЎзР МДА, 49-фонд. 1-рўйхат, 1-иш, 20-варак.

<sup>192</sup> ЎзР МДА, 49-фонд. 1-рўйхат, 1-иш, 16-варак.

е) Бухоро Иқтисодий Кенгаши таркибига кирувчи трестлар низомини тасдиқлаш, давлат корхоналарини хўжалик ҳисобига ўтказиш ва ҳоказо<sup>193</sup>.

Хуллас, Бухоро Иқтисодий Кенгаши БХСРдаги бутун иқтисодиёт устидан назорат қилувчи олий иқтисодий ташкилот бўлган. Иқтисодий Кенгашлар жойларда ҳам худди шу вазифани бажарганлар. Бу ҳолат БХСРдан ташқари Туркистон АССР ва ХХСРда ҳам кузатилади.

Холоса қилиб айтганда, большевиклар БХСРда совет андо-засидаги жамият тузиш мақсадида аввал сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиб, сўнгра ёш мустакил республиканинг иқтисодий имкониятлари ва хом ашё заҳираларини Россия манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилди. Шунинг учун мамлакат иқтисодиёти устидан назорат ўрнатиш мақсадида 1921 йилда Бухоро Иқтисодий Кенгаши тузилди. 1922 йил сентябрдан 1923 йил июнигача Бухоро Иқтисодий Кенгаши ўрнида БХСР Мехнат ва Мудофаа Кенгаши ташкил қилиниб, унда А. Фитрат раис вазифасини бажарган. Бухоро Иқтисодий Кенгаши БХСР халқ хўжалигини ривожлантириш билан бирга республика халқ хўжалигини Марказ манбаатига бўйсундиришга астойдил ҳаракат қилган. Жумладан, Бухоро Иқтисодий Кенгаши таркибидаги иккита катта бўлимлардан ҳисобланган Рус-Бухоро пахтачилик ширкати ва вилоят иқтисодий кенгашлари фолиятини мисол келтириш мумкин. Пахтачилик ширкатининг асосий вазифаси республикадаги пахта заводларини ҳисобга олиш, мавжуд бузилган паха заводларини қайта ишга тушириш, дехқонлардан пахта хом ашёсини сотиб олиш, дехқонларга америка навли пахта уруғини етказиб бериш, иш куроллари ва маблағ билан таъминлаш вазифалари кирган. Бухоро Иқтисодий Кенгаши мамлакатдаги мавжуд ерларни ҳисобга олиб, улардан тушадиган даромад тўғрисида Марказга ҳисобот бериш, республикадаги барча нозирликлар устидан назорат ўрнатиб уларга кўрсатма бериш, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши

<sup>193</sup> ЎЗР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 24-варак.

кўрсатмаларининг бажарилишини назорат қилиш ваколатига ога эди. Вилоят иқтисодий кенгашлари жойлардаги бўлимлар ижроия қўмиталари, иқтисодий нозирликлар ва иқтисодий кенгаш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш, раҳбарлик қилиш учун тузилган. Вилоят иқтисодий кенгашлари ҳам БХСР хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидағи ислоҳотларни амалга оширишда энг қуи орган ҳисобланган. Вилоят иқтисодий кенгаши ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, барча тўпланган маълумотларни Бухоро Иқтисодий Кенгашнига тақдим этган. Бундан ташқари, Бухоро Иқтисодий Кенгаши вилоят иқтисодий кенгашлари каби маҳаллий идоралар устидан умумий назоратни ўз қўлига олган. Буни Иқтисодий Кенгашнинг мақсад ва вазифаларидан ҳам билиб олиш мумкин. Иқтисодий Кенгаши вазифаларига келсак, БХСРдаги ягона молиявий хўжалик режаларини кўриб чиқиш, БХСР хўжалик режаларини ишлаб чиқишида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши, Бухоро Марказий Ижроия Кўмитаси, Халқ Нозирлар Шўроси қарорларига мос равишда олиб бориш, Халқ Нозирлар Шўроси ва вилоят иқтисодий кенгашлари ўртасида зиддиятли муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг қарорларини вақтинча тўхтатиши, БХСРдаги барча идораларнинг ҳалқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш, бундан ташқари моддий ресурслардан керакли мақсадларда ва қонуний асосда фойдаланиш кирган. Бухоро Иқтисодий Кенгаши БХСРнинг иқтисодиёти устидан мунтазам назорат ўрнатувчи олий хўжалик органи ҳисобланган.

## **2. 2. БХСРдаги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Бухоро Иқтисодий Кенгашининг роли**

Большевиклар томонидан ташкил қилинган бир қатор ташкилот ва тузилмалар БХСРдаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда асосий роль ўйнаган. Жумла-

дан, Бухоро Иқтисодий Кенгаши ҳам худди шундай ташкилотлардан бири ҳисобланган.

Бухоро Иқтисодий Кенгаши дастлабки вақтларданоқ БХСР иқтисодиётининг ривожланиши учун хизмат қилган. Жумладан, 1922 йил 1 январдан Бухоро Иқтисодий Кенгашининг ташаббуси билан матбаа усулида қофоз пуллар чиқарилиб, у танга деб юритилган. Бирок инфляция туфайли 1922 йил апрелдан 1 танганинг курси 500 минг червонец, ноябрь ойида 850 минг червонецни ташкил қилган. 1922 йил 5 декабрдан 1000, 2500, 5000 сўмлик қофоз ақчалар чиқарилиб, у сўм деб юритилган<sup>194</sup>.

БХСР худудидаги экин экиладиган ерлар асосан Зарафшон дарёси суви билан сугорилган. Ўлкани сув билан таъминлаш муаммоси бир неча бор Туркистон АССР ва БХСР ўртасида мухокама қилинган, масалани ижобий ҳал қилиш учун иккала республика ҳукумати аъзоларидан иборат 3 кишилиқ, 5 кишилиқ комиссия ҳайъатлари тузилган<sup>195</sup>.

1922 йил августда БХСР Ер ишлари нозирлиги Бухоро Иқтисодий Кенгашига берган ҳисоботга кўра, Зарафшон дарёсидан БХСР худудидаги суғориладиган ерларга сув бериш учун ТАССРга 1921 – 1922 ҳўжалик или учун 35146 рубл ва 1000 пуд буғдой аванс сифатида берилган. Қуйи Жирқўл, Рухшобод, Ситораи Моҳи Хоса, Қўлба, Лайлақа, Бозорчи ҳудудларидағи кўлларни кайиқлар ёрдамида тозалаш ноябрь ойига мўлжалланган<sup>196</sup>.

1922 йил Бутун Бухоро ҳалқ вакилларининг III курултойида БХСР конституциясига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, марказий давлат идоралари қайти тузилди. Шу мақсадда БХСР Молия нозирлиги, Ер ишлари нозирлиги ва Бухоро Иқтисодий Кенгаши бирлаштирилиб, Олий Ҳалқ Ҳўжалик Кенгаши

<sup>194</sup> Раҳмонов К. Бухоро пул тизимининг даврий матбуотдаги талқини ( «Бухоро ахбори» ва « Озод Бухоро» газеталари материаллари асосида) // «XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро» мавзусидаги республика илмий назарий ашжуман материаллари. Бухоро, 2010. – Б. 128.

<sup>195</sup> Сув масаласи // Бухоро ахбори. 42-сон. 1921 йил 3 июль.

<sup>196</sup> ЎзР МДЛ. 47-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 79 – 80-вараклар.

(ВСНХ) ташкил этилди<sup>197</sup>. Бу Кенгашга раҳбарлик қилиш жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси А. Фитратга топширилди. Бу кенгаш айрим ҳужжатларда Бухоро Мөхнат ва Мудофаа Кенгаши деб ҳам юритилади.

Олий Халқ Хўжалик Кенгаши ҳам мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун қатор чора-тадбирларни амалга оширган. Масалан, 1922 йил 19 декабря Олий Халқ Хўжалик Кенгаши қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида 5 минг қорамолни камбағал дехқонларга бериш, ирригация тизими учун маблағ ажратиш, дехқончилик қуролларини сотиб олиб, уларни дехқонларга тарқатиш, шунингдек, дехқонларга ғалла, пахта ва арпа уругларини тарқатиш тўғрисида қарор чиқарган. Бунинг учун БХСР ҳукумати томонидан 5 млн сўм ажратилган<sup>198</sup>.

Олий Халқ Хўжалик Кенгаши 1923 йил июнда яна Бухоро Иқтисодий Кенгашига айлантирилган. БХСРдаги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Бухоро Иқтисодий Кенгашига асосий кўрсатмаларни Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши бериб турган. Чунки Россия империясининг вориси бўлган большевиклар раҳбарлигидаги совет Россияси вакиллари ҳам Ўрта Осиё республикаларига хом ашё базаси сифатида қарашган ва биринчи навбатда республикалар иқтисодиётини Марказ манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилган. Бу ҳолат Бухоро Иқтисодий Кенгаши томонидан ўтказилган турли мажлис ва йигилишларда кўзга аниқ ташланади.

1923 йил 23 августда бўлган Бухоро Иқтисодий Кенгашининг мажлисида кенгаш аъзоларининг тартиб-интизом масаласи кўриб чиқилди<sup>199</sup>. Мажлис қарорига кўра, мажлисга 15 минут кечиккан ёки умуман келмаган шахсларга: а) биринчи бор

<sup>197</sup> Ишанов А. Создание Бухарской Народной Советской республики (1920 – 1924 гг.). – Тошкент: Изд. АН Узбекской ССР, 1955. – С 116.

<sup>198</sup> ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 1-иш. 54-варак.

<sup>199</sup> ЎзР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 4-иш. 15-варак.

каттиқ танбек өсімдіктер мен оғохлантириш бериш; б) иккінчи маротаба кечикса, 5 олтин рублда жарима тұлаш белгиланди. Агар узрли сабабларга күра, мажлис аязолари мажлисга кечикса, Бухоро Иктиносий Кенгашы ҳайъатига хат билан мурожаат қилиши керак жағдайда<sup>200</sup>.

БХСР халқ хұжалигини тиклаш учун аввало қишлоқ хұжалигини тиклаш ва ривожлантириш биринчи галдаги вазифа ҳисобланған. Бу вазифа БХСР Ер ишлари нозирлигига юқлатылған бўлиб, дастлаб давлат тасарруфига үтказилған хұжаликлар сонини аниқлаш керак бўлган (шулардан 74 таси бодорчилик хұжалиги бўлган – муалиф). Бундан ташқари ахолига амирдан тортиб олинган 7 минг таноб ерни бўлиб бериш мўлжалланған.

Ширбудин туманида 25 десятина ерга тажриба участкаси ташкил қилиниб, 12 десятинага пахта, 13 десятинага беда ва бошқа донли экинлар экиш кўзда тутилған. Ундан сўнг Бухоро, Кармана, Чоржўй, Қарши, Гузор, Шаҳрисабз, Шеробод, Бойсун ва Шарқий Бухорода агрономлик текширувларини амалга ошириш режалаштирилған. Жумладан, биринчи галда давлат ҳисобига үтказилған, эгасиз ва ишловга яроқли ерларни ҳисобга олиш, иккинчидан, 1923 йилда давлат томонидан қарз берилғанлар рўйхатини тузиш ва уларнинг қайтарилишини таъминлаш (қарзларнинг умумий микдори 200. 000 пуд буғдой ва 1500 буш чорва бўлган), учинчидан, деҳқончиликда хұжалик ва статистик тажриба үтказиш<sup>201</sup>.

Ер ишлари нозирлигига юқлатылған вазифалардан бири бу қишлоқ хұжалигини асбоб-ускуна ва машина билан таъминлаш бўлиб, 1923 – 1924 йилги режада 7 та машина-ижара пунктларини ташкил қилиш режалаштирилған. Бу асбоб-ускуналарни Ўрта Осиё Қишлоқ хұжалик банки узоқ муддатли кредит бериш орқали хұжаликларга етказиб берган.

Шу жумладан, Зарафшон дарёси бўйларидағи ерларнинг харитасини тузиш режалаштирилған. Умумий ҳисобга кўра, 230

<sup>200</sup> УЗР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 15-варак.

<sup>201</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 2, 3. – С. 58.

минг десятина ернинг харитасини тузиш мўлжалланиб, бунинг учун 13 та ер ўлчовчи мутахассис талаб қилинган. 1924 йил баҳорида Зарафшон дарёси ирмоқларидағи қўриқ ерларни ўзлаштириш ишларини олиб бориш режалаштирилган<sup>202</sup>.

Умуман олганда, БХСР қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қилинадиган асосий вазифалар қўйидагилар бўлган:

а) Марказдан БХСРнинг туман ва вилоятларига ишчи ҳайвонлар, асбоб-ускуна ва машиналар етказиб бериш;

б) давлат ва кооператив савдосини кенгайтириш орқали саноат моллари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўртасидаги тафовутни камайтириш, шунингдек, деҳқонларни арzon нархларда саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;

в) кучли давлат уруғ фондини ташкил қилиш;

г) Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик банкининг Бухоро бўлимларини кўпайтириш<sup>203</sup>.

Демак, юкоридагилардан кўриниб турибдики, Марказ Ер ишлари нозирлигига БХСР қишлоқ хўжалигини юксалтириш вазифасини қўяр экан, бу борада нозирлик у ёки бу соҳада Бухоро Иқтисодий Кенгаши ёки Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашига мурожаат қилиши керак бўлган. Мисол тариқасида, Бухоро Иқтисодий Кенгаши кўрсатмаси билан 1924 йилда бюджетнинг 8%, яъни 365. 000 рублни сув хўжалиги учун ажратган<sup>204</sup>.

Вилоятлардаги деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида, Зироат ишлари нозирлиги томонидан қўйидаги вакиллар БХСР вилоятларига нозир этиб тайинланган:

а) Карманага – Жасурбой Шариф ўғли;

б) Беҳбудий( Қарши)га – Қори Барот Назир ўғли;

в) Фузорга – Баҳром Иброҳим ўғли;

г) Шаҳрисабзга – Ҳамиджон Исоқ ўғли;

д) Чоржўйга – Мулла Чўли Наврӯз ўғли;

е) Бойсунга – Мирзо Муҳим Сафар ўғли;

<sup>202</sup> Туркестанская правда. 12 марта. 1924. № 58.

<sup>203</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. №2,3. – С. 58.

<sup>204</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. №2,3. – С. 58.

ж) Шерободга – Мирзо Насридин Азиз ўғли<sup>205</sup>.

Бундан ташқари, 1 млн рубл маблағга эга бўлган Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик банки Бухоро бўлимининг асосий вазифаси 1924 йил 1 апрелгача Бухоро, Қарши, Кармана, Чоржўй ва Карки вилоятларида 80 та кредит ширкати ташкил қилиши керак эди. Бунинг учун Қишлоқ хўжалик банки 500 минг сўм кредит ажратган.

Шундан келиб чиқиб, фақат Бухоро вилоятининг туманларида Қишлоқ хўжалик банкининг 27 та ширкати ташкил этилган. Унинг 4101 та аъзоси бўлиб, банк томонидан 2. 340. 000 сўм қарз берилган<sup>206</sup>. Ушбу маблағдан 1. 582. 050 сўм 26 тийин тарқатилиб, у Бухоро вилояти туманларига қуидагича тақсимланган:

а) Янги Бухоро (Когон) туманида 9 та ширкат тузилиб, 89 минг сўм қарз берилиб, 53. 864 сўм 19 тийин тарқатилган. Ширкат аъзолари 1588 нафар;

б) Гиждувон туманида 8 та ширкат тузилиб, 600 минг сўм қарз берилган. Шундан 34. 107 сўм 35 тийин тарқатилган. Ширкат аъзолари 978 нафар;

в) Вобкент туманида 5 та ширкат тузилиб, 600 минг сўм қарз берилган. Шундан 45. 970 сўм 19 тийин тарқатилган. Ширкат аъзолари 1104 нафар;

г) Қорақўл туманида 3 та ширкат тузилиб, 600 минг сўм қарз берилган. Шундан 24. 663 сўм 13 тийин тарқатилган. Ширкат аъзолари 431 нафар<sup>207</sup>.

Большевикларни қизиқтирган хом ашё маҳсулотларидан бири бўлган пахта масаласи Бухоро Иқтисодий Кенгаши мажлисларининг дикқат марказида эди. Чунки Бухоро Иқтисодий Кенгашининг мухим вазифаларидан бири пахта хом ашёсининг давлат ихтиёрига ўтишини таъминлаш ва якка тартибдаги олиб сотарлардан ҳимоя қилишдан иборат бўлган.

<sup>205</sup> Озод Бухоро. № 15. 1924. 14 октябрь.

<sup>206</sup> Озод Бухоро. № 121. 1924. 15 август.

<sup>207</sup> Озод Бухоро. № 121. 1924. 15 август.

Мисол тариқасида, 1923 йил 11 июлдаги кенгаш мажлисида күрилган масалалардан бири БХСР Савдо нозирлиги Туркестон пахта құмитасига жұнатылған пахта учун ордер беріши, омборларда қолған пахта БХСР Савдо нозирлиги томонидан Туркестон пахта құмитасига 2 ой давомида зудлик билан жұнатилиши ва бу ҳақда Москвага телеграмма орқали хабар бериши таъкидланған<sup>208</sup>.

Бундан ташқари, 1923 йил 2 декабрдаги Бухоро Иқтисодий Кенгаши мажлисида хусусий олиб сотарларнинг пахтасини давлат ихтиёрига ўтказишни ва уларни фош қилишни ГПУ (Давлат сиёсий бошқармаси)га топшириш ҳақида қарор чиқарылди<sup>209</sup>.

Бухоро Иқтисодий Кенгашининг 1923 йил 23 декабря ўтказған мажлис қарорига күра, БХСР Савдо нозирлиги Шарқий Бухоро ақолиси учун 100 минг пуд ғалла сотиб олиши керак еди. Юқоридаги топшириқни бажариш учун Карманадан 25 минг пуд, Қаршидан 20 минг пуд, Ғузордан 5 минг пуд ғалла сотиб олинған. Режанинг фақат 50% бажарылғанligini күзда тутиб, зудлик билан бошқа вилоятлардан ғалла сотиб олиш чораларини кучайтириш назарда тутилған<sup>210</sup>.

1924 йил 10 февралда бўлған Бухоро Иқтисодий Кенгашининг навбатдаги мажлисида пахта экиладиган майдонларни күнайтириш мақсадида дәхқонларга 1 млн рубл миқдорида қарз беришга қарор қилинди. Бу вазифа Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик банки зиммасига юклатилди<sup>211</sup>.

Қишлоқ хўжалик банки 1924 йилги пахта экиш мавсумида дәхқонларга 19745 пуд америка навли чигит етказиб берган, шундан 29490 таноб ерга чигит экилған. Шунингдек, 78980 таноб пахта экилған ерлар солиқлардан озод қилинған<sup>212</sup>.

<sup>208</sup> УЗР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 19-варак.

<sup>209</sup> УЗР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 126-варак.

<sup>210</sup> УЗР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 69-варак.

<sup>211</sup> История Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.)... – С. 323.

<sup>212</sup> Озод Бухоро. № 121. 1924. 15 август.

1924 йил 21 февралда ўтказилган кенгаш мажлисида Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик банкининг Бухородаги бўлими Шарқий Бухорода 450 минг рубл миқдорида маблағга эгалик қилувчи 20 та шоҳобчасини очиш ҳакида қарор чиқарди. Шарқий Бухорога ажратилаётган маблагни кенгашнинг ўзи вилоятларга тақсимлаб чиқди<sup>213</sup>.

1924 йил 24 февралда Кенгаш ўтказган мажлисда БХСР-да америка навли пахта етиширувчи совхоз ташкил қилиш тўғрисида маҳсус қарор чиқарилган. Бу вазифа Ер ишлари ноизирлиги ва Давлат пахта қўмитасига тоширилди. Давлат пахта қўмитаси бунинг учун 30 минг таноб ерга уруғ экиш мақсадида пахтакор дехқонларга 250 минг рубл миқдорида қарз берган.

1924 йил 24 марта БХСР Халқ Нозирлар Шўроси республикада америка навли пахта етиширишни кўпайтириш ҳакида маҳсус қарор чиқаради<sup>214</sup>. Қарорда Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси ва БХСР Халқ Нозирлар Шўроси томонидан 1924 йилда америка навли пахта етиширувчи дехқонларга куйидагича эркинликлар берилган:

а) ўз ерига америка навли пахта эккан дехқон ушр солигидан озод этилсин, шунингдек, қанча ерга пахта эккан бўлса, шунча ерда экилган фалласи ҳам ушр солигидан озод этилсин;

б) сув ишлари бўлими зудлик билан ирригация тизимини пахта суғоришга таҳт қилиши шарт. Бунинг учун БХСР ҳукумати Сув хўжалигига 365 минг рубл, яъни бутун бюджетдан 8% маблаг ажратсин. Ажратилган маблағдан Эрсари районида сув танқислигининг олдини олиш учун бир қанча ишлар, яъни янги каналлар, қудуклар қазиш, Эски Бухородаги боткоқликлар ва заҳ ерларни тозалаш каби ишларни амалга ошириш кўзда тутилсин;

в) Давлат Бош пахта қўмитасига дехқонларга уруғлик олиш учун 12% миқдорида қарз бериш юклатилисин<sup>215</sup>;

<sup>213</sup> История Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.)... – С. 325.

<sup>214</sup> История Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.)... – С. 326.

<sup>215</sup> УзР МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 256-иш, 90-варап.

Бундан ташқари, 1924 йил 11 сентябрда бўлган Бухоро Иқтисодий Кенгаши мажлисида ҳам асосан пахта масаласи кўрилган. Бу масалалар қўйидагича бўлган:

- а) пахтага қатъий нарх белгилаш;
- б) БХСР ҳукуматига пахтага айирбошланган маҳсулотларни келтиришни назорат қилиш,
- в) Рус-Бухоро пахтачилик ширкатига жойларда ўзининг бўлимларини очиш тўғрисида ёрдам бериш<sup>216</sup>.

Шунга кўра, Бухоро Иқтисодий Кенгаши қўйидагича қарор чиқарган:

а) америка навли пахтанинг бир пуди учун 4 рубл 50 тийин, маҳаллий пахта учун 2 рубл 60 тийин қилиб ҳақ белгилансин. Бу ҳақда Рус-Бухоро пахтачилик ширкатига маълум қилиш белгилансин. Бундан ташқари ғалла ва бошқа саноат молларига ҳам қатъий нархлар белгилансин;

б) СССР Мехнат ва Мудофаа Кенгашининг пахта компанияси ҳақидаги қарорини ҳисобга олиб, Ўрта Осиё республикалари, хусусан, БХСРга товар олиб келиш маҳаллий савдо ноzioniклари ва пахтачилик ширкатлари зиммасига юқлатилсин. Лекин уларни сотиш давлат органлари орқали амалга оширилсин;

в) Рус-Бухоро пахтачилик ширкатига ўзининг жойларда бўлимларини очишга руҳсат берилсин<sup>217</sup>.

Бухоро пахтачилик ширкати раиси Гуревич маълумотларига кўра, 1923 йилга нисбатан пахта экилган майдонлар миқдори 1924 йилда анча кўпайган. Хусусан, америка навли пахта экиладиган ерлар миқдори 15 минг десятинага етган. Бу навли пахтани экишда асосан дехқонларга Қишлоқ хўжалик банки орқали қарзлар берилган. Натижада пахта экишдаги йигим-терим ишлари ширкат ихтиёрига ўтиб, дехқонларни ҳар хил олиб сотарлардан ҳимоя қилган, аслида эса давлат хусусий мулкчилик вужудга келишига йўл қўймаган. Бунинг учун вилоятларда

<sup>216</sup> ЎЗР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 212 – 213- вараклар.

<sup>217</sup> ЎЗР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 212 – 213- вараклар.

ширкатнинг магазинлари дехқонларга пахта эвазига газлама, озиқ-овқат берган<sup>218</sup>.

Пахтачилик ишларининг ривожини туманлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, 1924 йилги пахта мавсумида Султонобод туманида пахтакор дехқонларга қарз тариқасида 4270 сўм пул ва 300 пуд чигит берилган, Тошкўпприк туманида пахтачиликни ривожлантириш учун 6450 сўм пул, 485 пуд чигит ажратилган. Берилган чигит 402 таноб ерга экилган, лекин 28 июнга қадар сув бўлмаган<sup>219</sup>.

Зиёвуддин туманида дехқонларга қарз сифатида 10620 сўм пул, 825 пуд чигит ажратилган. Берилган чигит 602 таноб ерга экилган. Хатирчи туманида дехқонларга 230. 420 сўм қарз, 2300 пуд чигит ажратилган. Берилган чигит 2176 таноб ерга экилган. Дехқонлар ушбу қарзларни пахта ҳосили вақтида қайтариши таъкидланган<sup>220</sup>.

### 1-жадвал

#### Савдо ва саноат нозирлиги томонидан четга чиқарилган маҳсулотлар

T/P	Четга сотиладиган хом ашё	1924/25 й.	1925/26 й.	1926/27 й.
1	Қоракўл	450 минг дона	550 минг дона	750 минг дона
2	Ичак маҳсулотлари	500 минг дона	600 минг дона	750 минг дона
3	Жун	150 минг пуд	200 минг пуд	275 минг пуд
4	Ширинмия илдизи	1 млн пуд	1 млн пуд	1 млн пуд
5	Дармана уруғи	1 минг пуд	3 минг пуд	10 минг пуд
6	Тери маҳсулотлари	500 минг дона	675 минг дона	800 минг дона

БХСРда пахтачиликни юксалтириш мақсадида Бухоро Ҳалқ Нозирлар Шуроси томонидан 1924 йил 6 марта маҳсус декрет чиқарилган<sup>221</sup>. Декретда америка навли пахта етиштирувчи дехқон хўжаликларига 1924 йилда кўплаб имтиёзлар берилган.

<sup>218</sup> ҮзР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат 1-иш, 19-варақ.

<sup>219</sup> Озод Бухоро. № 121. 1924. 15 август.

<sup>220</sup> Озод Бухоро. № 121. 1924. 15 август.

<sup>221</sup> Бухоро ВДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 7-варақ.

Улар биринчи навбатда ушр солиғидан озод қилинган. Сув хұжалиги бұлымига америка навли пахта эккан дәхқонларни биринчи навбатда сув билан таъминлаш юклатилған, Давлат пахта құмитаси томонидан арzon нархда уларға уруғлик етказиб бериш, пул маблаглари билан таъминлаш йүлга құйилған<sup>222</sup>.

БХСР ахолисининг моддий фаровонлигини асосан дәхқончилик ва чорвачилик белгилаб берган. Дәхқончиликда пахтачилик, чорвачиликда құйчилик, хусусан, унинг таркибида қоракұл тери тайёрлаш, тери маҳсулотлари, ичак ва жун тайёрлаш мухим үрин тутган.

Савдо ва ишлаб чиқарыш бұлимиңнинг 1923 – 1924 йилги режасига күра ташқи савдодан тушадиган фойда 28 млн сүмни ташкил қилиб, шундан құйчилик 36% ( 10 млн сүм), пахтачилк 57% (16 млн сүм)ни ташкил қылған.

БХСРда Савдо ва саноат нозирлиги режасига күра, четга қуидагича миқдорда хом ашё жүннатиш мүлжалланған.

## 2-жадвал

### 1923 – 1924 йилларда БХСРдаги ташкилотлар томонидан чет элга сотилған қоракұл терилари

Т/п	Ташкилот номи	Сотилған хом ашё (дона)
1	Бухоро Савдо бұлими	150 минг
2	СССР Савдо бұлими	115 минг
3	Бухоро хом ашё тайёрлаш бұлими	105 минг
4	Рус-Бухоро акциядорлик жамияти	2500
5	Иқбол ширкати	10 минг
6	Хусусий олиб сотарлар	15 минг
7	Кавказлық савдогарлар	20 минг
8	Савдогарлар ва ишлаб чикарувчилар құлида қолгани	60 минг
9	Афғонистон ва Эронга сотилгани	80 минг

Бундан ташқари четга от қили, шох, гиламлар, мүйна, беда, сумбул илдизи, пилла, кунжара ҳам сотилған<sup>223</sup>. БХСР-

<sup>222</sup> Бухоро ВДА, 36-фонд, 1-рүйхат, 66-иш, 7-варак.

<sup>223</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. №4. – С. 99.

да етиширилган маҳсулотлар ўзининг сифати билан ажралиб турган.

Умуман олганда, қўйчиликда асосан икки хил қўй зоти алоҳида ўрин эгаллаган. Булар ҳисори ва қоракўл қўй зотлари бўлиб, айниқса қоракўл қўйларни етишириш БХСР ҳукумати учун катта фойда келтирган. Чунки унинг териси ва жуни чет элга сотиладиган энг қиммат хом ашё ҳисобланган. Бу борада афгон савдогарлари билан олиб бориладаган савдодан жуда катта фойда олинган. Бироқ Афғонистон билан ташқи савдонинг узилиб қолганлиги ва чорва молларининг 1920 – 1923 йиллар оралигига хорижга жўнаб кетган муҳожирлар томонидан мамлакатдан олиб чиқиб кетилганлиги натижасида қўйчилик таназзулга учраган.

1923 – 1924 йилларда БХСРда 600 минг дона қоракўл тери маҳсулотлари қуидаги ташкилот ва шахслар томонидан сотилган<sup>224</sup>.

Сотилган 425 минг дона қоракўл терига Ўрта Осиё тижорат банки томонидан пул ўtkazилган. Бундан ташқари ноқонуний йўл билан Афғонистонга 200 минг дона қоракўл тери олиб чиқиб кетилган<sup>225</sup>.

БХСР ҳукумати хорижий мамлакатларга чиқарилаётган қоракўл териларни Петроград (1924 йил январидан Ленинград) шаҳри орқали сотган. Иттифоқ республикаларига қоракўл терилар Москва ёхуд Нижний Новгород ярмаркаси орқали сотилган. Хом ашё тайёрлаш ширкати ва Давлат савдо шўъбаси келишиб, Марказга жўнатиладиган қоракўл териларни аввал Бухорода, сўнг Москвада саралаб олишган<sup>226</sup>.

Бухоро Йқтисодий Кенгашининг 1924 йил 19 февралда бўлган мажлисида Давлат савдо нозирлиги раиси А. Ҳасановнинг қоракўлчиликка оид ҳисоботи эшитилган. Ҳисоботда 1924 йил 6 январдаги Давлат савдо нозирлигининг қарорига кўра, 4 та

<sup>224</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. №4. – С. 100.

<sup>225</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. №4. – С. 100.

<sup>226</sup> Озод Бухоро. № 113. 1924. 8 август.

қоракўлчилик билан шуғулланувчи бўлим очиш учун 11550 рубл ажратилган. Лекин бўлимнинг фаолияти қониқарли олиб борилмаганлигидан қоракўл тери тайёрловчи мутахассислар билан алоқа фақат олиб-сотарлар орқали олиб борилган<sup>227</sup>. Айниқса, Чоржўй, Карки ва Қаршидаги бўлимлар фаолияти қониқарсиз ҳисобланиб, Бухоро Иқтисодий Кенгаши қарорига кўра, Давлат савдо нозирлигига юқоридаги ҳудудлардаги бўлимларнинг фаолиятини яхшилаш ҳамда маҳаллий аҳоли ва бўлимлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш чораларини кўриш топширилган<sup>228</sup>.

Бухоро Иқтисодий Кенгашининг 1924 йил 2 майдаги мажлисида кўрилган масалалардан бири яна айнан қоракўлчиликка бағишлиланган бўлиб, унда Иқтисодий Кенгаш ҳар бир қоракўл тери учун 7 рублдан пул тўлаган.

БХСР иқтисодиётида солик йигимлари ҳам алоҳида ўрин туттган. Солик соҳасидаги ислоҳотларда ҳам Бухоро Иқтисодий Кенгаши олий бошқарув органи ҳисобланар эди. 1923 йил 1 декабрда бўлган Бухоро Иқтисодий Кенгашининг мажлисида БХСРда ўша йил декабрь, 1924 йил январь, февраль ойларидаги ушр соликлари йигими масаласи ҳам кўриб чиқилган<sup>229</sup>.

Унга кўра, 3 та йирик пахтачилик вилоятлари бўлган Бухоро, Кармана ва Чоржўйда 1923 йил декабрь ойи учун ушр солиги миқдори 50%, 1924 йил январь, февраль ойларида эса 25% миқдорида йигилиши, қолган вилоятлар эса турли миқдорда солик йигиши жадвал бўйича берилган. Бухородан 500 минг рубл, Карманадан 320 минг, Чоржўйдан 360 минг, Қаршидан 350 минг, Шаҳрисабздан 270 минг, Шерободдан 180 минг, Футордан 120 минг, Нуротадан 120 минг ва Каркидан 50 минг рубл миқдорида ушр солиги йигиш кўзда тутилган<sup>230</sup>.

1923 йил 19 октябрдаги Бухоро Иқтисодий Кенгашининг мажлисида ҳам солик бошқармасига дехқонлардан,

<sup>227</sup> Бухоро ВДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 67-иш, 1-варак.

<sup>228</sup> Бухоро ВДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 67-иш, 2-варак.

<sup>229</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 48а-иш, 27-варак.

<sup>230</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 48а-иш, 27-варак.

хунармандлардан ва бошқа савдо вакилларидан алоҳида солиқ йиғиш режасини ишлаб чиқиш юклатилган. Унга кўра, маҳаллий ноқонуний солиқ йигимларини жарчи орқали эълон қилиб, уларни тўламаслик, фақатгина қонун йўли билан ўрнатилган солиқларни тўлаш чораларини ишлаб чиқиш юклатилган. Барча қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш иқтисодий кенгаш таркибида Гайсинский ва Ретнер бошчилигида маҳсус комиссияга юклатилган эди<sup>231</sup>.

Бухоро Иқтисодий Кенгашининг ўтказган мажлислирида транспорт тизимини яхшилаш ва саноатни ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш каби масалалар ҳам кўрилган. Масалан, Бухоро Иқтисодий Кенгашининг 1923 йил 17 – 18 сентябрда бўлган мажлисида Бухорода ҳаво флотини куриш ва Ўрта Осиё давлатуниверситети фондига пул ўтказиш ҳақида тўхталиб ўтилган. Мажлис қарорига кўра, Бухоро – Хива – Шарқий Бухоро йўналишида ҳаво флотини ташкил этиш масаласи кўрилиб, Соколов, Гейлиг ва Головинлардан иборат З кишилик комиссия тузилган. Уларнинг зиммасига 6 кун ичида ҳаво рейслари режасини ишлаб чиқиш юклатилди. Тошкентдаги Ўрта Осиё университети фондига Бухоро Иқтисодий Кенгashi фондидан 61 минг рубл ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1923 – 1924 йилги хўжалик режасидаги асосий вазифалардан бири темир йўл транспортини тиклаш бўлган. Урушгача бўлган даврда Бухоро – Қарши – Карки темир йўл линияси товар айирбошлиш ва маҳсулот етказишда муҳим аҳамиятга эга бўлган. БХСР ҳукумати Қарши – Фузор – Китоб ва Карки – Термиз темир йўл тармоғини тиклаш учун 1. 450. 000 рубл ажратган<sup>232</sup>.

Бухоро Халқ Совет Республикасининг иқтисодий районларидан бири Шарқий Бухоро эди. У ерда истиқлолчилик ҳараратига кучли зарба берилгандан сўнг хўжаликни тиклаш мақсадида ҳукумат ижтимоий- иқтисодий соҳада ислоҳотлар ўтка-

<sup>231</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 48а-иш, 27-варак.

<sup>232</sup> ЎзР МДА, 53- фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 37-варак.

зишни бошлади. Ислоҳотларни амалга оширишда бошқарувни Бухоро Иқтисодий Кенгаши ўз қўлига олди. Айниқса, Шарқий Бухородаги транспорт тармоғини ривожлантириш жуда муҳим бўлиб, бу савдо-сотикнинг ривожланиши, хом ашё олиб кетиш ва маҳсулот етказиб беришни енгиллаштирган. Масалан, 1924 йил 19 майда Бухоро Иқтисодий Кенгашининг навбатдаги мажлисида ҳам асосий қўрилган масалалар Шарқий Бухородаги транспорт тизимини ва савдони яхшилашга қаратилган. Чунки Шарқий Бухородан товар олиб келишни ва етказиб беришни осонлаштириш учун биринчи навбатда транспорт тизимини мустаҳкамлаш керак эди<sup>233</sup>.

Шунга кўра Бухоро – Душанбе йўналишида ҳаво транспортини ташкил қилиш мақсадида 200 минг рубл ажратилган. Ундан сўнг Амударё бўйлаб қайиқ транспортини ривожлантириш мақсадида 150 минг рубл кредит ажратилган. Шарқий Бухорада Бухоро Давлат савдо нозирлиги томонидан ташки савдони ривожлантириш мақсадида 300 минг рубл ажратилган<sup>234</sup>. Тез орада Бухоро ва Душанбе ўртасида маҳсус ҳаво рейси очилиб, Бухородан Душанбega самолёт қатнови йўлга қўйилган.

Шарқий Бухородаги савдо-сотикни ривожлантириш ва маҳсулот айирбошлишни кенгайтириш мақсадида Ўрта Осиё Тижорат банкининг бўлимини очиш, унинг молиявий-тижорат ишларини йўлга қўйиш мақсадида 350 минг рубл ажратилган<sup>235</sup>.

1924 йил 27 майда Бухоро Иқтисодий Кенгашининг мажлисини чакириш, унда СССР “Доброфлот” ташкилотидан, Транспорт трестидан, Бухоро Савдо қўмитасидан вакиллар чакирилиб, Шарқий Бухорода савдони ривожлантириш учун қўйидаги масалаларни кўриб чиқиш кўзда тутилган:

1) Амударёдан қайиқ транспортини ривожлантириш учун аниқ режа ишлаб чиқиш;

<sup>233</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 48а-иш, 27-варак.

<sup>234</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 38-варак.

<sup>235</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 38-варак.

- 2) Шарқий Бухорода транспорт идорасини очиш;
- 3) Үрта Осиё Тижорат банки томонидан маблағ билан таъминлаш<sup>236</sup>.

Бухоро Иқтисодий Кенгашининг мажлиси (1924 йил 29 июнь)да А. Мұхитдинов Шарқий Бухородаги қайиқ транспортини тиклаш ва ривожлантириш ҳақидағи режа борасида тұхталағы үтади. Үнга күра, Карки вилоят ижроия құмитасининг қарорига күра қайиқ транспортини тиклаш мақсадида уч кишилик комиссия тузилған. Комиссияга вилоят ижроия құмитасидан Бекмуродов Раис сифатида, Бухоро Савдо құмитасидан Мирза Гани Набиев, қайиқчилар бўлимидан Мулла Худойберди Мамадиёров сайланишган<sup>237</sup>. Комиссия Бухоро ҳукумати қайиқ транспортини ривожлантириш мақсадида ажратган 150 минг олтин рублни тасарруф этган.

Карки вилояти ижроия құмитаси тасдиқлаган комиссия қарорлари қонун кучига эга бўлған. Комиссия қайиқчилардан тушган барча аризаларни кўриб чиқсан, бундан ташқари Шарқий Бухородаги Қарши – Жилликўл – Сарой – Камар йўналишидаги товар айирбошлишни ривожлантириш учун алоҳида маблағ ажратилған. Шунингдек, комиссия кимга қанча қарз беришни кўриб чиқсан, масалан, янги қайиқ ясаб товар айирбошлиш учун 2 минг рубл бир ой муддатга, фақат товар айирбошлиш учун минг рубл олти ой муддатга кредит ажратган.

Шарқий Бухородаги қайиқчиларга Карки вилояти раҳбарлари томонидан маҳсус рухсатнома берилған. Шунингдек, комиссия томонидан 1924 йил 1 сентябргача 100 та қайиқни ишга тушириши кўзда тутилған<sup>238</sup>.

Бундан ташқари мажлис кун тартибидаги яна бир масала Карки вилояти орқали Афғонистон билан савдо-сотиқни ривожлантириш мақсадида бу ерда Үрта Осиё Тижорат банкининг бўлимини очиш мўлжалланған. Чунки бу бўлим Шарқий Бухоро ва Афғонистон ўртасидаги савдо-сотиқни ривожланти-

<sup>236</sup> ҮЗР МДА. 53-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 41-варак.

<sup>237</sup> ҮЗР МДА. 53-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 106-варак.

<sup>238</sup> ҮЗР МДА. 53-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 107-варак.

ришда асосий воситачи бўлган. Бу билан Шарқий Бухородаги ёркин савдогарлар фаолиятига чек қўйилиб, барча савдо-сотик ва товар айирбошлашдан тушадиган фойда давлат назоратига олинган.

Шунингдек, Туркман вилоятида гилам ишлаб чиқариш масаласи ҳам кўриб чиқилган. Чунки туркман гиламлари ўзининг сифатлилиги ва арzonлиги билан ажралиб турган. Бу соҳа ҳам таназзулга учраганлигини ҳисобга олиб, Бухоро савдо қўмитаси Карки вилоятида ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида режа ишлаб чиқиб, маблағ ажратиш ва уни тасдиқлаш учун Бухоро Иқтисодий Кенгашига тақдим этиши керак эди<sup>239</sup>.

Шарқий Бухорода қоракўлчиликни ривожлантириш мақсадида 11 минг рубл ажратилган бўлиб, унинг бажарилишини таъминлаш БХСР Савдо нозирлиги зиммасига юклатилган. Охирги масалада хорижий товарларнинг нархини тушириш борасида тўхталиб ўтилган.

1923 йил 24 октябрда Бухоро Давлат тикув-йигириув фабрикасига «Қизил Шарқ» деб ном берилди. Унга А. А. Беляков директор этиб тайинланди. Беляков ўзининг икки ўринбосари номзодини Савдо нозирлигига тақдим этиши, 1923 – 1924 йиллар мобайнидаги фабрика фаолияти ва режалари ҳақида ҳисобот бериши керак эди<sup>240</sup>.

Умуман олганда, Бухоро Иқтисодий Кенгashi 1923 йил 16 июлдан 1 декабргача бўлган вақт оралиғидаги режалари ҳақида БХСР Халқ Нозирлар Шўросига ҳисобот берар экан, вилоятнарда хўжалик ҳаётини бошқариш ва йўлга қўйиш мақсадида вилоят иқтисодий кенгашларини ташкил қилиш қўзда тутилган эди. Шу мақсадда, биринчи навбатда Эски Бухоро, Чоржўй ва Карманада вилоят иқтисодий кенгашлари ташкил қилинди ҳамда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун Иқтисодий Кенгаш ўз вакилларини бу вилоятларга юборди.

<sup>239</sup> Ўз РМДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 108-варак.

<sup>240</sup> Ўз РМДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 108-варак.

1924 йил 17 февралда бўлиб ўтган Бухоро Иқтисодий Кенгаши мажлиси кун тартиби фақат Шарқий Бухорога бағишиланган. Мажлисда Шарқий Бухородаги аҳволни яхшилаш мақсадида Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси 300 минг рубл миқдорида маблағни ажратган. Ундан сўнг Шарқий Бухородаги солиқ йигимларини тафтиш қилиш, уларни тартибга солиш кўзда тутилган. Шарқий Бухородаги аҳолининг қишлоқ хўжалигидаги банд қисмига 55000 рубл (совет пули)да кредит ажратиш мўлжалланди ва Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик банки вакилини Шарқий Бухорога юбориб, жорий йилнинг 1 марта гача у ерда ўз бўлимини очиш белгиланган<sup>241</sup>.

Давлат Пахта қўмитасига Шарқий Бухорога 1924 йилнинг 15 марта дан кечикмай чигит етказиб бериш таклиф этилиб, 6000 пуд чигитни зудлик билан жўнатиш, Амударёнинг ўнг қирғоги юкори оқими бўйлаб чигит экишни тақсимлаш, чигит сотишини фақат нақд пулга бериш жорий этилган<sup>242</sup>. Бундан ташқари Шарқий Бухородаги хом ашё ва маҳсулот айирбошлиш мақсадида БХСР Савдо нозирлигининг бўлимини очиш ҳамда нозирликка 1924 йил 1 марта гача хом ашё олди-сотди режасини ишлаб чиқиш вазифалари юклатилди<sup>243</sup>.

Иқтисодий Кенгаш Шарқий Бухородаги аҳволни яхшилаш мақсадида 1924 йил 4 июнда маҳсус экспедиция уюштиради. Экспедиция таркибида Ўрта Осиё Савдо банки ва Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик банкларидан вакиллар бор эди. Қишлоқ хўжалик банки ҳунарманд, косиб ва дехқонларга қарз беришни йўлга кўйиши, бунинг эвазига улар банкнинг жойлардаги ширкатларига аъзо бўлиши керак эди. Ҳар бир кишига ўртacha миқдорда 100 рублдан 12 % га қарз берилган.

1924 йил 18 июндан 13 июлгача Қишлоқ хўжалик банки куйидаги ишларни амалга оширган:

1. Бойсун шаҳрида 150 кишилик ширкат ташкил қилиниб, 10 минг рубл ажратилган;

<sup>241</sup> Ўз РМДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 62 – 65-вараклар.

<sup>242</sup> ЎзР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 62 – 65-вараклар.

<sup>243</sup> ЎзР МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 62 – 65- вараклар.

2. Қоратогда 180 кишилик ширкатға 10 минг рубл ажратилган;
3. Душанбеда 150 кишилик ширкатға 10 минг рубл ажратилган;
4. Тұда қишлоғида 100 кишилик ширкатға 6 минг рубл ажратилған<sup>244</sup>.

Ұрта Осиё Савдо банки эса майда савдогарларға қарз берішни ташкил қылған. Чunksи улар, бириңчи навбатда, Шарқий Бухордаги вилоятлар үртасидаги савдони ривожлантириш, иккінчидан, Шарқий Бухоро билан Фаргона, Самарқанд ва Ғарбий Бухоро үртасидаги савдони ривожлантириши керак әди. Бу ишларни амалға ошириш учун ҳар бир савдогарға минг рублдан ажратилған. Шунга күра Ұрта Осиё Савдо банки қуидагича қарз берган:

1. Бойсун шаҳрида 24 та майда савдогарға 14. 000 рубл;
2. Қоратогда 14 та майда савдогарға 10. 500 рубл;
3. Душанбеда 16 та майда савдогарға 15. 500 рубл<sup>245</sup>.

### 3-жадвал

#### **Давлат ва савдогарлар томонидан сотилған маҳсулотлар үртасидаги тафовутлар**

№	Маҳсулотлар номи	Савдо бүлимида	Бозорда
1	Бүз	55 тийин	60 тийин
2	Газмол	80 тийин	82 – 90 тийин
3	Чит	60 тийин	65 тийин
4	Бухоро шойиси	90 тийин	94 тийин
5	Оддий газмол	50 – 60 тийин	55 – 58 тийин
6	Олача	75 тийин	95 тийин

Лекин шунга қарамасдан маҳаллий ахоли уй-рұзғор бүймларини юқори нархларда сотиб олған. Бундан ташқари, бозорлар қанча күпаймасин, чет әлдан келтирилған маҳсулот-

<sup>244</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 2,3. – С. 64 .

<sup>245</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 2,3. – С. 65.

ларнинг нархи жуда баланд бўлган. Бунга сабаб, йирик савдо-гарларнинг йўклиги ва майда савдогарларнинг маҳсулотларга юкори нарх кўйиши бўлган. Мисол тариқасида, Давлат Савдо бўлими ва савдогарлар сотган маҳсулотлар ўртасидаги тафовут жадвалда кўрсатилганидек бўлган<sup>246</sup>.

Шарқий Бухорода чорва моллари оз миқдорда четга экспорт қилинган. Бу мавсум асосан кузда, сентябрь-октябрь ойларида қишлоқ хўжалик молларини экспорт қилиш даврига тўғри келган. Бундан ташқари дон маҳсулотлари ҳам экспорт қилинган. Булар буғдой, гуруч, кунжут, зигир, писта кабилардан иборат бўлган. Юқоридаги маҳсулотлар асосан Шеробод, Қўргонте-па, Кулоб вилоятларидан олиниб, Амударё орқали олиб кетилган<sup>247</sup>.

#### 4-жадвал

### Шарқий Бухоро вилоятларидағи солиқ даромадлари

№	Вилоятлар	Ушр солиғи	Закот солиғи	Хасана солиғи	Аминона солиғи	Бозордан закот солиғи
1	Душанбе	140. 000 пуд	150 та мол	300 та қуй	—	1000 танга
2	Сариосиё	180. 000 пуд	150 та мол	500 та қуй	—	—
3	Ғарм	140. 000 пуд	1200 та мол	—	—	—
4	Кулоб	225. 000 пуд	2000 та мол	—	—	—
5	Бойсун	65. 000 пуд	500 та мол	-	-	-
6	Қўргонтепа	8. 000 пуд	100 та мол	-	-	-

Шарқий Бухородан маҳсулотларни четга олиб чиқиб кетувчи асосан иккита транспорт йўли мавжуд бўлган:

<sup>246</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 2,3. – С. 66.

<sup>247</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 2,3. – С. 67.

1. Амударё бўйлаб қайиқ транспорти;
2. Қарши – Душанбе йўналишида арава ва түя транспорти.

Каркидаги қайиқ транспортини ривожлантириш мақсадида Давлат Савдо қўмитаси 150 минг рубл ажратган. Қарши – Душанбе йўлини мустаҳкамлаш учун карвон билан ҳарбий соқчилар қўйилган. Бу иккала омил ҳам Шарқий Бухородан товар олиб кетишни осонлаштирган<sup>248</sup>.

Шарқий Бухородаги молиявий бўлим фаолияти тартибсиз бўлганлиги учун йигилган солиқларнинг умумий аниқ микдори келтирилмаган. 1923 – 1924 йиллар учун тахминий солиқ даромадлари қўйидагича бўлган.

БХСР ва Марказ ўртасидаги товар айирбошлиш масаласи ҳам Бухоро Иқтисодий Кенгаши мажлисларида муҳокама қилиниб, асосан бу вазифа Иқтисодий Кенгаш бўлимларига юклатилган. Мисол тариқасида олсақ, 1923 йил 19 октябрда бўлган Бухоро Иқтисодий Кенгашининг мажлисида қўйидаги масалалар қўриб чиқилган:

- 1) Марказдан Туркистонга 8 млн пуд галлани 1 рубл 50 тийиндан, 30 млн аршин газмолни 4 рубл 50 тийиндан жўнатиш;
- 2) ундан сўнг барча идора ва ташкилотларнинг омборидаги галлаларни бозор нархидан 5 – 10 % арzon нархда сотиш; 3) Едренкин ва Гуревичга бир ой ичида мавжуд галлаларни ун қилиб сотиш юклатилган.

Бухорога Москва қўйган нарх орқали газмоллар етказиб берниш, газмолларни Рус-Бухоро пахтачилик ширкати Эски Бухоро, Вобкент ва бошқа туманларга Давлат Савдо қўмитаси магазинлари орқали сотиш юклатилган. Бухцентроюзга гуруч, чорва ва гўшт маҳсулотларини сотишни ташкиллаштириш мажбурияти юклатилган. Гуручни асосан Туркистондан олиб келиб, жойларга тарқатиш мўлжалланган<sup>249</sup>.

Савдо ва ишлаб чиқариш бўлимига Эски Бухородаги нефть омборини Нефтсиндикатга ижарага бериш сўралган. Бухцен-

<sup>248</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 2,3. – С. 67.

<sup>249</sup> ЎзР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 48а-иш, 26-варак.

трасоюзга 10 кун ичиди Михайлов бошчилигига 5 та жойда нефть маҳсулотларини, керосин ва ойна маҳсулотларини сотишни ҳам йўлга қўйиши керак эди. Шунингдек, Бухоро Иқтисадий Кенгаши Рус-Бухоро пахтачилик ширкатига Вобкентда керосин сотишни кучайтиришни топширган<sup>250</sup>.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини кўтариш ва маҳсулотлар ўртасидаги тафовутни камайтириш учун Давлат Савдо қўмитасининг Чоржўй, Қарши, Карки, Кармана, Хатирчи, Душанбе, Бойсун, Шахрисабз, Нурутса, Вобкент, Фиждувон ва Гузордаги бўлимларига мануфактура маҳсулотларининг таннархини кўтариш ҳақида кўрсатма берилган<sup>251</sup>.

БХСРдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари 1923 йил 30 декабрь – 1924 йил 7 январь оралиғида куйидагича бўлган: буғдойнинг 1 пуди 2 рубл 65 тийин, 1 пуд олий навли ун 2 рубл 20 тийин, 1 пуд зигир ёки кунжут ёғи 28 рубл, 1 қадоқ қўй ёғи 1 рубл, 1 қадоқ қўй гўшти 2 рубл, 1-нав қора чой 2 рубл. Бу даврда 1 пуд арпа нархи 1 рубл 75 тийиндан 1 рубл 87 тийинга ошган, 1 пуд гуруч 7 рублдан 8 рублга ошган. 1 пуд кора кишишиб 9 рублдан 10 рублга ошган. Бухоро қоракўлининг нархи 5 олтин рублдан 4 рубл 50 тийинга тушган<sup>252</sup>.

Бундан ташқари БХСР Нозирлар Шўроси томонидан майдава хусусий савдогарларга 70 минг олтин рубл кредит ажратилган.

Хунармандчилик ишлаб чиқариши бўйича, 1924 йил бошларида Эски Бухорода 10 та хунармандчилик артели бўлган, унда 283 та ишчи ва 123 та хунармандчилик ускуналари бўлган. Уларнинг кўпчилиги хунармандлар иттифоқининг аъзолари ҳисобланган. Бундан ташқари Эски Бухорода 5 та ипакчилик бўйича тўқимачилар артели бўлиб, 260 та ишчи ишлагай. Агар хом ашё етарли бўлса, бир йилда 110. 136 аршин ипак

<sup>250</sup> УЗР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 48а-иш, 27-варак.

<sup>251</sup> УЗР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 48а-иш, 27-варак.

<sup>252</sup> Туркестанская правда. 6 февраля. 1924 г. №29.

етишириш ва 34. 560 дона күйлак тайёрлаш кувватига эга бўлган. Яна 5 та темирчилик артели бўлиб, уларда 23 ишчи ва 23· асбоб-ускуна бўлган. Улар факат дехқонларнинг буюртмасига биноан ишлаган. Агар хом ашё етказиб берилса, бир йилда 116. 352 дона буюм тайёрлаш кувватига эга бўлган<sup>253</sup>.

Гиламчилик билан шуғулланувчи ҳунармандларнинг аниқ сони аниқланмаган. Урушгача бўлган даврда гиламчилик (Карки районида) энг сертармоқ соҳа ҳисобланган. Шуни ҳисобга олиб, Савдо ва ишлаб чиқариш нозирлиги Каркида гиламчилик артелини ташкил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган<sup>254</sup>. Демак, Бухоро Иктиносий Кенгаши БХСРдаги ҳунармандчилик соҳаларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратган. Зеро, БХСРнинг маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларига чет элда талаб катта бўлган.

БХСРдаги пахта заводларининг умумий сони 25 тани ташкил қилиб, уларнинг кўпчилиги ишдан чиқсан. 1924 йилги мавсумда 5 та пахта заводини ишга тушириш мўлжалланган. Бу заводлар бир ойда 80 минг пуд тола ва 10 минг пуд ёг етишириш кувватига эга бўлган<sup>255</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро Иктиносий Кенгаши БХСРдаги ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишда олий бошқарув органи ҳисобланган ҳамда Марказ ва Ўрта Осиё Иктиносий Кенгаши кўрсатмаларига амал қилган. Бухоро Иктиносий Кенгашининг ўтказган мажлисларидан, унинг чиқарган қарорларидан кўриниб турибдики, Бухоро Иктиносий Кенгаши ҳар бир масала юзасидан, албатта, Ўрта Осиё Иктиносий Кенгаши кўрсатмаларига қатъий амал қилган. Масалан, Бухоро Иктиносий Кенгаши пахта-чиликни ривожлантириш учун биринчи навбатда дехқонларга катта имтиёзлар берган, бу билан дехқонларнинг эътиборини қозонган, иккинчидан, пахта яккаҳокимлигининг ўрнатили-

<sup>253</sup> УАР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 133-варажнинг орқаси.

<sup>254</sup> УАР МДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 133-варажнинг орқаси.

<sup>255</sup> Туркестанская правда. 11 марта. 1924. № 58.

ши учун замин тайёрлаган. БХСР халқ хўжалигини тиклаш учун аввало қишлоқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш биринчи галдаги вазифа ҳисобланган. Шунинг учун ҳам америка навли пахта эккан дехқонларга Бухоро Иқтисодий Кенгаши томонидан қатор енгилликлар берилган. Хусусан, ўз ерига америка навли пахта эккан дехқон ушр солиғидан озод этилган, шунингдек, қанча ерга пахта эккан бўлса, шунча ерда экилган галласи ҳам ушр солиғидан озод қилинган, сув ишлари бўлими зудлик билан ирригация тизимини пахта суфоришга таҳт қилган. Бунинг учун БХСР ҳукумати Сув хўжалигига 365 минг рубл, яъни бутун бюджетдан 8% маблағ ажратган. Бухоро Иқтисодий Кенгаши республикада иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда Рус-Осиё Банки, Ўрта Осиё Қишлоқ Хўжалик банки, Ўрта Осиё Савдо банки ва Бухцентроюз каби ташкилотлар фаолиятидан кенг фойдаланган.

Бухоро Халқ Совет Республикасининг иқтисодий районларидан бири Шарқий Бухоро эди. У ерда истиқлолчилик ҳаракатига кучли зарба берилгандан сўнг хўжаликни тиклаш мақсадида ҳукумат ижтимоий- иқтисодий соҳада ислоҳотлар ўтказишни бошлади. Шарқий Бухорога катта микдорда маблағ ажратиш орқали Шарқий ва Ғарбий Бухоро ўртасидаги иқтисодий алоқа тикланган, шунингдек, Шарқий Бухорода совет ҳокимиятининг мустаҳкамланишига ёрдам берган. Ерларни давлат назоратига олиш орқали республикадаги умумий ер майдони аникланган, шунингдек, асрлар давомида мавжуд бўлган хусусий мулкчилик муносабатларига жиддий зарба берилган.

Бухоро Иқтисодий Кенгаши БХСРдаги транспорт тизимини ривожлантириш учун ҳам бир қатор тадбирлар ўтказди. Жумладан, Карши-Термиз темир йул линиясини қуриб битказиши, Амударёдаги қайик транспортини ривожлантириш, Шарқий ва Ғарбий Бухоро ўртасидаги темир йул линиясини тиклаш, Қарши-Душанбе йўналишида арава ва тую транспортини ривожлантириш ҳамда Бухоро-Душанбе йўналишида ҳаво транспортини ташкил қилиш каби қарорлар чиқарилган.

Бундан ташқари, Бухоро Иқтисодий Кенгаши чорвачилик, хусусан, қоракүлчиликни ривожлантириш учун ҳам қатор ислоҳотларни амалга ошириди. Сабаби, қоракүлчилик узоқ йиллар давомида Бухоро амирлигига катта фойда келтирадиган соҳалардан бири эди. Шунинг учун ҳам большевиклар ва Ёш бухороликлар бу соҳанинг ривожланишидан манфаатдор эди.

Бухоро Иқтисодий Кенгаши Ўрта Осиё республикалари-нинг I ва II иқтисодий конференциялари орқали мамлакатда ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар бўйича Марказга ҳисобот бериб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашидан кўрсатмалар олган. Умуман, Бухоро Иқтисодий Кенгаши республикадаги барча ташкилот ва нозирликлар устидан умумий назоратни ўрнатган. Хуллас, Бухоро Иқтисодий Кенгаши, бир томондан, БХСРдаги иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишда олий бошқарув органи сифатида катта ишни бажарган. Иккинчи томондан, у 1923 – 1924 йилларда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг кўрсатмалари асосида БХСРдаги барча иқтисодий ташкилот ва нозирликлар устидан умумий назоратни ўрнатган ҳамда Марказ топшириклигини бажарган. Бухоро Иқтисодий Кенгаши ўз фаолиятини 1924 йил ноябрь ойида тўхтатган.

### **III БОБ. ХОРАЗМ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИДАГИ ЗИДДИЯТ ВА МУАММОЛАР**

#### **3. 1. Хоразм Иқтисодий Кенгашининг ташкил топиши ва фаолияти**

Россия империяси каби большевиклар ҳам Ўрта Осиё минтақасига хом ашё етказиб берувчи база сифатида қарашган. Уларни мінтақаның табиий хом ашё ва бойликларини тұхтовсиз үзлаштиришдан ҳамда Марказға ташиб кетишдан иборат сиёсати аграр соҳада ҳам яққол намоён бўлди. Бунинг учун аввало асосий бойлик ҳисобланган ерлар мусодара қилиниб, давлат мулкига айлантирилди. Бу хусусий мулкчиликнинг йўқотилишига олиб келди. Бунга ҳам қаноат ҳосил қилмаган марказдагилар республикалар иқтисодий бошқарувини осонлаштириш ва марказлаштириш учун Иқтисодий Кенгашлар ташкил қилди. Бу Иқтисодий Кенгашлар қуйидан юкоригача босқичма-босқич ислоҳотларни амалга оширишда СССР Мехнат ва Мудофаа Кенгashi кўрсатмаларига амал қилган ва унинг қарорларининг бажарилишини таъминлаб турган.

1920 йил 2 февралда қизил армия, Ёш хиваликлар ва Жунайдхондан норози бўлган туркман сардорларининг сиёсий иттифоқи томонидан мустақил Хива хонлиги агадарилди ва Хоразмда Мувакқат Инқилобий Кўмита тузилди. Инқилобий Кўмита қарорига кўра, 8 февралда Хоразм Халқ Иқтисодиёти Кенгashi ташкил этилди<sup>256</sup>.

Хоразм Халқ Иқтисодиёти Кенгashi таркибида тўртга бўлим бўлган:

- ер ишлари бўлими;
- савдо ва ишлаб чиқариш бўлими<sup>257</sup>;

<sup>256</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.) – С. 76.

<sup>257</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.) – С. 76.

– давлат иншоотлари бўлими;  
– меҳнат бўлими.

1920 йил 26 – 30 апрелда бўлиб ўтган Бутун Хоразм Халқ вакилларининг I қурултойида 15 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси ташкил қилинди<sup>258</sup>. Унинг таркибида иқтисодий соҳа билан шуғулланувчи қуйидаги иккита нозирлик фаолият юритган:

1. Ер ишлари нозирлиги.
2. Иқтисодий нозирлик.

Бу икки нозирлик XXСРдаги иқтисодий масалаларда Халқ Нозирлар Шўроси қарорларига кўра иш кўрган. Маҳаллий шўролар нозирликларга бир йиллик кирим-чиқимлар ҳақида ҳисобот бериб турган. Бундан ташқари қозоз пулларни муоммалага чиқариш ҳам бу нозирликлар зиммасига юклатилган. Хоразм Халқ Иқтисодиёти Кенгashiдаги бўлимлар XXСР иқтисодиётидаги барча соҳаларни қамраб олган, айниқса, пахти саноатини қаттиқ назорат қилган. Хоразм Халқ Иқтисодиёти Кенгashi орадан кўп ўтмай Хоразм Иқтисодий Кенгashi деб юритилган. Хоразм Иқтисодий Кенгаш раиси этиб Шокир Сиддиқов тайинланган<sup>259</sup>

Хоразм Иқтисодий Кенгashi расмий равишда 1921 йил 15 – 23 майда бўлиб ўтган Бутун Хоразм халқ вакилларининг II қурултойида ташкил этилди. Унинг таркибида қуйидаги учта нозирлик бўлган.

1. Ер-сув ишлари нозирлиги. У ўз навбатида қишлоқ хўжалиги, ирригация, транспорт ва давлат иншоотлари бўлимларидан иборат бўлган.
2. Ишлаб чиқариш ва таъминот нозирлиги. У ўз навбатида гандо-согиқ, меҳнат ва ташки савдо бўлимларига эга эди.
3. Молия нозирлиги<sup>260</sup>.

<sup>258</sup> Юсупов И. X. Ёш хиваликлар (Хотиралар). – Урганч: «Хоразм», 1999. – Б. 217

118

<sup>259</sup> Минкаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисодий тартиб. – Урганч: «Хоразм», 1993. – Б. 32.

<sup>260</sup> УАМДЛ, 71-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 104-варак.

Марказдан бошқарув сиёсати Хоразм пахтачилигига ҳам олиб борилиб, 1921 йил 15 июнда Хоразм Иқтисодий Кенгаши қарори билан унинг хузурида Пахтачилик қўмитаси ташкил қилинди. Унинг таркибий қисми қўйидагича эди:

- а) иш юритиш бўлими;
- б) кооперация бўлими;
- в) техника бўлими<sup>261</sup>.

Пахтачилик қўмитаси вазифаларига қўйидагилар кирган:

а) РСФСРнинг Тўрткўлдаги пахта бўлимидан барча национализация қилинган пахта ва ёг ишлаб чиқариш заводларини қабул қилиш ва ишга тушириш;

б) пахтачилик тармогини давлат тасарруфига олиш ва пахта толасини давлат ҳисобига мусодара қилиш;

в) дехқонларни ихтисослаштирилган кооператив бўлимларга жалб қилиш ва жойларда уларнинг бошқарувини таъминлаш<sup>262</sup>.

Пахтачилик қўмитаси 1921 йилда Хонқа, Манғит, Гурлан, Тошховуз, Хўжайли, Ғозобод (Ғазовот) ва Янги Урганчда ўзининг пахта қабул қилиш пунктларини очган<sup>263</sup>. 1921 йил сентябрь ойида қўмита вазифасидан келиб чиқиб Янги Урганчдағи Мануиловга тегишли пахта тозалаш заводи таъмир қилиниб, ишга туширилган<sup>264</sup>.

Пахтачилик кооперативига қарашли ерлар 1921 йил сентябрь ойига келиб 3968 десятинани ташкил қилган. Қўмита кооперацияга кирган ёки пахта эккан дехқонларга имтиёзлар берган ёки уларни пул ва асбоб-ускуналар билан таъминлаган. Шунга кўра, 3968 десятина ерга ишлатилган асбоб-ускуна ва маблағ қўйидагича таркиб топган:

- а) 198. 400 рубл;
- б) 357. 120 аршин газмол;
- в) 968 пуд керосин;

<sup>261</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 33-варак.

<sup>262</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 33-варак.

<sup>263</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 24-варак.

<sup>264</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 24-варак.

- г) 317. 440 қути гугурт;
- д) 5952 пуд туз;
- е) 7436 дона кетмон ва ҳоказо<sup>265</sup>.

Умуман олганда, пахталик Хоразм халқ ҳужалигида асосий тармоқлардан бири бўлиб, Хоразм пахтаси Фарғона водийсида етиширилган пахта толасидан тозалиги, толасининг ингичкалиги билан ажралиб турган.

Хоразмда 1920 йилгача, кичик заводларни ҳисобга олмаганда, 33 та пахта тозалаш заводи бўлган. Шундан пахта тозалаш заводлари: Янги Урганчда 5 та, Гурланда 4 та, Хонқада 3 та, Тошховузда 5 та, Манғитда 4 та, Илялида 1 та, Ҳазораспда 3 та, Ҳўжайлида 4 та, Питнакда 1 та, Қўнғиротда 1 та, Хивада 1 та ва Останабозорда 1 та бўлган<sup>266</sup>.

Бироқ Хива хонлиги худудига қизил армиянинг бостириб кириши ва ҳарбий ҳаракатлар натижасида бу заводларнинг кўпчилиги вайрон бўлган. XXСР худудида 1920 – 1921 йилларда пахта хом ашёси тайёрлаш ҳам кескин қисқариб кетган. 1922 йилдаги маълумотларга кўра, яроқли ҳолатдаги пахта тозалаш заводлари Янги Урганчда 1 та, Хонқада 2 та; ўртача таъмир талаб қиласидаги заводлар Янги Урганчда 2 та, Гурланда 1 та, Ҳазораспда 3 та, Хивада 1 та, Останабозорда 2 та бўлиб, колгандар эса умуман ишламаган<sup>267</sup>. 1922 йил Хоразмдан Марказга 25 минг пуд пахта хом ашёси юборилган. Лекин бу Марказ манфаатини мутлақо қондирмас эди.

Марказ юритган сиёсат натижасида 1922 йил июлда бўлган Бутун Хоразм халқ вакилларининг III қурултойида Хоразм Иқтисодий Кенгаши тугатилди. Унинг ўрнида XXСР Ер ишлари, Молия, Савдо ва ишлаб чиқариш нозирликлари ташкил қилинди.

XXСР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1923 йил 10 февралдаги қарорига кўра, яна Хоразм Иқтисодий Кенгаши қайта ташкил қилинди. Иқтисодий Кенгаш раиси этиб А. Усмонов

<sup>265</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 35-варак.

<sup>266</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 34-иш, 7-варакнинг оркаси.

<sup>267</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 24-варак.

тайинланди<sup>268</sup>. Иқтисодий Кенгаш таркибида бу даврда қуидаги нозирликлар мавжуд эди:

1. Ер ишлари;
2. Молия;
3. Савдо ва ишлаб чиқариш.

ХХСР таркибидаги иқтисодий нозирликлар, хусусан, Савдо ва ишлаб чиқариш нозирлиги нозир ва икки ўринбосардан иборат бўлиб, оператив ва хўжалик бўлимларидан ташкил топган. Нозирлик аппаратида умумий микдорда 15 та одам ишлган. Нозирлик орқали четга қоракўл тери, гилам, пахта, жун, беда, бўйра, газмол, тамаки, қофоз ва бошқа маҳсулотлар олиб кетилган<sup>269</sup>.

- Нозирлик хом ашёни аҳолидан қуидаги вақтда сотиб олган:
- қоракўл терини 1 апрелдан 1 июнгача;
  - пахтани 1 сентябрдан 1 марта;
  - жунни 1 майдан 1 сентябргача;
  - бедани 1 июлдан 1 августгача;
  - терини эса бутун ёз мавсумида.

Нозирликнинг Хива, Урганч, Хонқа, Питнак ва Кўнгиротда мол сақлайдиган омборлари, Москва, Тошкент ва Чоржўйда савдо бўлимлари мавжуд бўлган. Карвон йўли эса Полторацк – Хива, Чоржўй – Хива, Казалинск – Хива йўналишида бўлиб, Полторацкдан чой, Чоржўйдан тамаки, Казалинскдан газмол олиб келинган<sup>270</sup>.

Иқтисодий Кенгаш раиси ўз навбатида Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси раиси ўринбосари ҳисобланган. Хоразм Иқтисодий Кенгашига қуидаги вазифалар юклатилган.

- а) республика бюджетини ишлаб чиқиш;
- б) Хоразмнинг иқтисодий аҳволи ҳақида батафсил маълумот бериш;

<sup>268</sup> Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди... – Б. 46.

<sup>269</sup> ЎзР МДА. 2027-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 16-варак.

<sup>270</sup> ЎзР МДА. 73- фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 16-варак.

- с) Хоразм пул бирликларининг РСФСР пул бирликларига алмаштирилишини таъминлаш;
- г) қишлоқ хўжалигига кредит ажратиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;
- д) Рус-Хоразм пахта ширкати фаолиятини кузатиш ҳамда унга ёрдам бериш.

Юкоридаги ҳолатларнинг пайдо бўлишига қўйидаги омилларни сабаб қилиб келтириш мумкин. Биринчидан, 1920 йил 13 сентябрда Москвада РСФСР билан ХХСР ўртасида 24 моддадан иборат иқтисодий битим имзоланган<sup>271</sup>. Унга кўра, Россия империяси даврида рус капиталистлари томонидан Хива хонлиги ҳудудида бунёд этилган банклар, фабрикалар савдо корхоналари ва бошқа муассасалар Хоразм республикасининг мулки деб эълон қилинган. Иккинчидан, Марказ кўрсатмаси билан хусусий мулкларни национализация қилиш сиёсати натижасида ерлар, заводлар, фабрикалар, ва бошқа муассасалар давлат ихтиёрига ўтказилган. Учинчидан, ХХСРнинг дастлабки ҳукумати – Нозирлар Шўроси ва Инқилобий Қўмитаси Марказ кўрсатмаси асосида эмас, балки миллий манфаатни кўзладиган мустақил сиёсат юргизишга ҳаракат қилди, натижада большевиклар ҳукуматда бир неча бор тўнтариш ўтказиши. Бу воқеалар ХХСР иқтисодиётiga салбий таъсир кўрсатган.

Большевиклар сиёсатига моҳиятан баҳо берилса, СССРнинг марказий районлари маҳсулот етказиб берувчи, Ўрта Осиё республикалари эса хом ашё етказиб берувчи минтақа эди. Шу маънода уларнинг иқтисодиёти шунга мослаштирилган ва назоратга олинниши керак эди. ХХСР пахтачилигини юксалтириш мақсадида 1923 йил 13 февралда Хоразм Иқтисодий Кенгаши ва РСФСР Бош пахта қўмитаси ҳамкорлигида Рус-Хоразм давлат пахтачилик ширкати ташкил қилинди<sup>272</sup>.

Ширкатнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат бўлган:

<sup>271</sup> Ўз РМДА, 69 фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 1-варак.

<sup>272</sup> Ўз РМДА, 73 фонд, 1-рўйхат, 8 1-иш, 4 – 8-вараклар.

1. Пахта экиладиган ерларни күпайтириш ва маблағ билан таъминлаш, ХХСР худудидаги пахта тозалаш, ёғ ва совун заводларини рўйхатга олиш ҳамда ишга тушириш.

2. Пахта хом ашёсини сотиш ва сотиб олишни ўз зиммасига олиш.

3. РСФСР ва унинг республикаларидан пахта толасига айирбошланган маҳсулотларни олиб келиш ва тақсимлаш.

4. Пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш учун зарур бўлган машина ва асбоб-ускуналарни СССР Ички ишлар халқ комисарилигининг розилиги билан чет элдан олиб келиш.

5. РСФСР худудида ширкатга тегишли бўлган пахта ва пахта маҳсулотларини сақлаш, темир йўл ва сув транспорти орқали уларни зудлик билан манзилга етказиб бериш.

6. Ўз пул маблағларини кредит тариқасида бериш, рус ва хорижий фирмалар билан савдо алоқалари ўрнатиш.

Ширкат юридик ҳуқуқقا эга бўлиб, ўз номи акс эттирилган муҳрга эга бўлган<sup>273</sup>. Ширкатнинг асосий маблағи 1. 500. 000 олтин рубл бўлиб, сармоянинг 50 %, яъни 750. 000 рубли Хоразм Иқтисодий Кенгашига, қолган 50% эса РСФСРга тегишли бўлган<sup>274</sup>.

ХХСР иқтисодиёти қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлиб, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарига муҳтоҷ ҳисобланган. Бундан ташқари ирригация соҳасида ҳам бир қатор муаммолар бор эди. Жумладан, Амударёнинг чап қирғоги, хусусан, Жанубий Хоразм ерларига (Питнакдан то Қипчоққача) насослар орқали сугоришни ташкил қилиш зарур эди. Бу вазифа ҳам ширкат зиммасига юклатилган. Хоразм пахтачилигини тиклаш мақсадида ширкат қўриқ ерларни ўзлаштирган ва у ерларга сув чиқарган, пахта тозалаш заводларини таъмирлашда иштирок этган аҳолини мунтазам равишда тақдирлаб, пул ва озиқ-овқат маҳсулотларини арzon нархларда берган<sup>275</sup>.

<sup>273</sup> ЎзР МДА. 73-фонд, 1-рўйхат. 34-иш, 1-варак.

<sup>274</sup> ЎзР МДА. 73-фонд, 1-рўйхат, 34-иш 1-варакнинг оркаси.

<sup>275</sup> ЎзР МДА. 73-фонд, 1-рўйхат, 34-иш 17-варак.

Шуни айтиб ўтиш керакки, пахтачилик Хоразмда нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамият ҳам касб этган. Бироқ экин майдонларининг кўпайиши қишлоқ хўжалигининг ривожлашига ҳам сабаб бўлган. Шунинг учун Хоразм дехқонларини чўчитмаслик мақсадида дастлаб эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш керак эди. Чунки пахта майдонларининг кўпайиши аслида озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигини келтириб чиқарди. Кўпчилик бу нарсанинг моҳиятига дарров тушуниб етмаган. Шу мақсадда пахтачилик билан шуғулланган дехқонларга имтиёзлар берилиб, биринчи навбатда солиқлардан озод қилинган, иккинчидан, улар асбоб-ускуна билан таъминланган. Шу орқали дехқонлар ўз хўжалигини тиклаб олганлар.

1923 йил 21 ноябрда Хоразм Иқтисодий Кенгаши Хоразм Коммунистик партияси Марказий Қўмитасига ҳисобот берар экан, қуйидаги маълумотларни тақдим этган. Ўтган ярим йил ичидаги ширкат Хоразм худудида б та пахта қабул қилиш пунктини очган, З та пахта тозалаш заводи таъмирдан чиқарилиб, ишга туширишга тайёрланган, 20 вагон пахта толаси Москва-га жўнатилган, бундан ташқари, 25 минг пуд пахта хом ашёси жўнатишга тайёр бўлган<sup>276</sup>.

Рус-Хоразм пахтачилик ширкати Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашига Хоразм худудидаги пахта тозалаш заводларининг умумий ва якка тартибдаги қиймати тўғрисида ҳисобот берар экан, қуйидагиларни маълум қилган. Хоразмдаги пахта тозалаш ва совун ишлаб чиқарувчи заводларнинг умумий қиймати 463. 343 рубл 14 тийин бўлиб, улардан:

- а) Хивадаги собиқ Олтибош пахта тозалаш заводи 44. 621 рубл 55 тийин,
- б) Янги Урганчдаги Ярославский пахта ва совун заводи 100. 820 рубл 90 тийин,
- в) Янги Урганчдаги Крафтга тегишли совун ва пахта тозалаш заводи 142. 727 рубл 24 тийин,
- г) Янги Урганчдаги Баққоловнинг пахта заводи 54. 90 рубл 97 тийин,

<sup>276</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 29-иш, 230-варак.

д) Тошҳовуздаги Ярославский пахта заводи 21. 217 рубл 76 тийин,

е) Гурландаги Мануиловнинг пахта заводи 41. 155 рубл 52 тийин,

ж) Хонқадаги Азизбой Мадиёровнинг пахта заводи 35. 491 рубл 41 тийин,

з) Ҳазораспдаги пахта тозалаш заводи 17. 219 рубл турган<sup>277</sup>.

Хоразм Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг 1923 йил 2 ноябрдаги мажлисида юқоридаги пахта тозалаш ва совун ишлаб чиқарувчи заводларни пахтачилик ширкати ихтиёрига ўтказиш ҳақида қарор чиқарилган<sup>278</sup>.

1924 – 1925 йилги мавсумда Рус-Хоразм пахтачилик ширкати 5 та пахта тозалаш заводини Янги Урганч, Гурлан, Тошховуз, Хонқа, Хивада ишга туширишни мўлжаллаган. Бундан ташқари, Хива ва Янги Урганчда биттадан совун ишлаб чиқарувчи завод ишга туширишни режалаштирган<sup>279</sup>.

Рус-Хоразм пахтачилик ширкати Хоразм пахтачилигини тиклашда катта ишни амалга оширган. Пахтачиликнинг тикла ниши, биринчи навбатда, Хоразм кишлоқ хўжалигининг тикла нишига ёрдам берган, иккинчидан, кўриқ ерлар ўзлаштирилиб, пахта майдонлари кўпайган, учинчидан, янги ерларни сугориш учун машина насосларидан фойдаланиш йўлга қўйилган, тўртинчидан, уруш вақтида вайрон бўлган пахтачилик саноати тикланган.

Умуман олганда, ширкат ўз фаолиятини Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ва Хоразм Иқтисодий Кенгаши қўрсатмалари га асосланиб олиб борган. Натижада, Марказнинг пахтачилик саноати ривожланган районларига хом ашё етказиб бериш кўпайган ва ерлар давлат назоратига олинган. Пахта заводлари ва ерларни давлат ихтиёрига ўтказиш натижасида мулкчилик муносабатлари тутатилган.

<sup>277</sup> ЎзР МДА. 2027-фонд, 1-рўйхат, 41-иш, 6-варак.

<sup>278</sup> ЎзР МДА. 73-фонд, 1-рўйхат, 62-иш, 22-варакнинг орқаси.

<sup>279</sup> ЎзР МДА. 2027-фонд, 1-рўйхат, 41-иш, 6-варак.

1923 йил 29 апрелда Хоразм Иқтисодий Кенгаши қарорига кўра, унинг таркибий тузилишига бутунлай янги ўзгартиришлар киритилган:

- а) секретариат;
- б) канцелярия;
- в) статистика бўлими;
- г) молия бўлими;
- д) давлат режа бўлими;
- е) штатлар бўйича бўлим;
- ж) кўргазмалар ташкил қилиш бўлими<sup>280</sup>.

Статистика бўлими мамлакатдаги аҳоли, ер, экин майдонлари, чорва, қишлоқ хўжалик асбоблари, ички ва ташқи савдо ҳақида маълумотлар тўплаган. Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий конференцияси қарорларида ҳам БХСР ва ХХСРда статистика қўмиталарини ташкил қилиш ҳақида қарор чиқарилган<sup>281</sup>. Молия бўлими ХХСРнинг давлат бюджети ҳақида батафсил маълумот тўплаши керак эди. Давлат режа бўлими профессор Черданцев раҳбарлигига барча нозирликлар фолиятини текширган. Мамлакат ва жойлардаги муассасалар хўжалик режасини ишлаб чиқсан. Штатлар бўйича бўлим эса давлат идора ва ташкилотларининг иш ўринлари қисқариши ва соддалаштириш борасида режалар ишлаб чиқсан. Кўргазмалар бўлими Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий конференцияси қарорига кўра ташкил қилинган бўлиб, ХХСРнинг Бутунrossия қишлоқ хўжалик кўргазмасида қатнашишини таъминлаши керак эди<sup>282</sup>. Хоразм Иқтисодий Кенгаши раиси этиб яна А. Усмонов тайинланган<sup>283</sup>. 1923 йил 10 июня Хоразм Иқтисодий Кенгаши ХХСР Савдо ва ишлаб чиқариш нозирлигини қайта ташкил қилиш мақсадида маҳсус комиссия ташкил қилинди. Тафтиш натижаларига кўра, 1923 йил 12 августда но-

<sup>280</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 51-варак.

<sup>281</sup> ЎзР МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 11-варак.

<sup>282</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 119-варак.

<sup>283</sup> Хоразм вилояти давлат архиви (Хоразм ВДА), 590-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 153-варак.

зирлик ўрнида Иқтисодий Кенгаш таркибиға киругучи Савдо ва ишлаб чиқариш бўлими ташкил қилинди<sup>284</sup>.

1923 йил октябрда Бутун Хоразм Халқ вакилларининг IV курултойидан сўнг Хоразм Иқтисодий Кенгаши таркибиға куйидаги ўзгартиришлар киритилди:

- а) савдо ва ишлаб чиқариш бўлими;
- б) ер ишлари бўлими;
- в) молиявий бўлим;
- г) статистика бўлими;
- д) давлат режа бўлими<sup>285</sup>.

1923 йил 22 октябрдан Хоразм Иқтисодий Кенгаш раислиги Дмитрий Брюханов тайинланди<sup>286</sup>.

Бундан ташқари Хоразм Иқтисодий Кенгашига транспорт ва ёқилғи бўлими, солик бошқармалари, йўл транспорти бўлимлари бўйсунган. Умуман олганда, Хоразм Иқтисодий Кенгаши бошқа Иқтисодий Кенгашлар сингари, республикадаги олий хўжалик органи ҳисобланиб, мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларда етакчилик қилган. Жойларда иш фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Хоразм худудида вилоят иқтисодий кенгашларини ташкил қилган.

Хоразм Иқтисодий Кенгашининг вазифаларига куйидагилар кирган:

а) Хоразм Иқтисодий Кенгаши иқтисодий масалалар бўйича қабул қилинган қарорларнинг барча давлат идоралари томонидан бажарилишини назорат қилган<sup>287</sup>;

б) барча маҳалий кенгашлар устидан назорат, бошқарув ва келишувларни амалга оширган;

в) Ўрта Осиё республикаларининг Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашига тақдим этган хўжалик режаларини кўриб чиқсан ва уларни мувофиқлаштирган;

г) республика халқ хўжалигини ривожлантириш учун бар-

<sup>284</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 83-иш, 20 – 36- вараклар.

<sup>285</sup> ЎзР МДА, 71-фонд, 1- рўйхат, 45- иш, 25 – 29-вараклар.

<sup>286</sup> Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди... – Б. 52.

<sup>287</sup> ЎзР МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 36-варак.

ча мавжуд табиий ва хом ашё бойликларидан фойдаланишда ташаббус кўрсатган;

д) Хоразм Иқтисодий Кенгаши мажлисида қабул қилингандан қарорларни мажлисдан сўнг уч кун ичида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашига тақдим этиши керак бўлган;

е) Хоразм Иқтисодий Кенгаши XXCP ҳудудида ягона хўжалик режаларини тадбиқ этишда, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши қарорлари ва XXCP билан СССР, Туркистон АССР ва БХСР ўртасида тузилган шартнома ва келишувлар асосида амалга оширган<sup>288</sup>.

Хоразм Иқтисодий Кенгаши ўз муҳрига ҳам эга бўлган.

Иқтисодий Кенгаш бўлимлари юқоридаги вазифаларни амалга оширишда ўз ваколат доираларидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатган. Масалан, 1923 йил декабрда бўлган Хоразм Иқтисодий Кенгаш мажлисида аҳолидан олинадиган солик йигимлари ҳақида сўз кетиб, унга кўра, 10 танобгача ери бўлган қизил аскарлар ягона қишлоқ хўжалик солигидан озод қилинганд. Шунингдек, ерга ишловчи аъзолари бир киши бўлса, у ҳам барча давлат мажбуриятларидан озод қилинганд. Бу имтиёзга милиционерлар ҳам эга бўлган<sup>289</sup>.

1924 йилдан Хоразм Иқтисодий Кенгаши раиси вазифасида Үроз Ирманов ишлаган<sup>290</sup>.

1924 йил январдаги Хоразм Иқтисодий Кенгаши мажлисида солик бошқармаси жойлардаги солик ишларини тартиба солиш ва ривожлантириш мақсадида ўз вакилларини туманларга жўнатиш тўғрисида қарор чиқарган. Жумладан, Тошховуз туманига Иконников, Ҳазорасп туманига Шапов, Хўжайли туманига Мукин, Урганч туманига Парецкий, Хива туманига Мавескийлар жўнатилган. Тўғонбоевга эса барча вилоятлардаги солик ишларини текшириш ваколати юклатилган<sup>291</sup>.

<sup>288</sup> ЎзР МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 36 – 37-вараклар.

<sup>289</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 30- иш, 9-варак.

<sup>290</sup> Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди... – Б. 53.

<sup>291</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 30-иш, 12-варак.

Бундан ташқари, Хоразм Иқтисодий Кенгашининг молия бўлимига ҳунармандлардан солик йигиш тартибини кўриб чиқиш юклатилган. Унга кўра, ҳунармандлардан хонлик давридаги солик йигишни тўхтатиш ва улардан ҳам ягона давлат солиғи олиниши тўғрисида қарор чиқарилган<sup>292</sup>.

Хулоса килиб айтганда, большевиклар ташаббуси билан БХ-СРдаги каби Хоразмда ҳам 1920 йилда Хоразм Иқтисодий Кенгashi ташкил этилди. БХСРдан фарқли ўлароқ, Хоразм Иқтисодий Кенгashi таркибий тузилиши ва раҳбарлари 1921 – 1924 йиллар оралиғида вакти-вакти билан ўзгариб турган. ХХСРда ҳокимият бошликларининг ўзгариши билан ҳам қиёслаш мумкин. 1921 – 1922 йилларда Иқтисодий Кенгашда Шокир Сидиков, 1922 йилда А. Усмонов, 1923 йилда Дмитрий Брюханов, 1924 йилда Ўроз Ирманов раис вазифасида ишлаган. Хоразм Иқтисодий Кенгашининг таркибий тузилишидаги бу ўзгаришлар, албатта, Марказ манфаатларига мослаштириб олиб борилган. Хоразм Иқтисодий Кенгashi ўз фаолияти давомида кўплаб иқтисодий масалаларни кўриб чиқкан. Бу ҳолатни унинг турли йилларда фаолият юритган бўлимлари фаолияти орқали ҳам билиб олиш мумкин. Масалан, ер ишлари, савдо ва ишлаб чиқариш, молия, давлат иншоотлари, қишлоқ хўжалик кредити, пул бирлигини алмаштириш, пахта масаласи, республика бюджети, давлат режаси, статистика, чорва, саноат, кўргазмалар ташкил килиш ва бошка бўлимлар фаолияти бунга мисол бўлади.

Хоразм Иқтисодий Кенгashi ҳам мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Бухоро Иқтисодий Кенгashi каби Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашига ҳисобот берган. Бу кенгаш таркибида ҳам Рус-Хоразм ва вилоят иқтисодий кенгашлари фаолият олиб борган. Хоразм Иқтисодий Кенгashi хузурида Халқ Нозирлар Шўроси тасдиқлаган Ижтимоий сугурта қўмитаси ва Фавқулодда ҳолатлар учун олий тариф қўмитаси ташкил қилинган. Шунингдек, Хоразм Иқтисодий Кенгashi мамлакатда хўжалик

<sup>292</sup> ЎзР МДА. 73-фонд. 1-рўйхат, 22-иш, 13-варак.

соҳасида иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда Халқ Нозирлар Шўроси хузуридаги Иқтисодиёт, Ички ишлар ва Давлат режа қўмитаси нозирликлари фаолиятидан фойдаланган. Бундан ташқари, Хоразм Иқтисодий Кенгаши иш ўринларини тасдиқлаган, фавқулодда пул маблағлари эса Хоразм Иқтисодий Кенгашининг алоҳида маблағларидан ажратилган.

Хоразм Иқтисодий Кенгаши вазифаларига иқтисодий масалалар бўйича қабул қилинган қарорларнинг барча давлат идоралари томонидан бажарилишини назорат қилиш, барча маҳаллий кенгашлар устидан назорат, бошқарув ва келишувларни амалга ошириш, Ўрта Осиё республикаларининг Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашига тақдим этган хўжалик режалари ни кўриб чиққан ва уларни мувофиқлаштириш, республика халқ хўжалигини ривожлантириш учун барча мавжуд табиий ва хом ашё бойликларидан фойдаланишда ташаббус кўрсатиш, Хоразм Иқтисодий Кенгаши мажлисида қабул қилинган қарорларни мажлисдан сўнг уч кун ичида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашига тақдим этиш ва ҳоказолар кирган.

Бироқ, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши кўрсатмаси асосида иш юритган Хоразм Иқтисодий Кенгаши XXСРнинг Марказга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлишига ва унинг хом ашё базасига айланишида асосий роль ўйнаган. Хоразм Иқтисодий Кенгаши большевиклар назорати остида фаолият кўрсатган.

### **3. 2. Хоразм Иқтисодий Кенгашининг XXСРда олиб борган иқтисодий сиёсати**

Хоразм Иқтисодий Кенгаши асосий кўрсатмаларни Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашидан олиб турган. Бундан ташқари ўз фаолиятини олиб боришида у 1920 йилдаги РСФСР ва Хоразм Республикалари ўртасидаги 24 моддадан иборат Иттифоқ шартномаси ҳамда 15 моддадан иборат Иқтисодий битимга му-

вофиқ иш кўрган<sup>293</sup>. Унга кўра, Хоразм Республикаси ўзининг ички истеъмоли учун ортикча бўлган барча хом ашёсини, пахта ва пахта маҳсулотлари, мўйна, гилам, тери, жун, уругликлар – барча-барчасини РСФСР ихтиёрига бериши керак эди. Шунингдек, ХХСР бошқа давлатлар билан эркин савдо қилиш хукувидан ҳам маҳрум этилганди. Хоразмнинг иқтисодиёти эса Россия эҳтиёжларига мослаштирилган эди<sup>294</sup>.

Шундай қилиб, Хоразм Иқтисодий Кенгаши ўз фаолиятини юритишида биринчи навбатда Россия манфаатларини кўзлаб, иқтисодий ислоҳотларни олиб бориши керак эди. Бу ҳолатни Хоразм Иқтисодий Кенгаши ўтказган мажлислар ва бўлимлар фаолиятидан ҳам билиб олиш мумкин.

Асосий эътибор аввало ерга қаратилган бўлиб, мисол тарикасида 1923 йил 28 майдаги Хоразм Иқтисодий Кенгаши мажлисида вакфларга тегишли ерлар, улардан олинадиган ҳосил ҳакида сўз юритилган<sup>295</sup>. Жумладан, вакфларга тегишли ерлар ХХСР худудида 471. 440 танобни ташкил қилиб, шундан ишлов берилгани 178. 001 танобни, ишлов берилмагани 293. 439 танобни ташкил қилган. Ўлчанмаган ерлар 25% ни ташкил қилиб, унинг ярми яроқли, ярми яроқсиз ҳолда бўлган. Ер ишлари нозирлиги ушбу ерларнинг 10% ини ижарага олиб ишлатган, қолган ерлар аввалгидек Маориф нозирлиги тасарруфида қолган. Ижарага берилган ерлардан 124. 467 ботмон ғалла ва эски пул бўйича 28 миллион рубл фойда олинган<sup>296</sup>. Демак, кўриниб турибдики, Хоразмдаги вакф ерлари Маориф нозирлиги тасарруфида бўлиб, Ер ишлари нозирлиги ундан ижарага олиб фойдаланган.

1923 йил 18 июлда бўлган Хоразм Иқтисодий Кенгашининг навбатдаги мажлиси кун тартибида 1923 – 1924 йилги ХХСР Ер ишлари нозирлигининг режаси муҳокама қилинган<sup>297</sup>. Но-

<sup>293</sup> ЎзР МДА. 69-фонд. 1-рўйхат, 2-иш, 1-варак.

<sup>294</sup> ЎзР МДА. 69-фонд. 1-рўйхат, 2-иш, 1-варак.

<sup>295</sup> ЎзР МДА. 73-фонд. 1-рўйхат, 36-иш, 8-варак.

<sup>296</sup> ЎзР МДА. 73-фонд. 1-рўйхат, 36-иш, 8-варак.

<sup>297</sup> ЎзР МДА. 73-фонд. 1-рўйхат, 36-иш, 53-варак.

зирликнинг маълумотларига кўра, республикадаги сугорила-диган экин майдони 527. 160 таноб ёки 219. 650 десятинани ташкил қилған. Шундан Даргомота туманида 13050 таноб, Питнакда 5941 таноб, Ҳазораспда 24552 таноб, Бешариқда 30218 таноб, Хивада ва Оқдарбандда 80265 таноб, Ҳонқада 13850 таноб, Урганчда 23890 таноб, Қиёт-Қўнгиротда 10354 таноб, Қиётда 12521 таноб, Қўшқўпирда 8707 таноб, Ғазовотда 6256 таноб, Шоҳободда 8606 таноб, Тахтабозорда 27755 таноб, Амбарманоқда 15235 таноб, Гурланда 31280 таноб, Қиличниёзбек ва Кўкчаганды 14152 таноб, Хитойда 9260 таноб, Тошҳовузда 40513 таноб, Илялида 48591 таноб, Мангитда 18341 таноб, Қипчоқда 6384 таноб, Порсуда 26603 таноб, Хўжайлида 11770 таноб, Кўхна Урганчда 7500 таноб, Шуманайда 7818 таноб, Қўнгиротда 23676 таноб ерни ташкил қилган. Қўрсатилган ерлардан ташқари яна Қорақум сахроси, ботқокликлар ва бошқа ерларда 10. 000. 000 таноб ёки 4. 166. 667 десятина ер мавжуд бўлган<sup>298</sup>.

1923 – 1924 йилдаги хўжалик режасига кўра, Хоразмда давлат ерлари ва шахсий томорқалар харитасини тузиш ишлаб чиқилган. Бу, биринчидан, давлат ер фондида қанча ер борлигини, шахсий ерлар ҳамда яширин ерларнинг қанчалигини аниқлаган. Иккинчидан, давлат ер фондининг шу орқали кам ерли ва ерсиз дехқонларга ер тақсимлашини осонлаштирган. Ер ишлари нозирлигининг маълумотларига кўра, барча ерлар 530.000 танобни ташкил қилган. 1923 йил 4 ноябрдаги маълумотларга кўра, XXСРдаги ерлар майдони 450.000 десятинани ташкил қилган, шундан экишга яроқли ерлар 376.000 десятина ни ташкил қилган ёки 902.000 танобга тўғри келган<sup>299</sup>.

Умумий маълумотларга кўра, XXСРда 80 мингдан 100 мингтагача хўжалик мавжуд бўлиб, ўртача ҳисобда уларнинг сонини 100 минг хўжалик дейиш мумкин. Шундан 6100 хўжа-

<sup>298</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 36-иш, 53-варак.

<sup>299</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.)... – С. 269.

лик кўчманчи ҳаёт кечирган. Хўжаликлар миқдоридан келиб чиқадиган бўлса, республика аҳолиси таҳминан 800 минг – 1 млн кишини ташкил қилган, шаҳар аҳолиси 7 % ни, қишлоқ аҳолиси 93% ни ташкил қилган. Суғориладиган ерларнинг умумий майдонини аниқлаш қийин кечган. Сабаби, 1923 йилгача Хоразмда қишлоқ хўжалигида статистик маълумотлар олиб борилмаган ва кўпгина ерлар заминдорлар томонидан яширилган.

Шуни айтиш жоизки, Хоразмда америка навли пахта жанубий, марказий ва шимолий ерларда экилган. Лекин асосий пахта экиладиган туманлар Жанубий Хоразм ва Марказий Хоразм ҳудудлари ҳисобланган. Шимолий ҳудудда кўпроқ ғалла, чорвачилик ривожланган, яйлов ерлар кўп бўлган<sup>300</sup>.

Юқоридаги хўжалик режасининг текшируви Туркистон халқ университети профессори Черданцев томонидан амалга оширилган. Черданцев бу маълумотларни аввал Хоразм Иқтисодий Кенгашига, сўнгра РСФСР Ер ишлари халқ комиссари Смирновга тақдим этган. Бу текширувни ўтказишдан асосий мақсад, XXCP ҳудудидаги барча ерларни ҳисоблаш, шунга мувофиқ Хоразмнинг хўжалик режасини ишлаб чиқиши эди. Чунки Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгashi ва Ўрта Осиё Республикалари иқтисодий конференциясида кўрилган масалалар давлат аҳамиятига молик ҳисобланиб, улар қўйида гилардан иборат бўлган: иригация, қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши, транспорт, алоқа, ижтимоий таъминот, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш масалалари ва ҳоказо<sup>301</sup>.

Хоразм қадимдан сугорма дехқончиликка асосланган давлат бўлиб, қишлоқ хўжалигини тиклашдаги биринчи масала иригация соҳаси эди. Бу Хоразм Иқтисодий Кенгashi ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашларининг назаридан четда қолмаган. Чунки Хоразм воҳасида Амударё қирғоқлари бўйлаб бир неча минглаб чиғириқ ва чархпалаклар курилган бў-

<sup>300</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.)... – С. 270.

<sup>301</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.)... – С. 270.

либ, Хоразм дәхқонлари дәхқончиликдан доимо юқори ҳосил олишга интилишган. Шуни ҳисобга олган ҳолда, 1923 йил 16 июндаги Хоразм Иқтисодий Кенгашининг навбатдаги мажлисида Туркистан сув хўжалигига бошқармасига Хоразмдаги ирригация тармогини мустаҳкамлаш ва яхшилаш вазифаси юклатилган<sup>302</sup>.

Хоразм Иқтисодий Кенгашига 1923 йил 4 ноябрда тақдим этилган маълумотга кўра, Хоразмдаги ирригация тизими уч ҳудудга бўлинган. Биринчиси – жанубий ҳудуд, у Дарғомотадан бошланиб Янги Урганчгача, иккинчиси – марказий ҳудуд, Даудан ўзанидан ғарбга томон Хўжайлигача, учинчиси – шимолий ҳудуд, Хўжайлидан шимолга, Орол денгизига қадар чўзилган.

Хоразмдаги умумий ирригация тизимини қуидаги тўрт гурӯхга бўлиш мумкин<sup>303</sup>:

- 1) магистрал каналлар;
- 2) магистрал каналлардан очилган анхорлар;
- 3) йирик суғориш ариқлари;
- 4) майда-майда ариқлар.

Шунга мувофиқ Полвонариқ, Ғазовот, Ёрмиш, Қиличиёзбой, Мангит, Сухбет, Лавзон, Хонёб йирик каналлар бўлган. Иккинчи даражали каналлар сони 138 тани ташкил қилган.

Хоразмдаги барча каналлар узунлигини аниқ ҳисоблаш мумкин бўлмаган. Асосий каналларнинг умумий узунлиги ўртача икки минг верстни, тармоқ каналларининг умумий узунлиги эса беш минг верстни ташкил қилган<sup>304</sup>. Хоразмда йирик каналларни ёп деб айтишган.

Хоразмдаги суғориш тизимларининг тозалигини қадим-қадимдан ҳалқ ўз зиммасига олиб келган. Шунга кўра, 1923 йилдаги маълумотларга кўра, 9 та йирик канал-

<sup>302</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 1. – С. 59.

<sup>303</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.)... – С. 270.

<sup>304</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.)... – С. 270.

ларни тозалаш ишлари давлат назоратида халқ томонидан амалга оширилган. Қолган арикларни аҳоли ҳашар йўли билан тозалаган. Каналларни тозалаш ишларида 1. 096. 000 олтин сўм сарфланган. Унга 50 минг одам сафарбар қилиниб, улар 5 – 6 ҳафта ишлаган<sup>305</sup>.

Бундан ташқари, ирригация соҳасида этник ва сиёсий масала ўзбек ва туркман аҳоли ўртасидаги сув можаролари ҳисобланган. Чунки, ўзбеклар каналларнинг бошида жойлашган бўлиб, натижада туркман аҳоли сув танқислигидан озор чеккан.

1923 йил охирида Хоразм Иқтисодий Кенгаши раиси Д. Брюханов қилган республика халқ хўжалигининг ҳолати ва уни яхшилаш борасидаги ҳисботида, ирригация соҳасидаги ўзгаришлар борасида 1923 – 1924 йиллардаги хўжалик режасида қўйидаги уч йўналишда иш олиб бориш кўзда тутилган<sup>306</sup>:

1) 9 та йирик каналларда давлат назоратини кучайтириш ва тозалигини текшириш;

2) 138 та майда ва ўрта ариқлар устидан ҳам давлат назоратини ўрнатиш;

3) Амударёни жойлардаги қиргоқларини ва тўғонларни мустаҳкамлаш.

Биринчи галдаги вазифа 9 та йирик каналларни тозалаш ишлари бўлиб, бу ишларга аҳоли 12 кундан 20 кунгача ҳашар йўли орқали ишлаши кўзда тутилган. Бунинг учун 35660 киши, шундан 450 та отлик киши сафарбар этилган. Керакли материални 1930 та аравада ташиш уларга юклатилган. Шундан сўнг, 138 та ўрта ва майда типдаги ариқларни тозалаш лозим бўлиб, бу ишларга 32 минг ишчи кучи 24 кун давомида ишлаши кўзда тутилган. Амударёning қиргоқларини мустаҳкамлаш ишларига 17800 ишчи кучи керак бўлган<sup>307</sup>.

<sup>305</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.)... – С. 271.

<sup>306</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 5 – 6-вараклар.

<sup>307</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 5 – 6-вараклар.

1923 – 1924 йилларда хўжалик режаси бўйича ирригация соҳасида асосий ишлардан бири бўлган суғориш тизимини механизациялаш ҳисобланарди. Бундан ташқари, Питнак туманидаги сув таъминотини яхшилаш керак эди, чунки шу йўл билан туркман аҳолисини сув билан таъминлаш муаммоси ечилади.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, ирригация тизими XXСРда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий аҳамият касб этган. Буни яхши англаған большевиклар, ҳокимият тепасига келган дастлабки кунлариданоқ, Хоразмдаги суғориш тизими ни яхшилашга эътиборини қаратган. Бироқ арикларни тозалаш ва таъмирлаш ишлари меҳнаткаш аҳоли гарданига юқлатилиган. Чунки улар давлат учун текин ишчи кучи саналган ва давлат ҳам бундан манфаатдор бўлган.

Қишлоқ хўжалигида қилинган асосий ишларга, 1923 йил 20 мартағи маълумотларга кўра, 100 минг танобни ташкил қилган давлат ерларининг 20 минг таноби кам ерли ва ерсиз дехқонларга берилганлиги ҳамда 3 минг таноб ер эса ҳаракатдаги қизил аскарларга тақсимланганлигини айтиб ўтиш мумкин. Ҳар бир одамга 1 танобдан 2,5 танобгача ер тўғри келган<sup>308</sup>. 1923 йил 4 ноябрь ҳисботидаги маълумотларга кўра, ерга эгалик қилиш бўйича бутун аҳолини куйидаги беш гурухга бўлиш мумкин бўлган: биринчи гурух – бир танобдан 3 танобгача ери бўлган аҳоли 40%, иккинчи гурух – 3 танобдан 5 танобгача ери бўлган аҳоли 25%, учинчи гурух – 5 танобдан 10 танобгача ери бўлган аҳоли 20%, тўртинчи гурух – 10 танобдан 20 танобгача ери бўлган аҳоли 10%, бешинчи гурух – 20 танобдан олган кўп ери бор аҳоли 5% ни ташкил қилган. Ўзбеклар, туркманлар ва қорақалпоқлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан турлича миқдорда ҳосил олишган. Ўзбеклар дехқончиликнинг пири бўлишган. Буни куйидаги жадвалдан ҳам билиб олиш мумкин.

<sup>308</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.)... – С. 200.

**ХХСР аҳолисининг деҳқончиликдан олган ҳосил  
миқдори (бир таноб ердан олинган ҳосил миқдори)**

Т/р	Туманлардаги хўжаликлар	Хонка, Урганч, Хива – ўзбеклар хўжалиги	Тошховуз, Ғазовот – туркманлар хўжалиги	Кўнгирот, Хўжали, Хитой– коракалпоқлар хўжалиги
1	Буғдои	50 ботмон	25 ботмон	30 ботмон
2	Жўхори	55 ботмон	35 ботмон	7 ботмон
3	Пахта (америка навли)	25 ботмон	–	–
4	Гуруч	75 ботмон	35 ботмон	–
5	Беда	2500 боф	1000 боф	2000 боф
6	Қовун	1000 дона	600 дона	500 дона
7	Мош	20 ботмон	15 ботмон	10 ботмон
8	Кунжут	15 ботмон	9 ботмон	15 ботмон
9	Тарик	30 ботмон	20 ботмон	20 ботмон
10	Пахта (маҳаллий гўза)	–	15 боф	10 боф
11	Арпа	–	15 ботмон	25 ботмон

Жадвалдан ҳам кўриниб турибдики, баъзи маҳсулотлар, айниқса, америка навли пахтанинг ҳосилдорлиги жуда камайиб кетган. Ҳосилдорликни ошириш учун биринчи навбатда деҳқонларнинг меҳнатини рағбатлантириш, иккинчидан, хўжаликларни техника билан таъминлаш зарур бўлган, учинчидан, суғориш тизимини механизациялаштириш зарур эди.

1923 йил охирларида Хоразм Иқтисодий Кенгаши мажлисидағи қишлоқ хўжалигидаги асосий масалалардан бири, биринчидан, тажрибали мутахассисларнинг етишмаслиги<sup>309</sup>, иккинчидан, машина ёрдамида ишлов беришни таъминлашнинг

<sup>309</sup> ЎзР МДА. 73-фонд. 1-рўйхат. 8-иш, 8-варак.

камлиги ва тажриба участкаларининг йўқлиги деб эътироф этилган. Мажлис қарорига кўра, Хоразмга З та агроном таклиф этиш, Янги Урганчдаги Бакқоловнинг еридан 170 – 200 таноб ерни тажриба участкаси учун ажратиш, Янги Урганч ва Хивада бодгорчилик участкаси ташкил қилиш учун З таноб ер ажратиш ҳақида қарор чиқарилган.

Бундан ташқари, мажлисда Хоразмдаги яроқли ерларга экин экиш қуийдагича тақсимланган.

#### 6-жадвал

#### **XXСРда ерларга экиладиган экинлар микдори**

№	Экинлар номи	% хисобида
1	Пахта (америка навли)	1%
2	Жўхори	23%
3	Буғдой	17%
4	Беда	10%
5	Гуруч	5%
6	Мош	2%
7	Кунжут	3%
8	Пахта (маҳаллий ғўза)	9%
9	Полиз экинлари	10%
10	Бошқа экинлар	10%
11	Дам оладиган ерлар	10% <sup>2</sup>

Иккала жадвалдан ҳам кўриниб турибдики, большевикларни ташвишлантириб келган масалалардан бири пахта учун кам ер ажратилгани ва кам ҳосил олингани эди. Шуни ҳисобга олиб, америка навли пахта етиштиришни кўпайтириш мақсадида совет хукумати деҳқонларга турли имтиёзлар берган.

Янги Урганчдаги Шовот ариги яқинидаги собиқ амалдор Ризаевга қарашли 700 таноб қаровсиз ерни «Хорцентрсоюз»-

га бериш түғрисида 1923 йил 10 декабря қарор чиқарылган. Бу ер уч йил муддатта берилиб, «Хорцентросоюз» фойданинг катта қисмини давлатга берган, лекин ягона қишлоқ хұжалик солиғидан озод қилинмаган<sup>310</sup>.

Хоразм Иктисодий Кенгаши ХХСР Ер ишлари нозирлигига 1924 – 1925 йилда қишлоқ хұжалигини ривожлантириш мақсадида асосий вазифа қилиб қуидагиларни белгилаган:

- а) қишлоқ хұжалик маҳсулотларининг нархини күтариш (биринчи навбатда пахтанинг);
- б) маҳаллий ғуза ўрнига америка навли пахта экишни күпайтириш;
- в) сув хұжалигини тубдан яхшилаш, уни механизациялаш ва суғориладиган ерларни күпайтириш;
- г) ерларга ишлов беришда техникадан күпроқ фойдаланиш;
- д) дәхқон хұжалигини иш ҳайвонлари ва меҳнат қуроллари билан таъминлаш;
- е) ахолига агрономлик ёрдами күрсатишни кенгайтириш. Бундан ташқари беда етиштиришга алоҳида эътибор берилиб, беда уруғини четга сотишни режалаштирган<sup>311</sup>.

Навбатдаги соҳа чорвачилик бўлиб, чорвачиликда 1923 йилгача умумий ҳисобот олиб борилмаган. Тахминий қилинган ҳисоб-китобларни умумлаштирганда ХХСР ҳудудида отлар 234. 780 бош, туялар 292. 700 бош, йирик шохли қорамоллар 494. 820 бош, қўйлар 2. 585. 000 бош, эшаклар 221. 550 тани ташкил қилган<sup>312</sup>.

Хоразмнинг жанубий ва марказий туманларида чорва сони кескин камайган, масалан, отлар 30% га, йирик шохли қорамоллар 40% га, қўйлар 20% га камайган. Шуни ҳисобга олиб, Хоразмда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида қуидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- а) йилқичилик борасида ёвмуд ва маҳаллий юқ ташувчи отлар сонини күпайтириш;

<sup>310</sup> ЎзР МДА. 73-фонд, 1-рўйхат, 33-иш, 9-варақ.

<sup>311</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 2 – 3. – С. 212.

<sup>312</sup> ЎзР МДА. 73-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 8-варақ.

б) йирик шохли қорамолчилик борасида маҳаллий қорақалпоқ шохли сигирларини күпайтириш;

в) қўйчилик соҳасида асосан З та навли қўйлар: қоракўл тери олинадиган араби қўйлар, шунингдек, гўштдор думбали ва туркман зотли қўйлар етиширишни кўпайтириш.

Юқоридаги ишларни амалга ошириш учун давлат томонидан 40 минг рубл ажратилган<sup>313</sup>.

1923 – 1924 йилдаги режага қўшимча равишда чорвачилик соҳасида янги ютуклар қўлга киритиш учун Янги Урганч, Порсу ва Қўнғиротда врач-ветеринарлик пункти; Питнак, Тошқовуз, Хўжайли ва Хивада фельдшер-ветеринарлик пунктлари очиш режалаштирилган<sup>314</sup>.

Товар ишлаб чиқаришга келсак, Хоразм Халқ Совет Республикасида пахта тозалаш, терини қайта ишлаш, ғишт заводлари ва собиқ хонга тегишли бўлган корхоналар мавжуд бўлган. 1923 – 1924 йилларда ХХСРда ишлайдиган корхоналар қўйидагилар бўлган:

1. Хоразм Иқтисодий Кенгаши тасарруфидаги электростанция (унинг таркибида тегирмон ҳам бўлган).

2. Хоразм Коммунистик Партияси Марказий Комитети (ХКП МК) тасарруфидаги типолитография.

3. Пахта тозалаш заводлари – Янги Урганчда: Рус-Хоразм пахта ширкатига қарашли Крафт заводи, Хорцентроюзга қарашли Мануилов заводи (аниқроғи ижарада), Ризаев заводи (кимга қарашлилиги номаълум); Хивада: Хоразм Иқтисодий Кенгаши таркибидаги Хива савдогарлар ширкатига қарашли Баққолов заводи; Гурланда: Рус-Хоразм заводи пахта ширкатига қарашли Мануилов заводи<sup>315</sup>; Тошқовузда: Рус-Хоразм пахта ширкатига қарашли Чилянов заводи.

4. Тери заводи – Янги Урганчда: Солижоновнинг собиқ заводи, Хонқада: Мануиловга ижарага берилган Палекиннинг заводи.

<sup>313</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 8 – 10-варак.

<sup>314</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 11-варак.

<sup>315</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 5 – 6-вараклар.

5. Оқсоқол Азимовга ижарага берилган бешта ғишт заводи.

Ишга яроқсиз корхоналар: Янги Урганч ва Тошховуздаги Баққолов ва Ярославскийнинг пахта заводлари<sup>316</sup>.

Хоразм Иктисадий Кенгаши ушбу заводларнинг барчасини ишга тушириш ва яроқсиз корхоналарни таъмирлаш ишларини олиб борган. Шу билан мамлакатда пахта хом ашёсини кўпроқ етишириш ва Марказга жўнатиш ишларини амалга оширган.

XXСРда транспорт тизими ҳам аянчли аҳволда бўлиб, курукликда вилоятлараро отлиқ, арава ва сув йўллари мавжуд бўлган. Вилоятлараро транспорт йўлининг узунлиги икки минг верстни, сув йўли минг верстни ташкил қилган. Бундан ташқари давлат отлиқ арава транспорти мавжуд бўлиб, унда 276 та арава ва 299 та от мавжуд бўлган. Бу транспорт тури биринчи навбатда ҳарбий соҳа учун хизмат қилган<sup>317</sup>.

1924 – 1924 йилдаги XXСРнинг хўжалик режасига кўра республикалар ўртасида почета-телеграф алоқасини, яъни Тўрткўл-Хива линиясини мустаҳкамлаш назарда тутилган. Бунда Тўрткул, Оққамиш, Питнак, Садивар, Данимер, Жигинбер, Дарғомота, Гавиртили, Даҳатон, Қабокли, Ҳасантоғ, Дехнав, Оқтош, Чоржўй орқали 380 верстни ташкил қилган алоқа тизимида хавфсизлик чораларини кўришга асосий эътибор картилган.

Арава транспорти йўлининг узунлиги 460 верст бўлиб, улар Хива-Шоҳобод оралиғи 45 верст; Шоҳобод-Тошховуз 50 верст; Тошховуз-Порсу 45 верст; Порсу-Хўжайли 57 верст; Хива-Ҳазорасп 80 верст; Ҳазорасп-Питнак 30 верст; Питнак-Дарғомота 120 верст; Хўжайли-Кўхна Урганч оралиғи 33 верстни ташкил қилган. Шундан Хивада 128 та, Шоҳобода 25 та, Тошховузда 35 та, Порсуда 27 та, Хўжайлида 19 та, Кўхна Урганчда 17 та, Ҳазораспда 11 та, Питнакда 5 та, Дарғомотада 19 та арава мавжуд бўлган<sup>318</sup>.

<sup>316</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 5 – 6-вараклар.

<sup>317</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 5 – 6-вараклар.

<sup>318</sup> ЎзР МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 21иш, 33-варак.

## ХХСРнинг 1924 – 1925 йиллардаги хўжалик режасида · Марказдан олиб келиш зарур бўлган маҳсулотлар

Т/п	Маҳсулот номи	Микдори	Суммаси
1	Шакар	45000 пуд	450.000 рубл
2	Чой	10000 пуд	600.000 рубл
3	Газмол	31 вагон	1.560.000 рубл
4	Идиш-тавоқ	–	66.000 рубл
5	Машина, асбоб-ускуна ва металлар	–	100.000 рубл
6	Ун	–	60.000 рубл <sup>3</sup>

Амударёдан маҳсулот ташиш ва одамларга хизмат кўрсатишида кайиқлардан ташқари Амударё флотилияси, Хива транспорт жамияти, Кавказ-Меркурий ва Рус-Шарқ жамиятлари кемаларидан ҳам фойдаланилган<sup>319</sup>.

Лекин шунга қарамасдан мамлакатга маҳсулот олиб келиш ва ундан хом ашёни олиб кетиш асосий муаммолардан бири бўлиб қолаверган. Чунки Республика туман ва қишлоқлари-нинг темир йўлдан узоқлиги ва унинг дарё транспорти билан доимий алоқа қилмаслиги ХХСРга маҳсулот етказиб беришни қийинлаштирган.

1924 – 1925 йилдаги ХХСРнинг хўжалик режасига кўра қўйидаги маҳсулотларни Марказдан олиб келиш муҳим бўлган. Шундан, 1924 йил октябрь ва ноябрь ойларида қўйидаги маҳсулотларни олиб келиш кўзда тўтилган: ун 25 минг пуд, шакар 12 минг пуд, чой 4 минг пуд, газмол 20 вагон, идиш-тавоқ 3 вагон, тагчарм 1 минг пуд, қишлоқ хўжалик машиналари ва майдада асбоб-ускуналар 5 минг рубллик, кетмон ва белкурак учун темир 5 минг пуд. Маҳсулотларнинг умумий нархи 1. 800. 000 рубл бўлган. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, ушбу маҳсулотлар ХХСРни 1925 йил баҳоригача таъминлаши керак эди. Лекин бу маҳсулотлар давлат ва халқ эҳтиёжини тўлиқ таъминлай олмаган.

<sup>319</sup> ЎзР МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 21-иш, 36-варак.

Товар етказиб бериш факат кема қатнови вақтида, яъни апрель-ноябрь ойларида бирмунча жонланган. Қиши ойларида маҳсулот олиб келиш ва хом ашёни олиб кетиш бир талай муммаларни келтириб чиқарган. Бундан ташқари Ўрта Осиёдаги кўпгина товар етказиб берувчи ташкилотларнинг бўлимлари ХХСРда фаолият кўрсатмаган. Масалан, Бутун Россия Текстил синдикати, Чой бошқармаси, Резинатрест ва ҳоказо ташкилотларнинг бўлимлари Хоразмда бўлмаган<sup>320</sup>.

1923 йил 31 октябрда Москвада ТАССРдан Муҳаммаджон Исаев, БХСРдан Абдурахим Юсуфзода, ХХСРдан Матчонбоев, “Добролёт” (Россия) ширкатидан Игнатий Львовичлар ўртасида Ўрта Осиё республикаларини ҳаво йўли билан боғловчи Бухоро – Хива – Тошкент – Олмаота йўналишида йўловчи ташувчи самолётлар линиясини ташкил қилиш бўйича шартнома имзоланган. «Добролёт» уюшмаси 1924 йил 1 апрелдан фаолият кўрсатиши ва томонлар шартномани имзолагандан сўнг, 400 минг рублдан ширкат жамгармасига пул ажратиши керак эди<sup>321</sup>.

1923 йил 28 ноябрда бўлган Хоразм Иқтисодий Кенгаши мажлисида Хива шаҳрида битта аэродром қуриш учун 25985 рубл 42 тийин, аэродромда асбоб-ускуна омбори учун 274 рубл 30 тийин ажратилган<sup>322</sup>.

Ҳаво транспортининг ишга туширилиши, биринчи навбатда республикалардан хом ашё ташиб кетишни осонлаштиришни кўзда тутса, иккинчидан, ҳарбий мақсадларда ҳам мўлжалланган эди. Яна бир мисол: Хоразм Иқтисодий Кенгаши 1923 йил 3 – 4 майда Рус-Хоразм ширкати фондидан Янги Урганч ва Оқтала оралиғида юқ ташишни осонлаштириш мақсадида 150. 000 рубл маблағ ажратган<sup>323</sup>.

<sup>320</sup> ЎзР МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 21-иш, 36-варак.

<sup>321</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 13-варак.

<sup>322</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 5 – 6-вараклар.

<sup>323</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 1. – С. 59.

1924 йил апрель-май ойларида Ўрта Осиё республикаларининг II иқтисодий конференцияси бўлиб ўтди. Унда Шулимов XXСРдаги иқтисодий ислоҳотлар борасида, хусусан савдо-сотик борасида нутқ сўзлаб, ички савдонинг 99% хусусий савдогарлар қўлида эканлиги тўғрисида маълумот берган. Шунингдек, ички савдодаги кооперацияларнинг маблаги 13 минг рублни ташкил қилган, давлат томонидан яна 10 минг рубл ажратилган. Ички савдодаги умумий капитал миқдори 800 минг рублни ташкил қилган Лекин бу сумма билан йирик савдо операцияларини ўтказиш бирмунча қийинроқ кечган<sup>324</sup>.

Демак, кўриниб турибдики, Хоразм Иқтисодий Кенгаши XXСРдаги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда барча соҳаларда бошқарувчилик вазифасини бажарган. Буни ирригация, қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши ва транспорт соҳасида олиб борилган сиёсатдан кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразм Иқтисодий Кенгаши республикада большевикларнинг иш бошқарувчиси вазифасини бажариб, барча соҳалардаги ўзгаришларда сўнгги қарорларни чиқарган. Хоразм Иқтисодий Кенгаши барча кўрсатмаларини Марказдан олиб турган. Натижада XXСР иқтисодиётининг Марказ манфаатларига мослашишида катта ишни бажарган. Бунга Хоразм Иқтисодий Кенгаши ўтказган мажлислар ва уларнинг чиқарган қарорлари мисолида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. БХСРдаги каби XXСРда ҳам асосий эътибор ерга қаратилган бўлиб, Туркистон халқ университети профессори Черданцев томонидан Хоразмдаги умумий ер майдонлари, сугориш тизими, чорвачиликнинг ахволи борасида текширув ўтказилади. Черданцев бу маълумотларни аввал Хоразм Иқтисодий Кенгашига, сўнгра РСФСР Ер ишлари халқ комиссари Смирновга тақдим этган. Бу текширувни ўтказишдан асосий мақсад, XXСР ҳудудидаги барча ерларни ҳисоблаш, шунга мувофиқ Хоразмнинг хўжалик режасини ишлаб чиқиш эди.

<sup>324</sup> Туркестанская правда. 4 мая. 1924. № 97.

Мамлакатда ирригация тизими уч қисмли бўлиб, ирригация тизимини ривожлантириш паҳтачиликка жуда катта фойда келтирган. Шу мақсадда 1923 – 1924 йилларда хўжалик режаси бўйича ирригация соҳасидаги асосий ишлардан бири сугориш тизимини механизациялаш хисобланган. Бундан ташқари, ирригация соҳаси этник ва сиёсий масала ҳам бўлиб, ўзбек ва туркман аҳоли ўртасидаги сув можароларини келтириб чиқарган. Чунки, ўзбеклар каналларнинг бошида жойлашган бўлиб, натижада туркман аҳоли сув танқислигидан озор чеккан. Бироқ ариқларни тозалаш ва таъмирлаш ишлари меҳнаткаш аҳоли гарданига юклатилган. Чунки улар давлат учун текин ишчи кучи саналган ва давлат ҳам бундан албаттa манфаатдор бўлган.

Хоразмда чорвачиликни ривожлантириш учун ёвмуд ва маҳаллий юк ташувчи отлар сонини кўпайтириш, маҳаллий қорақалпок шохли сигирларини кўпайтириш, коракўлтери олинадиган араби қўйлар, шунингдек, гўштдор думбали ва туркман зотли қўйлар етиштиришни кўпайтириш каби чора-тадбирлар олиб борилди.

Хоразм Иқтисодий Кенгаши ҳам республикада алоқа, темир йўл, ҳаво, қайик ва арава транспортини ривожлантиришдан манфаатдор эди. Шу мақсадда, 1923 йил 31 октябрда Москвада Ўрта Осиё республикаларини ҳаво йўли билан боғловчи Бухоро–Хива–Тошкент–Олмаота йўналишида йўловчи ташувчи самолётлар линиясини ташкил қилиш бўйича шартнома имзоланган. 1924 – 1924 йилдаги XXСРнинг хўжалик режасига кўра республикалар ўртасида почта-телеграф алоқасини, яъни Тўрткул–Хива линиясини мустаҳкамлаш на зарда тутилган.

Большевиклар Хоразм Иқтисодий Кенгаши орқали мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларни олиб боришида Марказ манфаатларидан келиб чиқиб иш тутган. Чунки большевиклар республикалар иқтисодиётининг Марказ таъсирига тушишини таъминлаб бериши керак эди. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши

ұтказған мажлисларнинг аксаиятида пахтачилик соҳасини ривожлантириш ёки мамлакатдаги хом ашёни Марказга жұнатиш учун күрилган тадбирлар ҳақида гап кетиши бунинг яққол исботидир.

Хуллас, Хоразм Иқтисодий Кенгashi ташкил топған дастлабки давлардан бошлаб ХХСРда иқтисодий ислоҳотларни ұтказиша улкан вазифани бажарған. Бироқ Марказ таъсирида, хусусан, 1923 – 1924 йилларда Үрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг тазиикі остида Хоразм Иқтисодий Кенгashi аста-секин большевикларнинг кўрсатмаларини бажаришга ва Марказ манфаатларига хизмат қилишга мажбур бўлган. 1924 йил ноябрда Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси қарорига кўра, Хоразм Иқтисодий Кенгashi ўз фаолиятини тўхтатган.

### **3. 3. Минтақага Марказ таъсирининг қучайиши ва Үрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг тузилиши**

Бухоро ва Хоразмдаги сиёсий ҳокимиятни қўлга киритган большевиклар дастлабки кунданоқ республикалар иқтисодиётини Марказ манфаатларига бўйсундиришга зўр бериб интила бошлишди. Жумладан, 1920 йил 13 сентябрда РСФСР билан ХХСР ўртасида 24 моддадан иборат Иқтисодий битим<sup>325</sup>, 1921 йил 15 моддадан<sup>326</sup> иборат, 1922 йил 9 августда 10 моддадан<sup>327</sup> иборат РСФСР ва БХСР ўртасида иқтисодий шартномалар имзоланди. Шунингдек, Марказ кўрсатмаси билан ҳар иккала республикага юборилган ишончли вакиллар ҳам бевосита мустақил ёш республикаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ишларига зўр бериб аралаша бошлишди.

Юқоридаги иқтисодий шартномаларни тузишдан мақсад, амалда иккала республиканинг иқтисодий мустақиллигини чеклаш эди, ёки ҳар иккала республика Туркистон АССР син-

<sup>325</sup> ҮзР МДА, 69-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 1 – 1-варакнинг оркаси.

<sup>326</sup> ҮзР МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 71 – 71-варакнинг оркаси.

<sup>327</sup> ҮзР МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 8 – 10- вараклар.

гари Марказга факат хом ашё етказиб берувчи қарам бир худуд бўлиб қолиши керак эди. Бу режа асосида БХСР, ХХСР ва ТАССР иқтисодиёти факат бир томонлама ривожланиб, Марказга боғланиб қолди. Биргина мисол: ХХСР билан 1920 йилда тузилган иқтисодий битимнинг 1 – 2-моддаларида<sup>328</sup>, БХСР билан тузилган 1921 йилдаги шартноманинг 3-моддасида<sup>329</sup> ХХСР ва БХСР ҳукуматлари ўзларидаги мавжуд барча хом ашё маҳсулотларини РСФСР ҳукуматига ихтиёрий равишда топшириши керак эди. Бу хом ашёга биринчи навбатда пахта ва пахта маҳсулотлари, коракўл тери, уруғликлар, гилам ва мўйналар киради<sup>330</sup>.

1922 йил 9 августдаги БХСР ва РСФСР билан тузилган иқтисодий шартноманинг 5-моддасига мувофиқ, БХСР ҳукумати чет давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни факат РСФСР воситачилигида олиб бориши керак эди<sup>331</sup>. Шу тариқа, БХСР ва ХХСР ҳукуматлари ички ва ташки сиёсатда Марказ кўрсатмалари асосида иш олиб боришга мажбур бўлишиди.

Республикалар иқтисодиётини Марказдан туриб бошқариш, уларнинг иқтисодий имкониятларини бирхиллаштириш большевиклар иқтисодий сиёсатининг асосий вазифаси эди. Бинобарин, большевиклар фақатгина ТАССРнинг арzon хом ашёси билан кифояланиб қолмай, БХСР ва ХХСРдаги текин хом ашёни ҳам Марказга ташиб кетишни, республикалар иқтисодиётини Марказ манфаатларига бўйсундиришни кўзлаган эди.

Шу асосда, 1922 йил 13 февралда РКП(б) МК Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ташкил этишга қарор килди<sup>332</sup>. 1923 йил 5 – 9 марта Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё республикалари – Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикаси ташкил этилди.

<sup>328</sup> ЎзР МДА, 69-фонд. 1-рўйхат, 2-иш, 1-варак.

<sup>329</sup> ЎзР МДА, 48-фонд. 1-рўйхат, 116-иш, 71-варак.

<sup>330</sup> ЎзР МДА, 69-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 1-варак.

<sup>331</sup> ЎзР МДА, 48-фонд. 1-рўйхат, 116-иш, 9 варак.

<sup>332</sup> Тарих шоҳидлiği ва сабоклари. Масъул мухаррир Д. Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 260.

ликаларнинг I иқтисодий конференцияси иш бошлади. Конференцияда олий бошқарув масалалари бўйича иштирок этиш учун Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикалари ҳукуматлари томонидан вакиллар (Туркистондан 10 вакил, Бухородан 7 вакил, Хоразмдан 3 вакил) сайланди. Конференцияга РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси номидан И. Е. Любимов раҳбарлик қилди<sup>333</sup>.

Конференцияда ҳар бир республиканинг иқтисодий аҳволи ҳақида асосий маъruzаларни Туркистон Иқтисодий Кенгашидан С. Паскуцкий, БХСРдан Файзулла Хўжаев, ХХСРдан Отажоновлар ўқишиди. Бундан ташқари минтақанинг умумий молиявий аҳволи ҳақида дастлаб Ивелев, ундан сўнг И. Е. Любимов маъруза қилишди<sup>334</sup>.

Маъruzаларда асосан республикаларнинг иқтисодий аҳволи, ички ва ташки савдо, қишлоқ хўжалиги (жумладан, пахтачилик), ирригация, транспорт, алоқа, банк-молия масалалари бўйича маълумот берилган. Умуман олганда, Тошкентда ўтказилган конференцияда Паскуцкий, Ивелев ва Любимовлар минтақа иқтисодиётини барча соҳаларда бирлаштириш таклифини кўллаб-кувватлашган. Ф. Хўжаев ва Отажоновлар эса маҳаллий шароитдан келиб чиқиб ҳамда минтақа бошқарувининг Марказ қўлига ўтаётганлигини сезган ҳолда бу фикрга қарши чиқишган. Мисол тариқасида, Ф. Хўжаев ўз сўзида И. Любимовнинг уч республика молия тизимини бирлаштириш ва Марказ қўлига ўтиши керак, деган фикрини асосли равишда кескин танқид қилган<sup>335</sup>. Отажонов эса, ўз фикр-мулоҳазаларини якунлаб, республикаларни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш Хоразм деҳқончилигига жиддий таъсир кўрсатмаслиги керак, деб таъкидлайди<sup>336</sup>.

<sup>333</sup> Бюллетень Первой Экономической конференции Среднеазиатских Республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). № 1. 6 марта. 1923 г. – С. 2.

<sup>334</sup> Бюллетень. № 1. 6 марта. 1923 г.. – С. 1 – 2.

<sup>335</sup> Бюллетень Первой Экономической конференции Среднеазиатских Республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). № 2. 6 марта. 1923 г. – С. 12 – 13.

<sup>336</sup> Бюллетень. № 2. 6 марта. 1923 г.. – С. 6.

Ниҳоят, конференциянинг 1923 йил 9 марта бўлган охирги мажлисида Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тӯғрисида қарор қабул қилинди ва Тошкентда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ташкил қилинди<sup>337</sup>.

Конференцияда 10 кишидан иборат Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Президиуми тузилди. Унга РСФСРдан вакил (И. Е. Любимов), Туркистондан 4 вакил (И. Хидириев, С. Паскуцкий, Прибитков, Т. Рисқулов), Бухородан 3 вакил (Отаулла Хўжаев ва бошқалар), Хоразмдан 2 вакил (Якубов, Сарсонбоев) сайланди. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши раиси этиб, Туркистон Иқтисодий Кенгашининг раиси С. Паскуцкий тайинланди<sup>338</sup>.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ваколатига қуйидаги лар кирган:

а) учала республиканинг иқтисодий кенгашлари томонидан тақдим этилган хўжалик режаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, уларнинг бюджет ҳисоб-китобларига мослигини текшириш;

б) ишлаб чиқариш соҳасида умумий қонун ҳужжатларини тузиш, шунингдек, ушбу соҳада республикалар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш;

в) республикалар ички ва ташқи савдосида битим ва келишувларни тартибга солиш, шунингдек, хусусий тадбиркорлар, кооператив ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, РСФСР савдо бўлимларининг Ўрта Осиё республикалари ҳудудида ташкил этилиши ва уларнинг ваколатларини белгилаш, ички савдодаги муаммомларни бартараф этиш, республикалар валюта заҳиралари устидан назорат ўрнатиш<sup>339</sup>;

г) республикалар молиявий сиёсатини умумлаштириш ва тартибга солиш, барча солиқларни тартибга келтириш, банк муассасаларини ташкил қилиш, республикалар ва улар ичида-

<sup>337</sup> Бюллетень Первой Экономической конференции Среднеазиатских Республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). № 6. 9 марта. 1923 г. – С. 4.

<sup>338</sup> Бюллетень. 9 марта. 1923 г. – С. 4.

<sup>339</sup> ЎЗР МДА. 73-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 52-варак.

ги давлат идораларининг ўзаро келишув ва алоқаларни назорат қилиш ва бошқариш<sup>340</sup>;

д) республика аҳолисини кенг истеъмол моллари билан таъминлаш борасидаги режаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

е) темир йўл, сув ва бошқа транспорт йўлларини яхшилаш учун барча чораларни кўриш, алоқа соҳасидаги муаммоловнинг ҳал қилиш<sup>341</sup>;

ж) республикалар қишлоқ хўжалигини тиклаш, мелиорациялаш, қишлоқ хўжалик кредитлари бериш, чорвачилик, ўрмон хўжалиги ва ирригация соҳасидаги муаммоловнинг ҳал қилиш;

з) барча республикалардаги ёнилғи, хом ашё ва бошқа табиий бойликларни ҳисобга олиш ва Марказга жўнатиш ҳамда республикаларнинг хорижий маҳсулотларга бўлган талабини қондириш;

и) ер, тоғ-кон саноати ва корхоналардан фойдаланиш борасида тушган таклифларни кўриб чиқиш;

к) Туркистон, Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашлари устидан умумий назорат ўрнатиш ва уларга кўрсатма бериш, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ҳузурида Давлат режа қўмитасини ташкил қилиш;

м) Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ўз муҳрига эга бўлган<sup>342</sup>.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ўз ваколат доирасидан келиб чиқиб, Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш мақсадида қўйидагича карор қабул қилган:

БХСР, XXСР ва РСФСР пул бирликларини умумийлаштириб, республикалардаги мавжуд валюталарни рус пул бирликларига алмаштириш<sup>343</sup>. Унга кўра пул алмаштириш операциялари 1923 йил май ойигача тугаши керак эди. Шу мақсадда, Бухоро ва Хоразм Республикаларининг миллий валютаси Ўрта

<sup>340</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 53-варак.

<sup>341</sup> ЎзР МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 53-варак.

<sup>342</sup> Материалы к I-й экономического конференции Среднеазиатских Республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). №1. 1923 г. – С. 10.

<sup>343</sup> ЎзР МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 5-варак.

Осиё Иқтисодий Кенгашининг кўрсатмасига мувофиқ 1923 йил май ва август ойларида Россия рублига алмаштирилди (10 Хоразм сўмига 1 Россия рубли нисбатида<sup>344</sup>, 3,5 Бухоро сўмига 1 Россия рубли нисбатида)<sup>345</sup>.

Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикалари ўз давлат бюджетини ишлаб чиқиши ва уни Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашига тақдим этиши лозим бўлган. Ишлаб чиқилган режалар РСФСР Молия қўмитаси қоидаларига мос келиши керак эди<sup>346</sup>. Мисол тариқасида, БХСР ва ХХСР ўз давлат бюджетларини ишлаб чиқишда ўз ҳудудларидаги қизил армия таъминоти учун алоҳида банд ажратишлари керак эди.

Солиқ соҳасида эса БХСР ва ХХСР ҳудудида РСФСРда мавжуд бўлган барча солиқлар жорий қилинган, шунингдек, конституция ва келишувларда кўрсатилмаган барча маҳаллий солиқларни бекор қилиш кўзда тутилган<sup>347</sup>.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг асосий диққат-эътиборидаги масала ер ҳисобланиб, Туркистон Республикасида ўтказилган ер-сув ислоҳотларидаги тажрибалардан келиб чиқкан ҳолда, Бухоро ва Хоразм Республикаларида ер ва ердан фойдаланиш мақсадида қуидаги вазифаларни амалга ошириш кўйилган:

Бухоро ва Хоразм Республикалари иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб янги Ер кодексини қабул қилиш, бунинг учун ТАССР Ер қўмитасининг тажрибаларидан фойдаланиш<sup>348</sup>. Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгashi кўрсатмасига мувофиқ, Бухоро ва Хоразм Республикаларининг 1923 йил октябрь ойидаги IV Умумбухоро ва Умумхоразм қурултойларида янги Ер кодекси қабул қи-

<sup>344</sup> ЎзР МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 38-иш, 279-варак.

<sup>345</sup> Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920 – 1924 йй.). – Бухоро: «Бухоро» нашириёти, 2003. – Б. 58.

<sup>346</sup> Постановление 1-й экономического конференции Среднеазиатских Республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). 1923 г. 5 – 9 марта. – С. 8.

<sup>347</sup> Постановление 1-й экономического конференции Среднеазиатских Республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). 1923 г. 5 – 9 марта. – С. 8.

<sup>348</sup> ЎзР МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 14-варак.

линди. Ер тұғрисидаги янги қонунга күра, ерга бұлган хусусий мулкчилик бекор қилиниб, барча ерлар ишчи-дехқонлар мулки деб әйлон қилинди.

Иrrигация соҳасидаги асосий ишлардан бири Зарафшон дарёси сувини Бухоро ва Туркистон үrtасида тұғри тақсимлаш әди. Бунинг учун Самарқандда ҳар иккала республикадаги сув хўжалиги идораларидан биттадан вакил киритилиб, сувни тақсимлашда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши кўrsатмалари асосида иш олиб борган<sup>349</sup>.

Пахтачилик соҳасида уруғчилик фондини ташкил қилиш ва сифатли уруг етказиб бериш, пахта майдонларини кенгайтириш, пахта корхоналари устидан давлат назоратини ўрнатиш, барча турдаги пахта толаси, ёғ олинадиган чигитни сотиб олиш, четга жўнатиладиган пахта хом ашёсини аниқ ҳисоблаш ва бу ҳақда Иқтисодий Кенгашга хабар бериш вазифалари қўйилди<sup>350</sup>.

Ушбу қарордан келиб чиқиб, биринчи навбатда барча пахта тозалаш заводлари давлат тасарруфига ўтказилган, пахтачиликни тиклаш ва пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида дехқонларга кенг имтиёзлар берилган. Жумладан, улар иш куроллари ва иш ҳайвонлари, уруғлик билан таъминланган, солиқлардан озод қилинган, пахта экилган майдонларга биринчи навбатда сув берилган. Пировардидা, Бухоро ва Хоразм пахтачилигини тиклаш ва унинг устидан назорат ўрнатиш Рус-Бухоро ва Рус-Хоразм пахтачилик ширкати тасарруфига ўтган. Бундан ташқари конференцияда ички ва ташқи савдо, транспорт, алоқа ва «босмачилик»ка қарши кураш бўйича қатор қарорлар қабул қилинди.

Шу тариқа Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикалари иқтисодиёти устидан умумий назорат ўрнатган. Иқтисодий Кенгаш ўз фаолияти борасидаги кўrsатмаларни СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгashiдан олиб турган.

<sup>349</sup> УзР МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 17-варак.

<sup>350</sup> УзР МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 22-варак.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ҳар бир мажлисида Бухоро ва Хоразм Республикалари иқтисодиётига доир турли масалалар кўриб чиқилган. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгashi томонидан 1924 йил январь-ноябрь ойларида ўтказилган мажлисларда 118 та масала кўрилган бўлса, шундан 45 таси айнан Бухоро ва Хоразм Республикалари иқтисодиётига тегишли бўлган<sup>351</sup>.

Масалан, 1924 йил февраль ойидаги мажлисда 113 чақирилли Қарши-Ғузор темир йўлини таъмирлаш, Амударё устидан Самсоново-Карки темир йўлини қуриш тўғрисида қарор чиқарилган<sup>352</sup>. Бунинг учун ҳукумат 3 млн рубл маблағ ажратиб, БХСР ҳиссасига 700 минг рубл тўғри келган. Ушбу маблағдан Ўрта Осиё темир йўл идорасига 450 минг рубл берилган. Шунингдек, 203 чақиримли Самсоново-Термиз темир йўл линиясини қуриш учун ҳам 3. 800. 000 рубл ажратилган<sup>353</sup>.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгashi ташаббуси билан 1924 йил апрель-май ойларида Бухоро, Хоразм ва Туркистон Республикаларининг 11 иқтисодий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда ўтган бир йил давомида республикаларда бораётган иқтисодий ислоҳотлар натижалари юзасидан вакиллар сўзга чиқишиди. Дастлаб Туркистон АССР вакили Межлаук сўзга чиқиб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг бир йиллик фаолияти ҳақида нутқ сўзлади.

Шундан сўнг, БХСР ҳукумати раиси Ф. Хўжаев сўзга чиқиб 1923 – 1924 йилдаги давлат бюджети ҳақида тўхталиб, жами тушган фойда 4.205.000 сўм (455 минг рубл)ни ташкил қилганлигини таъкидлаб ўтди. Шарқий Бухоро учун алоҳида бюджет тузилган бўлиб, у ердаги фойда 784 минг сўмни ташкил қилган<sup>354</sup>.

Бундан ташқари Ф. Хўжаев Давлат савдоси тўғрисида куйидагича маълумот берган. 1923 йилда чет элга товар сотиш ва

<sup>351</sup> Ҳайдаров И. И. Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917 – 1934 йй.)... – Б. 83.

<sup>352</sup> Озод Бухоро. №151. 1924. 14 октябрь.

<sup>353</sup> Озод Бухоро. №151. 1924. 14 октябрь.

<sup>354</sup> Туркестанская правда. 4 мая. № 97.

чет элдан сотиб олиш 8 млн рублни ташкил қилган. 1924 йил учун эса 16 – 18 млн рубл ташкил қилиши мүлжалланмоқда. Бунинг учун улгуржи ва чакана савдони давлат назоратига олиш кўзда тутилган. Чунки ички савдонинг 90 % ини якка тартибдаги савдогарлар ўз қўлларига олишган. Бунинг учун савдо ва кооперациялар сонини кўпайтириш кўзда тутилган. Республикадаги савдо ва кооперациялардаги аъзолар сони 50 – 60 кишини ташкил қилган<sup>355</sup>.

#### 8-жадвал

### **БХСРда яроқли ерларнинг умумий микдори (вилоятлар мисолида)**

т/р	Вилоятлар	Сугориладиган ерлар	Лалми ерлар	Жами
1	Бухоро	350. 000 таноб	-	350 000 таноб
2	Кармана	162. 800 таноб	57. 200 таноб	220 000 таноб
3	Нурота	18. 000 таноб	42. 000 таноб	60 000 таноб
4	Чорҷуй	150. 000 таноб	-	150 000 таноб
5	Карки	100. 000 таноб	-	100 000 таноб
6	Қарши	160. 000 таноб	40. 000 таноб	200 000 таноб
7	Шахрисабз	100. 000 таноб	150. 000 таноб	250 000 таноб
8	Ғузор	5000 таноб	95. 000 таноб	100 000 таноб
9	Бойсун	-	-	70 000 таноб
10	Шеробод	-	-	200 000 таноб
11	Қўргонтепа	-	-	50 000 таноб
12	Сариосиё	-	-	90 000 таноб
13	Душанбе	-	-	102 000 таноб
14	Қўлоб	-	-	92 000 таноб
15	Ғарм	-	-	120 000 таноб

Пахтачилик борасида, 1923 – 1924 йилдаги мавсумда 30 минг таноб ерга америка навли пахта экиш мўлжалланган, қоракўлчиликда эса 1923 – 1924 йилда 500 минг дона қоракўлтери етказиб бериш режалаштирилган.

1923 – 1924 йилдаги маълумотларга кўра, БХСРда 22 млн десятина ер бўлиб, шундан Шарқий Бухорода 500 минг деся-

<sup>355</sup> Туркестанская правда. 4 мая. № 97.

тина ерни ўрмонлар, Ғарбий Бухорда 4 млн десятина ерни чўл ва саксовулзорлар ташкил қилган<sup>356</sup>.

Шундан экин экиладиган ерлар 2.335.000 танобни ташкил қилган. Бу вилоятларга қуйидагича тақсимланган.

1923 йил БХСР да чорва миқдори қуйидагича бўлган: отлар 53.500, туялар 18.200, йирик шохли моллар 328.700, эшаклар 102.800, эчкилар 366.000, қўйлар 1.701.000 (қоракўл қўйлар 869.000, маҳаллий қўйлар 832.000). Жами чорва миқдори 2.570.200 бош бўлган<sup>357</sup>.

Темир йўл транспортида факат Ғарбий Бухоро линияси ишлаб турган, Марказий ва Шарқий Бухоро линияси 1917 йилдан бошлаб ишдан чиқкан. Бухоро хукумати Марказий ва Шарқий Бухоро темир йўл линияларини тиклаш учун 2 млн рубл ажратган<sup>358</sup>.

Конференцияда ХХСР вакили Шулимов сўзга чиқиб, 1923 йилдаги молиявий, савдо, пахтачилик, ирригация соҳаларидағи ислоҳотлар ҳақида гапириб ўтди. Жумладан, мамлакатдаги ички ва ташқи савдонинг асосий қисми хусусий тадбиркорлар қўлида эканлиги, савдо кооперацияларининг умумий қиймати 13 минг рублни ташкил қилиши ва бу маблағ билан ички савдони ривожлантиришнинг иложи йўқлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, республикадаги мавжуд савдо ташкилотлари бутун дикқат эътиборини пахта хом ашёсига қаратиши натижасида жун, беда каби маҳсулотлар четга сотилмай қолган<sup>359</sup>. ХХСРда ҳам ички ва ташқи савдонинг давлат назоратига олиниши кўзда тутилган.

<sup>356</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ архиви (РГАЭ, ф. 4372, оп. 15, д. 460, л. 117).

<sup>357</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ архиви (РГАЭ, ф. 4372, оп. 15, д. 460, л. 113).

<sup>358</sup> Туркестанская правда. 4 мая. 1924. № 97.

<sup>359</sup> Туркестанская правда. 4 мая. 1924. № 97.

Ирригация тизими БХСР ва ТАССРдан фарқ қилиб, дала-ларга чиғирлар орқали сув чиқарилган ва бу кўп меҳнат талаб қилган. Шунинг учун янги ерларни ўзлаштириш ва уларга сув чиқариш учун суғориш тизимини машиналаштириш зарур эди. Чунки ҳар бир таноб ерни чиғир билан суғориш 83 тийинга тўғри келса, насослар орқали суғориш 49 тийинни ташкил қил-ган<sup>360</sup>.

ХХСР ҳукумати ўз маблагидан 500 минг рубл қишлоқ хў-жалик кредити учун ажратган. Шу маблағдан 23 та қишлоқ хўжалик ширкати ташкил қилиниши ва бунинг учун 210 минг рубл ажратилиши мўлжалланган. Лекин ажратилган маблағ ўз вақтида етиб келмаган.

Шундан сўнг, БХСР вакили Қ. Отабоев сўзга чиқиб, ўртоқ Межлаук ўз нутқида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши тўғрисида эмас, балки Туркистон Иқтисодий Кенгаши фаолиятига кўпроқ эътибор бермоқда, қолган республикалар иқтисодиёти тўғрисида юзаки маълумотга эга эканлиги сезилиб турибди, деб таъкидлаб ўтган.

«Биргина мисол, ягона солиқ тизими Туркистонга нисбатан БХСР ва ХХСРда қийин кечайданлиги, бу борада ҳукумат вакиллари жиддий фаолият юритмаётганликларини нотик Межлаук гапирди. Лекин БХСРда алоҳида ушр ва закот номли солиқлар борлигини, бу солиқларни бирданига бекор қилиш халқ орасида норозилик уйғотишини, Хоразмда эса халқ янги солиқ тизимидан норози бўлиб қўзголовон қўтарганлигини у билмайди», деди ўз нутқининг сўнгига Қ. Отабоев<sup>361</sup>.

ХХСРдан Қ. Адинаев сўзга чиқиб, Амударё вилоятида катта миқдордаги пахта хом ашёси Россияга жўнатилмай ётганлигини айтган. У яна уч ойдан сўнг яна янги пахта хом ашёси келиши натижасида эски хом ашёнинг арzon нархда Марказга жўнатилишини, бундан деҳқонлар зарар кўришини таъкидла-

<sup>360</sup> Туркестанская правда. 4 мая. 1924. № 97.

<sup>361</sup> Туркестанская правда. 4 мая. 1924. № 97.

ган. У телефон ва телеграф алоқаси умуман йўқлиги ва буни кенгаш инобатга олишини сўраган<sup>362</sup>.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши диққати марказидаги масала Қарши – Термиз, Карки – Термиз темир йўл линияларини тиклаш эди. Бу икки линия Ғарбий Бухоро ва Шарқий Бухорони ўзаро боғлаши керак эди. Шу мақсадда иқтисодий кенгаш томонидан 14 млн рубл ажратилган<sup>363</sup>.

Умуман олганда, конференция сўнгига Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши пахтачилик, ирригация, чорвачилик, ер ишлари, ички ва ташқи савдо, транспорт, алоқа, банк-молия соҳасида бир қатор қарорлар қабул қилинган<sup>364</sup>.

1924 йил 22 майда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Хоразм Республикасидан пахта, жун, коракўл тери, беда ва чорвачилик маҳсулотларини сотиб олиш учун 2,5 млн рубл маблаг маблаг ажратилган. Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик банки ҳам Хоразмдан пахта хом ашёсини сотиб олиб Москвага жўнатиш учун 1,5 млн рубл ажратилган<sup>365</sup>. Шунингдек, БХСРдан пахта хом ашёсини сотиб олишни Рус-Бухоро пахтачилик ширкатига юклатиш ҳақида қарор чиқарилган<sup>366</sup>.

1924 йилда Туркистон, Бухоро ва Хоразмдан Москвага 4.587.344 пуд пахта хом ашёси жўнатилган. Лекин бу Марказнинг пахта хом ашёсига бўлган талабини тўла қондира олмаган. Шунга мувофиқ Марказдагилар Ўрта Осиёдан янада кўпроқ пахта олишни мўлжаллаганлар<sup>367</sup>.

1924 йил 16 июнда бўлган Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши-нинг мажлисида Орол денгизидаги балиқчилик саноати танқид қилинган. Чунки Орол денгизидаги бу соҳа давлат назоратидан четда қолганлиги учун хусусий тадбиркорлар қулига ўтиб кетган. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши балиқчилик инспекци-

<sup>362</sup> Туркестанская правда. 4 мая. 1924. № 97.

<sup>363</sup> Туркестанская правда. 4 мая. 1924. № 97.

<sup>364</sup> Туркестанская правда. 4 мая. 1924. № 97.

<sup>365</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 1. – С. 56.

<sup>366</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 1. – С. 60.

<sup>367</sup> Ҳайдаров И. Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917 – 1934 йй.)... – Б. 91.

ясига 15 июля Орол денгизи ҳавзасидаги балиқчилик корхоналарининг аҳволини билиш, бу ҳақда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ва Хоразм Иқтисодий Кенгашига хабар бериши түғрисида қарор чиқарган. Шунингдек, Сирдарё, Амударё ва Орол денгизи ҳавзаларида балиқчилик саноатини қайта ташкил қилиш ва балиқ тутиш ҳавзаларини аниқлаш юклатилган<sup>368</sup>.

Бундан ташқари, мажлисда «Добролёт» жамиятининг Ўрта Осиёдаги бўлимига техника асбоб-ускуналарини еткизб бериш учун Хоразм – Олмаота йўналишида ҳафтада бир марта самолёт қатновини йўлга кўйиш түғрисида қарор чиқарилган. Бунинг учун аэроромларни етарли шароит ва ёқилги билан таъминлаш кўзда тўтилган<sup>369</sup>.

1924 йил 13 октябрдаги Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг мажлисида 1924 – 1929 йилларга мўлжалланган беш йиллик режа тасдиқланган. Режага кўра, Туркистонга 266.100 та, БХСРга 75.000 та, ХХСРга 25.000 та ҳўкиз, 365.000 та от келтириш мўлжалланган<sup>370</sup>.

1924 – 1925 йилдаги хўжалик режасига кўра, 86 минг иш ҳайвонлари миintaқага олиб келиниши, Туркистонга 66. 000 та, БХСРга 15.000 та, ХХСРга 5000 та иш ҳайвони келтирилиши режалаштирилган. Олиб келинган иш ҳайвонлари 3 йил муддатга қарз сифатида хўжаликларга тарқатилган. Бунинг учун 3,5 млн рубл ажратилиб, Иқтисодий Кенгаш қошида иш ҳайвонларини чегара худудларидан ўтказиш учун маҳсус бюро ташкил қилиниб, 500 минг рубл ажратилган. Бюрони ташкил қилиш Қишлоқ хўжалик банки зиммасига юклатилган. Бухоро Иқтисодий Кенгаши четдан чорва моллари олиб келиш учун 300 минг рубл ажратган<sup>371</sup>.

1924 йил 24 октябрда бўлган Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши мажлисида БХСРда кредит ширкати ташкил қилиш ма-

<sup>368</sup> Хоразм ВДА, 590-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 217 – 218-вараклар.

<sup>369</sup> Хоразм ВДА, 590-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 218-варак.

<sup>370</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924 № 4. – С. 216.

<sup>371</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 1. – С. 60.

саласи кун тартибига қўйилган. Кенгаш қарорига кўра, 16 та кредит ширкати ташкил қилиниб, 1. 600. 000 рубл ажратилған. Қишлоқ хўжалик банкининг Бухоро бўлими очилиб, биринчи навбатда Шарқий Бухоро ва Сурхондарё округини ишчи кучи ва озиқ-овқат билан таъминлаш назарда тутилган. Шунингдек, Шаҳрисабз ва Гузор туманларида кредит ширкатлари сонини қўпайтириш ва улар фаолиятини жонлантириш тўғрисида қарор чиқарилган<sup>372</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, большевиклар Ўрта Осиёда сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш учун дастлаб миллий сиёсий партияларни тугатиб, уларнинг ўрнида коммунистик партияларни ташкил қилди. Ундан сўнг ҳокимиятни бошқаришда жонбозлик кўрсатаётган миллий зиёлиларни ўз вазифаларидан четлатишиди. Навбатдаги вазифа, республикалар иқтисодиётини бошқарувчи ташкилот ташкилотлар тузиш ва шу орқали бошқарувни Марказ қўлига ўтказишдан иборат эди. Дастлаб тажриба сифатида Туркистон АССРда иқтисодий ислоҳотларни бошқарувчи ташкилот Туркистон Иқтисодий Кенгashi ташкил этилди. Ушбу ташкилот Туркистоннинг барча табиий ва хом ашё бойликларини олиб кетишида, республика иқтисодиётини Марказ манфаатларига бўйсундиришида, пахта яккаҳоқимлигининг ўрнатилишида асосий вазифани бажарган. Лекин Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Ёш буҳороликлар ва Ёш хиваликлар партияси аъзолари мамлакат манфаатларидан келиб чиқиб иш олиб боришиди. Большеvиклар эса Бухоро ва Хоразм иқтисодиётини ҳам Марказ манфаатларига бўйсундириш чораларини кўра бошлишди. Шу мақсадда 1923 йил 5 – 9 марта Тошкентда Ўрта Осиё республикаларининг I иқтисодий конференцияси ўтказилди. Натижада Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикалари иқтисодиёти устидан назорат ўрнатувчи Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгashi ташкил қилинди. Шунингдек, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгashiга бўйсунувчи Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашлари ҳам қайта ташкил қилинди.

<sup>372</sup> Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 4. – С. 218.

